

Таъсисчи:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ушбу сон муҳаррирлари:

С. А. Раззоқов, И. В. Солохина

Дизайнер ва саҳифаловчи

Д. Р. Джалилов

Ахборотнома Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йил 18 июнда қайд этилган. Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома № 0568.

Ахборотнома фан доктори илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари илмий натижалари юзасидан илмий мақола-лар эълон қилиниши мумкин бўлган республика журналлари рўйхатига киритилган (ОАК Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сон қарори).

Таҳририят манзили:

100197, Тошкент шаҳри, Ингизор кўчаси, 68.

Тел.: 265-23-56, 265-23-52.

<http://akadmvd.uz/category/vestnik-akademii>

e-mail: info@akadmvd.uz

Оригинал-макет Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг таҳририят-ноширлик бўлимида тайёрланди.

Мақолалар ҳар қандай усулда тўлиқ ёки қисман кўчириб босилганида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди. Қўлёзмаларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди.

Бичими 60x84 1/8. Нашр табағи 11,0. Офсет усулида босилди. Адади 100 нусха. МЧЖ «Better Print» босмахонасида чоп этилди. Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Уста Ширин 1-тор кўчаси, 254-уй. Баҳоси келишилган нархда. Босишга рухсат этилди 30.12.2018.

Буюртма №

ISSN 2181-4872

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ИИВ АКАДЕМИЯСИНИНГ

АХБОРОТНОМАСИ

2010 йилдан чиқа бошлаган

Йилда тўрт марта чиқади

2018 йил, махсус сон

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига 70 йил

70 лет

Всеобщей декларации прав человека

Матчанов А. А. Всеобщая декларация прав человека и Конституция Республики Узбекистан – правовые гарантии защиты прав обвиняемых, находящихся в розыске.....3

Саидов Б.А. Жиноят процессида инсон ҳуқуқларини таъминлашда адвокатнинг ролини ошириш.....8

Абдурашитова Н.Б. Инсон ҳуқуқларига риоя қилишда ҳуқуқий атамаларни тўғри қўллашнинг аҳамияти.....12

Давлетов Ў.М., Давлетов У.М. Инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда оммавий ахборот воситаларининг роли.....18

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – эркин ва фаровон ҳаётимиз асоси

Конституция Республики Узбекистан – основа свободной и благополучной жизни

Исмаилов И. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – экстремизмга қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини яратиш манбаи.....24

Абдурасулова Қ. Р. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва айбсизлик презумпцияси.....29

Халиков А. А. Конституция – давлат тилининг ҳуқуқий асоси.....33

Учредитель:
Академия МВД Республики Узбекистан

Редакторы номера:
С. А. Раззаков, И. В. Солохина

Дизайн и верстка
Д. Р. Джалилов

Вестник зарегистрирован Узбекским агентством по печати и информации 18 июня 2009 г. Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 0568.

Вестник включен в перечень республиканских журналов, рекомендованных для публикации научных статей, подготовленных по результатам диссертационных работ на соискание ученой степени доктора наук (Решение Президиума ВАК №201/3 от 30 декабря 2013 г.).

Адрес редакции:
100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.
Тел.: 265-23-56, 265-23-52.
<http://akadmvd.uz/category/vestnik-akademii>
e-mail: info@akadmvd.uz

Оригинал-макет подготовлен в редакционно-издательском отделе Академии МВД Республики Узбекистан.

При перепечатке или воспроизведении любым способом полностью или частично ссылка на вестник «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси» обязательна.

Редакция не вступает в переписку с авторами писем, рукописи не рецензируются и не возвращаются.

Формат 60x84 1/8. Уч.-изд.л. 11,0. Печать офсетная. Тираж 100 экз. Отпечатано в ООО «Better Print» Республики Узбекистан, г. Ташкент, ул. Уста Ширин 1 проезд, дом 254.
Цена договорная.
Подписано в печать 30.12.2018.

Заказ № ISSN 2181-4872

© Академия МВД
Республики Узбекистан, 2018.

Умирзаков Б. А. Вояга етмаганлар ва ота-оналар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг конституциявий асослари.....38

Худойбердиев А.Қ. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилишида жамоатчилик фикрининг ўрни.....43

Янгибаев А.К. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида сиёсий партиялар иштирокининг конституциявий-ҳуқуқий асослари.....47

Амонова М. А. Ёшлар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда Конституциянинг ўрни ва аҳамияти.....52

Коррупцияга қарши кураш — устувор вазифа

Борьба с коррупцией — приоритетная задача

Отажонов А.А. Коррупция жиноятларига қарши курашишнинг ҳуқуқий чораларини такомиллаштириш.....56

Мамадалиев Ш.О., Мамадалиев С.Ш. Коррупцияга қарши курашнинг назарий масалалари.....61

Матибаев Т. Б. Коррупцияга қарши курашда ижтимоий шериклик ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни.....63

Тумпаров Р. Р. Научно-прикладные аспекты юридико-лингвистической антикоррупционной экспертизы нормативно-правовых актов и их проектов.....69

Сарабеков Х.Д. Жамоатчилик фикри — коррупцияга қарши курашишнинг асосий омили.....73

Ахмедов А.А. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашнинг халқаро ва миллий ҳуқуқий асослари...78

Махмудов К. Общие причины и условия коррупции в современном обществе.....82

Жалолов Ш. Р. Коррупция билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилишда адвокатнинг иштироки.....87

Қулматов Ш. А. Жиноят-процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик масалалари.....93

А. А. Матчанов,

*доцент кафедры предварительного следствия и криминалистики
Академии МВД Республики Узбекистан, кандидат юридических наук, доцент*

ВСЕОБЩАЯ ДЕКЛАРАЦИЯ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА И КОНСТИТУЦИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН – ПРАВОВЫЕ ГАРАНТИИ ЗАЩИТЫ ПРАВ ОБВИНЯЕМЫХ, НАХОДЯЩИХСЯ В РОЗЫСКЕ

Аннотация. В статье раскрываются место и значение Конституции Республики Узбекистан, Всеобщей декларации прав человека в обеспечении защиты прав разыскиваемых обвиняемых, рассматриваются особенности уголовно-процессуального порядка, криминалистического и оперативно-розыскного обеспечения и международно-правового регулирования розыска обвиняемых.

Ключевые слова: Конституция Республики Узбекистан, Всеобщая декларация прав человека, разыскиваемый обвиняемый, следователь, дознаватель, органы, осуществляющие оперативно-розыскную деятельность, уголовно-процессуальный порядок, криминалистическое, оперативно-розыскное обеспечение розыска, международно-правовое регулирование розыска.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – қидирувдаги айбланувчилар ҳуқуқларини ҳимоялашнинг ҳуқуқий кафолатлари

Аннотация. Мақолада қидирувдаги айбланувчилар ҳуқуқларининг ҳимоясини кафолатлашда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг ўрни ва аҳамияти, айбланувчиларни қидиришнинг жиноят-процессуал тартиби, криминалистик, тезкор-қидирув таъминланиши ва халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятлари кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, қидирувдаги айбланувчи, терговчи, суриштирувчи, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар, қидирувнинг жиноят-процессуал тартиби, криминалистик, тезкор-қидирув таъминланиши, шахслар қидирувини халқаро-ҳуқуқий тартибга солиниши.

Universal Declaration of Human Rights and Constitution of the Republic of Uzbekistan - legal guarantees of defendant rights searched for wanted file

Annotation. The article deals with the importance of the Constitution of the Republic of Uzbekistan, Universal Declaration of Human Rights in protection of the rights of wanted defendants, considers the specifics of criminal procedural order, criminalistic and operational search services, and international legal regulation of investigation of the accused.

Keywords. Constitution of the Republic of Uzbekistan, Universal Declaration of Human Rights, wanted defendant, interrogator, investigator, bodies carrying out operational-search activity, criminal-procedural order, criminalistics, operational-search service, international legal regulation of investigation.

Как известно, Республика Узбекистан Всеобщая декларация прав человека, в которой закреплены основные демократические принципы и требования в области обеспечения прав и свобод человека.

Декларация стала политической, правовой основой формирования всей системы международного права в этой сфере.

В нашей стране права человека рассматриваются как высшая ценность и свидетельством тому является обеспечение в стране независимости судебной власти, либерализация уголовных наказаний и др. В нашей стране создана экономическая основа гражданского общества, усовершенствована деятельность негосударственных структур, общественных организаций и органов самоуправления, ускорились темпы реформ в судебно-правовой и культурно-духовной сферах. Обеспечение и защита прав и свобод человека, вовлеченного в уголовный процесс, является важной задачей государства, выступающего гарантом защиты их интересов. Это относится и к лицам, которые в силу различных обстоятельств скрываются от органов следствия и находятся в розыске.

В Узбекистане уделяется особое внимание совершенствованию механизма обеспечения надежной защиты прав, свобод и интересов человека. Подтверждением этому является принятие 5 мая 2018 года Указа Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева «О Программе мероприятий, посвященных 70-летию принятия Всеобщей декларации прав человека». Это связано с повышением эффективности механизмов и процедур имплементации международных стандартов прав и свобод человека в законодательство и практику деятельности государственных, правоохранительных органов.

В честь празднования 70-летия принятия Всеобщей декларации прав человека предусмотрены мероприятия, направленные на дальнейшее усиление координации деятельности государственных органов и институтов гражданского общества, занимающихся вопросами обеспечения прав и свобод человека, активизацию деятельности средств массовой информации по широкому освещению проводимой в стране масштаб-

ной работы по защите и поощрению прав человека, углублению международного сотрудничества в данной сфере.

Основным критерием в осуществлении розыскной деятельности следователя, дознавателя, органов, осуществляющих доследственную проверку или оперативно-розыскную деятельность, является человек, в силу различных обстоятельств вовлеченный в уголовно-процессуальные отношения, с его правами, обязанностями, закрепленными в Конституции, УПК, законах и других нормативных актах, а также международных документах, ратифицированных Узбекистаном.

Суд, правоохранительные органы и прежде всего прокурор обязаны, осуществляя надзор за розыскной деятельностью следователя, дознавателя, органов, осуществляющих доследственную проверку или оперативно-розыскную деятельность, гарантировать соблюдение прав и свобод лиц, совершивших преступление и объявленных в розыск. А возможность судебного контроля при выдаче санкции на заключение под стражу скрывающихся обвиняемых на стадии объявления их в розыск одновременно с прокурорским надзором свидетельствует о дальнейшей либерализации уголовного процесса.

Знание теоретических, практических, правовых и прикладных оснований их розыска в расследовании преступлений имеет большое значение для осуществления успешной борьбы с преступностью. В этом отношении знание, применение методов, способов, приемов розыска, тактики его осуществления, закрепленных как в нормативных актах, так и в иных ведомственных документах, регулирующих розыск в уголовном процессе, включая наиболее важные правила розыскной деятельности, создает организационно-правовые основания для осуществления розыска преступников.

Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев на состоявшемся 9 февраля 2017 года видеоселекторном совещании отметил, что незадержание большинства

находящихся в розыске лиц позволяет им продолжать свои преступные деяния, и это очень тревожный факт¹.

По сути, розыскная функция следователя, дознавателя, должностных лиц, осуществляющих последовательную проверку и оперативно-розыскную деятельность органов внутренних дел (ОВД), можно обозначить как своеобразный технологический процесс розыска скрывающихся преступников. Она вбирает в себя не только производство следственных действий розыскной направленности, розыскных, оперативно-розыскных мероприятий, но и криминалистического обеспечения, оперативно-розыскного сопровождения и международно-правовой регламентации. Названные субъекты розыска в системе ОВД взаимодействуют между собой с единой целью — осуществления розыска лиц, совершивших преступления, местопребывание которых неизвестно.

В практической деятельности следователей, дознавателей, должностных лиц, органов, осуществляющих последовательную проверку и оперативно-розыскную деятельность, розыск скрывающихся обвиняемых распределяется на виды: местный; государственный (внутригосударственный); межгосударственный и международный.

Местный розыск характеризуется осуществлением его в пределах отдельно взятой административно-территориальной единицы Республики Узбекистан.

Государственный (внутригосударственный) розыск осуществляется в пределах территории Республики Узбекистан и ориентировка о розыске направляется в территориальные, транспортные подразделения правоохранительных структур (в основном отделов (управлений) уголовного розыска, непосредственно занимающихся розыском скрывающихся преступников).

Межгосударственный розыск проводится в соответствии с Соглашением о взаимодействии министерств внутренних дел СНГ в сфере борьбы с преступностью от 24 апреля 1992 г., Конвенцией о правовой помощи и

правовых отношениях по гражданским, семейным и уголовным делам от 22 января 1993 г., Протоколом к Минской конвенции 1997 г. и некоторыми другими нормативно-правовыми актами.

Важную роль в регламентации межгосударственного розыска играет Инструкция о едином порядке осуществления межгосударственного розыска лиц, утвержденная в 2002 г. решением Совета министров внутренних дел. 10 декабря 2010 г. в Москве был подписан Договор государств-участников Содружества Независимых Государств (СНГ) о межгосударственном розыске, утвержденный Президентом Республики Узбекистан 19 мая 2011 г.².

Международный розыск осуществляется за пределами стран СНГ с иностранными государствами Европы, Азии, Африки и Америки как комплекс следственных действий, розыскных, информационно-справочных, информационно-консультационных и иных организационных мероприятий с целью установления географической точки нахождения скрывающегося преступника, для его последующего ареста и экстрадиции³.

Разделение на виды розыска имеет большое практическое значение и внесение соответствующих изменений в УПК и Закон «Об оперативно-розыскной деятельности Республики Узбекистан» позволит совершенствовать механизм процессуального режима (порядка), криминалистического обеспечения, оперативно-розыскного сопровождения, международной организации розыска лиц, совершивших преступления, местонахождение которых неизвестно, и повысить эффективность розыскной деятельности следователей, дознавателей и должностных лиц, органов, осуществляющих последовательную проверку и оперативно-розыскную деятельность ОВД.

Относительно правового обеспечения розыскной деятельности Т.А. Ткачук высказывает мнение, с которым, на наш взгляд, следует согласиться. В частности, она отмечает: «Определение правового обеспечения розыскной деятельности как законодательно

урегулированного процесса возникновения в уголовном процессе объекта — источника розыскной и доказательственной информации — и необходимости установления места его нахождения.

При этом главными задачами правового регулирования розыскной деятельности выступают сбор и исследование информации о разыскиваемом объекте, использование этой информации для организации и осуществления самого розыска. Наиболее обоснованной и удобной с точки зрения практического применения в уголовном процессе может быть единая модель нормативно-правового регулирования розыска, в которой будут отражены типичные связи и опосредования этой деятельности, ее функциональные подсистемы, специфика розыска на различных его стадиях⁴. И это, по нашему мнению, наиболее правильный подход к розыску лиц, совершивших преступления.

Рассматривая розыск лиц, совершивших преступления, местонахождение которых неизвестно, как единую модель нормативно-правового регулирования, следует объединить уголовно-процессуальные, криминалистические, оперативно-розыскные и международно-правовые аспекты в комплексную технологию розыска.

Исследуя технологию (алгоритм) розыска следователя, дознавателя, должностных лиц, осуществляющих доследственную проверку и оперативно-розыскную деятельность, Е.А. Касаткина предлагает определенную систему и последовательность действий при осуществлении розыска лиц, совершивших преступления, местопребывание которых неизвестно: «Определение объекта розыска; изучение имеющихся сведений о признаках объекта, его связях и отношениях, в том числе о месте его возможного нахождения»⁵. Данная систематизация наиболее полно раскрывает уголовно-процессуальную, криминалистическую розыскную технологию следователя, дознавателя с оперативно-

розыскной технологией должностных лиц, осуществляющих доследственную проверку и оперативно-розыскную деятельность ОВД, которые взаимодействуют между собой для установления местонахождения скрывающихся преступников.

Совершенствование розыска лиц, совершивших преступления, место нахождения которых неизвестно, по нашему мнению, требует кардинальных изменений уголовно-процессуального механизма его осуществления.

Проведенный научный анализ единственной статьи УПК, определяющей уголовно-процессуальный режим (порядок) розыска скрывающихся преступников, показал, что статья 365 «Объявление розыска», входящая в главу 45 «Приостановление и возобновление предварительного следствия» Уголовно-процессуального кодекса, по своему содержанию существенно отличается от других статей (364, 366-371 УПК) данной главы. В ней определен процессуальный порядок приостановления и возобновления предварительного следствия, а содержание ст. 365 УПК определяет основания и условия объявления обвиняемого в розыск и одновременно указывает субъекта, обязанного установить его местонахождение (ч.1 ст. 365 УПК).

Современные реалии состояния розыска лиц, совершивших преступления, местонахождение которых неизвестно, требуют конкретной регламентации или иначе, выражаясь, технологии уголовно-процессуального режима розыска скрывающихся преступников. Считаю целесообразным вместо одной ст. 365 УПК, исключив её из УПК, дополнить отдельной главой 45¹ «Розыск подозреваемого и обвиняемого». В ней следует конкретно определить уголовно-процессуальный порядок (процедуру) розыска скрывающихся преступников.

Содержание новой главы установит участников (субъектов, объектов) розыска, их права и обязанности, виды (местный, внутригосударственный, межгосударствен-

ный, международный) и этапы (в ходе и после приостановления расследования), процессуальную процедуру розыска и порядок координации розыска прокурором и взаимодействия следователя, дознавателя, должностных лиц, осуществляющих следственную проверку и оперативно-розыскную деятельность.

Регламентация в УПК правовой характеристики, задач, видов розыска, взаимодействия следователя, дознавателя с органами, осуществляющими следственную проверку и оперативно-розыскную деятельность в розыске подозреваемых и обвиняемых, участие государственных, общественных организаций, средств массовой информации и граждан в розыске лиц совершивших преступления, позволит совершенствовать эффективность реализации принципа

неотвратимости ответственности за совершенное преступное деяние.

Знание теоретических, практических, правовых и прикладных оснований розыска в раскрытии и расследовании преступлений имеет большое значение для осуществления успешной борьбы с преступностью.

В этом отношении знание, применение методов, способов, приемов розыска, закрепленных в нормативных актах, включая наиболее важные правила розыскной деятельности, создает организационно-правовые основания для совершенствования деятельности по розыску преступников и успешного расследования преступлений, а также гарантий обеспечения защиты прав человека в уголовном процессе со стороны следователя и органа дознания.

¹ *Мирзиёев Ш. М.* Миллий тараққийёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т., 2017. – Б. 317.

² Постановление Президента Республики Узбекистан «Об утверждении международного договора» от 19 мая 2011 года за №ПП-1532 // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2011. – № 22-23 (470-471). – Ст.226.

³ UNODC, Criminal Intelligence – Manual for Analysts [ЮНОДК, Оперативно-розыскная деятельность в уголовно-правовой области – Руководство для аналитиков (Вена: публикация Организации Объединенных Наций, 2011а). [[www.unodc.org/documents/organized-crime/Law-Enforcement /Criminal Intelligence for Analysts.pdf](http://www.unodc.org/documents/organized-crime/Law-Enforcement/Criminal%20Intelligence%20for%20Analysts.pdf)] (27 апреля 2017 г.)

⁴ *Ткачук Т.А.* Научно-техническое обеспечение розыскной деятельности в уголовном процессе России: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Владимир, 2011. – С.10.

⁵ *Касаткина Е. А.* Розыск обвиняемого в уголовном процессе Российской Федерации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Нижний Новгород, 2004. – С.14.

Б. А. Саидов,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ 1-сонли Тошкент академик лицейи
директорининг ўринбосари, юридик фанлар номзоди, доцент

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА АДВОКАТНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ МАСАЛАСИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг жамият ва давлат ҳаётидаги аҳамияти, дунё конституцияларининг асосий жиҳатлари билан ҳамоҳанглиги, хусусан парламентнинг асосий ваколатларини, инсон ҳуқуқларини қамраб олиши тадқиқ этилган.

Таянч сўзлар: Конституция, инсонпарварлик, демократия, инсон ҳуқуқлари, қонун, парламент ваколатлари.

Повышение роли адвоката в обеспечении прав человека в уголовном процессе

Аннотация. В статье проанализировано значение Конституции Республики Узбекистан в жизни общества и государства, соответствие ее норм и принципов мировым конституциям, исследованы вопросы охвата конституционными нормами основных парламентских полномочий, прав человека.

Ключевые слова: Конституция, гуманность, демократия, права человека, закон, парламентские полномочия.

Issues of enhancement of the role of attorney in providing human rights in criminal procedure

Annotation. The article analyzes the importance of the Constitution of the Republic of Uzbekistan in the life of society and state, adherence to its norms and principles of the world constitutions. The author comparatively researches the issues of coverage by the constitutional norms of the main areas, parliamentary powers and human rights.

Key words: Constitution, humanity, democracy, human rights, law, parliamentary powers.

Мамлакатимиз истиқлол йилларида эришган улкан ютуқ ва марралар бугун нафақат халқимиз, балки хорижликлар томонидан ҳам алоҳида эътироф этилмоқда. Шубҳасиз, бу муваффақиятларда Асосий қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, мазкур ҳужжат миллий тараққиёт йўлимизни белгиловчи халқчил Қомус сифатида нафақат халқаро ҳуқуқ норма ва қоидаларига, балки ўзбек давлатчилиги ривожининг анъаналарига ва миллий ҳуқуқий қадриятларимизга ҳам мосдир.

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларни такомиллаштириш бўйича изчил ва босқичма-босқич, жумладан, қийноқларнинг олдини олиш учун зарур

ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

1995 йил 31 августда Ўзбекистон БМТнинг Қийноқларга қарши конвенциясига қўшилиб, ўзининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари каби умум эътироф этган қадриятларга интилишини яна бир бор тасдиқлади, қамоқда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича бир қатор халқаро стандартларни тан олиш, давлат жазони ижро этиш тизимини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш масалаларига эътиборини янада кучайтирди.

Қийноқларга қарши конвенцияга қатъий амал қилиниши мамлакат парламенти иккала палатасининг диққат марказидадир. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва

Сенати Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Қийноқлар ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция»си қоидаларининг мамлакатда бажарилиши юзасидан БМТ Қийноқларга қарши қўмитасига миллий маърузалари кўриб чиқилиши якунларини махсус мажлисларда муҳокама қилмоқда.

Ҳозирги кунда БМТ томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда инсон ҳуқуқларига оид барча халқаро шартномалар Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларда тўла-тўқис ифодасини топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясидаги бешта устувор йўналишдан бири — суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш, қонун устуворлиги ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишдан иборат.

Айниқса, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш, судларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш каби вазифалар белгилангани ҳозирги кун учун ниҳоятда муҳимдир. Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устунлигига асосланган тизим шаклланди.

Шу билан бирга, бугунги тезкор давр талаблари, мамлакатимизни ривожлантиришнинг устувор стратегик вазифалари суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришни тақозо этмоқда. Шу маънода, Ҳаракатлар стратегиясида суд-ҳуқуқ соҳасида кўзда тутилган мақсад ва вазифалар тизимини янада демократлаштириш ва эркин-

лаштириш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятининг самардорлигини ошириш, аҳолининг одил судловга ишончини мустаҳкамлаш, жамиятда қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш каби мақсадларга хизмат қилади.

Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида юртимизда маҳкумлар ва ҳибсхоналарда сақлаб турилган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган жиноят-ижро тизимини ислоҳ қилиш ва либераллаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишда муҳим ҳодиса бўлди. Фармонга кўра, Ўзбекистонда жиноят процесси иштирокчилари ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш, психологик ва жисмоний тазйиқ ҳамда бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёхуд кадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллаш, жиноят иши доирасида ноқонуний йўл билан олинган ҳар қандай аудио ва видео ёзув ҳамда бошқа материаллардан далил сифатида фойдаланиш қатъиян ман қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 4 апрелда қабул қилинган «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунига кўра қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаганлик учун жавобгарлик кучайтирилди.

Жиноят кодексининг 235-моддасида қийноққа солиш «маъмурий қамоққа олинган шахсга, шунингдек гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга, гувоҳга, жабрланувчига, жиноят процесси-

нинг бошқа иштирокчисига ёхуд уларнинг яқин қариндошларига улардан ёки бошқа учинчи шахсдан бирор-бир ахборот олиш, жиноят содир этганлигига иқрорлик кўрсатуви олиш мақсадида, уларни содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирор-бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг ёки бошқа давлат органи ходими томонидан ёхуд унинг далолатчилигида ёки хабардорлигида ёхуд индамай берган розилиги билан бошқа шахслар томонидан кўрқитиш, уруш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш йўли билан ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар воситасида содир этилган қонунга хилоф руҳий, психологик, жисмоний босим ўтказиш ёки бошқача тарзда босим ўтказиш» сифатида таърифланган.

Мамлакатимизда жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонун ҳужжатларини либераллаштиришнинг тадрижий жараёни изчил давом этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига киритилган ўзгартишлар асосида судгача иш юритиш босқичида тергов устидан суд назорати кучайтирилди. Шахсни тиббиёт муассасасига жойлаштириш процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ваколатлари судларга берилди.

Шу билан бирга, озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўташ шароитларини яхшилаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, шу жумладан, жазони ижро этиш муассасаларининг фаолиятини назорат қилишнинг самарали механизмларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари ҳам мустаҳкамланди.

Сўнгги икки йил ичида адвокатура соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ушбу хизматнинг сифат ва самарадорлигини мутлақо янги босқичга кўтарди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги «Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида асосан, жорий йилнинг июль

ойидан бошлаб, адвокатга ҳакамлик судьяси сифатида фаолият юритиш, адвокатлик билан шуғулланиш мақсадида адвокатлик тузилмасида олти ой ўрнига уч ой мажбурий стажировка ўташ, адвокат ўзининг касбий фаолияти билан узрсиз сабабларга кўра олти ойга қадар шуғулланмаслиги, адвокатга нисбатан суд органи томонидан чиқарилган айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда, бу ҳақда судья томонидан бир сутка ичида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Адвокатлар палатасини ёзма равишда хабардор қилиш, адвокатлар ҳар бир танланган мутахассислик бўйича барча тўловлардан озод қилинган ҳолда, алоҳида лицензия асосида юридик ёрдам кўрсатиш ва лицензиянинг амал қилишини тугатиш Олий малака комиссияси хулосасига асосан Адлия вазирлигига мурожаат бўйича суд органи орқали амалга оширилиши жорий этилди.

Айни вақтда жиноят процессида инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида ҳали талайгина муаммолар бор. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «қонунчилигимизда адвокатларнинг самарали фаолият юритиши учун барча асослар яратилган. Лекин, афсуски, адвокатура ҳанузгача фуқаролар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш институтига айлангани йўқ.

Шу боисдан ҳам суд-ҳуқуқ соҳасида адвокатларнинг ўрни ва ролини янада ошириш, унинг ваколатларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишимиз керак»¹.

Фикримизча, бу борада айрим масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Биринчидан, қонунчиликда адвокатнинг ҳуқуқларини кенгайтириш билан бирга, амалиётда уларнинг ваколатлари доирасини ҳам кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Ҳозирги кунда адвокатга мустақил тергов юритиш ваколатини бериш вақти келди. Тўғри, ҳозир мамлакатимизда бу амалиёт қисман йўлга қўйилган. Масалан, ҳимоячи жиноят иши бўйича ишга тааллуқли маълумотга эга шахслардан сўраб-суриштириш ва уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш, давлат

органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхона, муассаса ва ташкилотларга сўров юбориш ва улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа хужжатларни олиш ваколатларига эга.

Лекин адвокатни ушбу ваколатлар билан чеклаб қўймасдан, исбот қилиш субъектига айлантириш керак. Масалан, адвокат ўз ҳимоясига олган шахс иштирокида ўтказилган тергов ҳаракатларида ҳимоячи сифатида қатнашади. Бироқ гувоҳ, жабрланувчи ва бошқа процесс иштирокчилари билан бўлган тергов ҳаракатларида монеликсиз қатнаша оладими?

Иккинчидан, адвокатнинг обрўсини амалда ошириш, шунингдек судлов ишини юритишда тенглик ва тортишув принципларини тўлиқ юзага чиқариш лозим. Ҳеч кимга сир эмаски, жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахслар томонидан белгиланган вақтга етиб келган бўлсада, лекин турли баҳоналарни рўқач қилиб, адвокатнинг ҳимоясидаги шахс билан учрашувига монелик қилиш ёки белгиланган вақтга амал қилмаслик ҳоллари учраб турибди. Бунинг оқибатида адвокат мазкур мансабдор шахс фаолият юритадиган идоранинг «эшиги олдида сарғайиб кутиб ўтирибди». Афсусланарли томони шундаки,

адвокатнинг бундай кутиб ўтириш ҳолатини исботлашнинг имкони деярли йўқ. Чунки бундай идораларнинг кириш-чиқиш жойида адвокатнинг келган-кетган вақтини қайд этиш журнали жорий этилмаган.

Бундан ташқари, судлар томонидан жиноят ишини юритишда тортишувни амалга оширувчи субъектлар, яъни ҳимоя қилувчилар ва давлат айбловини қўллаб-қувватловчи субъектларга муносабат амалда ҳар доим бир хил дейиш қийин. Зеро, адвокат суд бинотида судьянинг рухсат беришини кутиб турганини қўллаб қувватлаш мумкин, лекин прокурорда бундай вазият бўлганмикан?

Учинчидан, ривожланган демократик давлатларда қўлланилаётган нормаларни ўрганиш, таҳлил қилиш, тадқиқ этиш натижасига кўра мамлакатимизда адвокатлик фаолиятига оид тегишли қонун нормаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозим;

Тўртинчидан, жиноят процессида «халис тергов, кучли адвокат, адолатли суд» принципини ва унинг механизмларини жорий этиш керак.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалар жиноят процессида инсон ҳуқуқларини таъминлашда адвокатнинг роли ва обрўсини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

¹ *Мирзиёев Ш.М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Халқ сўзи. — 2016. — 8 дек.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШДА ҲУҚУҚИЙ АТАМАЛАРНИ ТЎҒРИ ҚЎЛЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация. Мақолада ҳуқуқий атамаларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қўллашда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш зарурлиги тўғрисида фикр юритилади. Турли қонун матнларида ҳуқуқий атамаларни қўллашда инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ муаммолар таҳлил қилиниб, уларни тўғри қўллаш юзасидан тегишли таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: конституция, инсон ҳуқуқ ва эркинлари, ҳуқуқий атама, ҳуқуқий тушунча, юридик атамашунослик, ҳуқуқий атамаларни қўллаш, ҳуқуқий тушунча, норматив-ҳуқуқий ҳужжат тили, ҳуқуқий атама семантикаси.

Значение правильного использования юридических терминов в соблюдении прав человека

Аннотация. В статье рассматривается необходимость соблюдения прав человека в использовании юридических терминов, проводится анализ проблем, связанных с правами человека и использованием юридических терминов, делаются соответствующие выводы.

Ключевые слова: конституция, права и свободы человека, юридический термин, юридическое понятие, законотворчество, язык нормативно-правового документа, семантика юридического термина, перевод юридических терминов, юридическое понятие.

Importance of proper application of legal terms in observance of human rights

Annotation. The article discusses the necessity of proper application of legal terms in the observance of human rights. The author analyses the incipient problems in using the legal terms and observance of human rights and gives corresponding proposals on its application.

Keywords: constitution, human rights and freedoms, legal term, legal concept, lawmaking, language of a regulatory document, semantics of a legal term, translation of legal terms, legal concept.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришганига чорак асрдан кўпроқ вақт ўтганига қарамасдан қонунчилик техникаси, қонун ижодкорлиги муаммолари, хусусан, ҳуқуқий атамаларни тўғри қўллашда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш муаммосини атрофлича ўрганиб чиқиш ва ҳал қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг барча муҳим соҳаларини ҳуқуқий тартибга солишнинг яхлит асослари яратилиши билан бир қаторда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни ва матнининг шакллантирилиши борасида ҳам муайян тартиб-қоидалар ишлаб чиқилди. Мазкур тартиб-қоидалар

ҳозирги кунда амалда бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган¹. Ушбу ҳужжатларга мувофиқ равишда қонун яратувчи идоралар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатли баён этилишини таъминлаш орқали уларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилишига замин яратиш келмоқдалар.

Шуни эътироф этиш зарурки, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон манфаатлари устун қўйилган. Конституцияни синчиклаб ўрганган ҳар бир шахс унинг бутун мазмун-моҳияти инсонга хизмат қилиш ғояси билан йўғрилганига гувоҳ бўлади. Конституциямизнинг ҳеч бир жойида «давлатнинг ҳуқуқи» ёки «фуқаролар

давлат хоҳиш-иродасини бажариши шарт» каби жумлалар учрамайди. Аксинча, Асосий қонуниimizда «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар», «Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди» сингари қоидалар ўз аксини топган.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармоннинг қабул қилиниши инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш ҳамда ишончли таъминлаш йўлида олға қўйилган қадам бўлди. Мазкур Фармон самараси ўлароқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси² ташкил этилиб, унинг асосий вазифалари қаторига қонун лойиҳаларида адабий тил қоида ва нормаларига риоя этилишини таъминлаш; қонун лойиҳаларида норматив-ҳуқуқий атамаларнинг қонун ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ҳолда, турлича изоҳлаш эҳтимолини истисно этадиган тарзда ягона шаклда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш; қонун лойиҳаларида норматив-ҳуқуқий атамаларни қўллаш изчиллигини сақлаш; тегишли маънони англатувчи сўзларни қонун лойиҳаларида бир хил шаклда қўллаш; бошқа тилларнинг қоидалари туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган номувофиқликларни қонун нормаларига зиён етказмаган ҳолда таҳрир қилиш каби қоидалар киритилди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар икки тилда чиқарилаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, қонун ҳужжатларида турли ноаниқликлар, уларни нотўғри изоҳлаш ва қўллаш ҳолатлари учраб туриши мазкур қонунлардан фойдаланиш жараёнида инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Айтиш мумкинки, истиқлол халқимиз тарихида янги даврни — инсон ҳуқуқлари даврини бошлаб берди. Демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг асосий принципларидан бири қонун устуворлигини таъминлаш, инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдир. Фуқаролар қонунларга қатъий риоя қилишининг асосий омилли эса уларнинг аниқ, пухта ва тушунарли бўлишидир. Яъни қонун тили содда ва равон бўлиши, ҳуқуқий атамалар илмий-амалий жиҳатдан тартибга солинган бўлиб, юридик тил талабларига жавоб бериши зарур. Бу ўринда атамашунослик ҳар бир соҳа учун долзарб бўлгани каби ҳуқуқшунослик учун ҳам долзарб ҳисобланади. Зеро, қонунчилик қанчалик такомиллашган бўлса, жамиятдаги ижтимоий муносабатлар ҳам шунчалик аниқ ва пухта бўлади. Бу масалада ҳуқуқий атамаларнинг ўрни алоҳида. Чунки сўзнинг аниқ изоҳсиз қонуннинг мазмунини англаш анча мушкул иш.

Маълумки, қонунларнинг энг асосий вазифаси — жамиятда тартиб-интизом ва барқарорлик, пировардида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашдан иборат. Бу борада таниқли ҳуқуқшунос олим, академик Ш.З.Ўразаев таъкидлаганидек, «...Қонун худди алифбо, худди мактаб дарслиги каби содда ва тушунарли бўлиши керак. Ҳозир кўпгина қонунлар узундан-узоқ тузилганлиги, тушуниш ва қўллаш қийинлиги боис амал қилмаяпти. Қонун шу қадар нозик соҳаки, баъзан ижозат этилган ва тақиқланган ҳаракатлар орасида фарқ «ялт» этиб кўзга ташланмаганлиги учун рухсат тақиққа айланиб, у ҳуқуқбузарлик ва жиноятни юзага келтириши мумкин. Қонунда бу чегаралар аниқ белгиланиши шарт, зеро, ана шундагина у қўллашга яроқли бўлади»³.

Қонун ҳужжатлари тилининг барча учун аниқ-равшан, тушунарли, умум эътироф этган бўлиши, уларнинг амал қилиши, пировардида жиноятчиликка қарши самарали кураш олиб борилиши ҳамда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этилишини кафолатлайди. Ҳуқуқий атамаларни қўллаш соҳасида

россиялик олимлардан А. Пиголькин, А. Керимов, В. Савицкий, А. Ушаков, ўзбекистонлик олимлардан Ш. Кўчимов, А. Саидов, М. Касимова ва бошқалар тадқиқот олиб борганлар. Бироқ шу вақтга қадар ҳуқуқий атамаларни қўллаш ва нотўғри талқин қилиш инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари учун қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тўғрисида ҳеч бир тадқиқот олиб борилмаган.

Ҳуқуқшунос олим Г. Тастанбекованинг ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш ва ҳуқуқий атамаларга қўйиладиган талаблар тўғрисида билдирган фикрига кўра: «Ҳуқуқий тушунча ва атамаларнинг бир хилда шарҳланишини таъминлаш юридик амалиётнинг муҳим муаммоларидан биридир. Бундай бир хилликнинг йўқлиги эса қонун ҳужжатларини қўллашда тафовутларга олиб келади. Ҳуқуқий нормани қўллашда норманинг мазмуни, сўз-иборалари аниқ ва тушунарли талқин этилишига эришиш лозим, чунки мазкур иборалар инсон тақдирини ҳал қилиши мумкин»⁴.

Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда бир томонлама ёндашиш ҳолатлари ҳам юз бериб, айрим русча-европача атамалар бирваракайига ўзбекчалаштирила бошланди⁵. Бундай ҳолат юридик атамашунослигимизда ҳам ўз аксини топиб, *судья ўрнида* — *ҳакам*, *кодекс ўрнида* — *қонунлар мажмуаси*, *адвокат ўрнида* — *ҳимоячи*, *адвокатура ўрнида* — *ҳимоячилар идораси*, *ҳимоячилар жамоаси*, *ветеран ўрнида* — *кайвоний*, *пенсионер ўрнида* — *нафақахўр* каби атамалар ишлатила бошланди. Охир-оқибатда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари четга сурилиб, ўзбек тилининг бир қадар бачканалашуви ва аҳоли ўртасида турли тушунмовчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлган [қийёсланг: институт — *олийгоҳ*, аэропорт — *тайёрагоҳ*, газета — *жарида* (ҳозирги кунда баъзида *рўзнома* деб ишлатилади), журнал — *мажалла*, самолёт — *учоқ*, район — *депара*, ноҳия (ҳозир туман деб ишлатилади), судья — *қози*, прокурор — *давлат муддаийси*, присяжный — *қасамхўр*]. Масалан, рус тилидаги *гражданский истец*, *гражданский*

иск, *гражданский ответчик* атамалари ўзбек тилида истиқлолга қадар *гражданлик даъвогари*, *гражданлик даъвоси*, *гражданлик жавобгари* тарзида ишлатиб келинди. Кейинчалик уларни ўзбекчалаштириш мақсадида *фуқаролик даъвогари*, *фуқаролик даъвоси*, *фуқаролик жавобгари* тарзида ўзгартирилди. Аммо ўзбекчалаштирилган бу бирикмалар ҳам шу ҳуқуқий тушунчанинг мазмунини тўлиқ ифодаламайди. Чунки гражданский истец деганда даъво қилаётган шахс фуқаро сифатида ўз ҳуқуқини талаб қилиши назарда тутилади, фуқаролик даъвогари бирикмаси эса фуқаро бўлиш учун даъвогарлик қилаётган шахс (олимпик даъвогари каби) тушунилади. Шунинг учун янги қонун ҳужжатларида, жумладан Жиноят-процессуал кодексда фуқаровий даъво, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар тарзида ишлатилди. Бу каби қонунлардаги ноаниқликлар, албатта, уларга рўбаро бўлаётган оддий фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларининг бузилишига сабаб бўлади.

Яна бир мисол. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 48-моддасида «қамоқ — шахсни батамом ажратган шароит остида сақлашдан иборат бўлиб, бир ойдан олти ойгача муддатга белгиланади», дейилган. Рус тилида бу модда шундай берилган: «*Арест состоит в задержании лица в условиях строгой изоляции и устанавливается на срок от одного до шести месяцев*». Назаримизда, рус тилидага изоҳ аниқ ва лўнда берилган. Ўзбек тилида берилган изоҳ эса мураккаброқдир. Чунки бу ерда «изоляция» сўзи «батамом ажратган шароит остида сақлаш» деб таржима қилинган. Мазкур таржима «изоляция» сўзининг ҳуқуқий маъносини тўлиқ очиб бермагани ҳолда унинг асосий маъноси қолиб, бошқа маънода тушунилишига сабаб бўлади.

Қонунлар аҳолига қанчалик тушунарли бўлса, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик шунча камаяди, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ошади. Ҳуқуқшунос олим Б. Мамедов бу хусусда шундай фикр билдиради: «Бизлар яратган қонунлар тил ва услуб жиҳатдан

содда ва равон, оддий халқ учун тушунарли ёзилмас экан, у ҳуқуқшунослик жиҳатидан қанчалик мукамал бўлмасин, оддий халқ орасига кириб бормади, янада тўғрироғи, халқ уларни тушунмайди. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Умуман, қонунлар ким учун ёзилади, ҳуқуқ идорасида ишлаётган ҳуқуқшунослар учунми, ёки оддий халқ учунми?»⁶

Жаҳон ҳамжамиятида, халқаро ҳуқуқ доирасида фаол қўлланидиган кўпгина хорижий тиллардан ўзлашган ҳуқуқий атамалар дунё халқларининг тилларида қандай ишлатилаётган бўлса, қонунларимиз матнида шундайлигича берилган, масалан республика — *республика* (уни *жумҳурият* сўзига алмаштириш ҳаракатлари натижа бермаган), суверен — *суверен*, демократик — *демократик* (худди шундай *халқчил* сўзи билан алмаштиришга уриниш самарасиз бўлган), конституция — *конституция* (даврий матбуотда кўпинча бош қонун, асосий қонун тарзида ишлатиб келинмоқда), парламент — *парламент*, орган — *орган*, референдум — *референдум*, норма — *норма* ва бошқалар. Бу, албатта, ижобий ҳолат, зеро умум қабул қилган атамалар ҳуқуқ тили билан бир қаторда оддий сўзлашув тилига барабар сингиб кетгани боис улар ҳамма учун тушунарли ҳисобланади. Шундай бўлишига қарамасдан, ҳозирги кунда амнистия — *умумий афв* деб ишлатилиб келмоқда. Жумладан, *афв* ва *амнистия* сўзлари ўзаро тенг бўлиб, аслида, барча эълон қилинган афвлар умумий бўлмасдан, фақат маълум доирадаги маҳкумлар ва бошқа айбдорларга нисбатан қўлланилади.

Ўтган аср ўрталарида профессор Ф.Бакиров русча *показание* атамасини *кўрсатув* деб аташни таклиф қилган эди. Бундай таклиф ўз самарасини бермагани боис ҳозирги кунда салбий натижа бермоқда. Чунончи, кўпчилик терговчи ва судьялар уни бузиб *кўргазма* (виставка) ёки *кўрсатма* (указание) деб ишлатади⁷. Албатта, ҳуқуқий атамаларни қўллашда бу каби бир хилликнинг бўлмаслиги келгусида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини

тўлақонли ҳимоя қилишига ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Баъзи қонунларда рус тилидан тўғридан-тўғри ўзлашган *растрата* (Жиноят кодексининг 167-моддаси), *неустойка* (Фуқаролик кодексининг 260-моддаси), *водопровод* (Жиноят кодексининг 185-моддаси), рус тилидан ўзбек тилига қисман ўзлашаётган, тилга фонетик жиҳатдан мослашган *пудрат* (подряд), *закалат* (заклад) каби ҳуқуқий атамалар қўлланилади. Қонунда бир атама муайян ҳуқуқий соҳада аниқ бир ҳуқуқий муносабатни ифодалаш учун қўлланилгани сабабли уни турли ҳуқуқий муносабатларни ифодалашда ишлатиш мазкур атамани турлича тушуниш, шу атама билдирган таъриф қолиб, бошқа бир таъриф юзага келишига сабаб бўлади. Пировардида, қонунда маъно бузилишига олиб келиши, ҳуқуқий нормани қўллаш самарадорлигини пасайтириши, бу эса унинг муайян ижтимоий муносабатларни тартибга солишдан иборат асосий вазифани бажара олмай қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Масалан, Фуқаролик кодекси 265-моддасининг иккинчи қисмида «гаровга қўйилдиган мулк гаровга қўювчи томонидан гаровга олувчига ўтказилганда *закалат* деб ҳисобланади» деб таъриф берилган бўлса, ушбу қонуннинг 311-моддаси биринчи қисмида «шартнома тузилганлигини исботлаш ва унинг ижросини таъминлаш учун берилдиган пул суммаси» ҳам *закалат* эканлигини кўришимиз мумкин. Бу ўринда *закалат* сўзининг келиб чиқиши ёки, бошқача айтганда, этимологиясига мурожаат қиладиган бўлсак, у ўзбек тилига рус тилидан кириб, фонетик мослашиш натижасида русча *заклад* сўзи *закалат* сўзига айланганига ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. Шу ўринда *закалат* атамаси ўзи қайси фуқаровий-ҳуқуқий манфаатларни назарда тутаяди, уни қандай тушуниш мумкин, деган савол туғилади.

Бошқа бир мисол, *неустойка* атамаси фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни билдириб, ҳуқуқий жиҳатдан қонунда унга

қўйидагича таъриф бериледи: *қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси неустойка ҳисобланади* (Фуқаролик кодексининг 260-моддаси биринчи қисми). Қонуннинг мазкур моддасида кўрсатилган ва *неустойка* деб аталган ҳуқуқий муносабатлар, баъзи тилшуносларнинг фикрича, *айбона* сўзи билан ифодаланиши мумкин⁸. Мазкур атамага ўзбек тилининг изоҳли луғатида қўйидагича таъриф бериледи: «*айбона* — *эск.*, жамоат тартибини бузганлик, ахлоқсизлик, етказилган зарар кабилар учун ундирилган жарима, товон»⁹. Бошқача айтганда, *қилган қилмиши, айби учун жарима тўлаш* назарда тутилади. Бундан кўриниб турибдики, *неустойка* ва *айбона* атамалари турлича ҳуқуқий муносабатларни назарда тутгани боис улардан бирини қўйиб бошқасини ишлатиш мақсадга мувофиқ эмас. Зеро, *неустойка* ва шу каби бошқа атамалар аллақачон ҳуқуқий атамага айланган бўлиб, улар аниқ бир ҳуқуқий муносабатларни англатади ва қонун матнининг аниқлигини таъминлайди.

Бошқа бир мисол. Баъзи тилшунос олимлар, гўёки, *реабилитация* атамаси қонун матнида услубий жиҳатдан ниҳоятда ғализ бўлиб, ўзбек тилининг ўзига хос миллий оҳангига ҳам маълум маънода путур етказиши сабабли унинг ўрнига ҳаммага маълум бўлган ва сўзлашув тилидаги *оқланиш* сўзини ишлатишни таклиф қилганлар. Назаримизда, бу фикр унчалик тўғри эмас, зеро, *оқламоқ, оқланмоқ* сўзлари сўзлашув тилида ишлатилади ва унда семантик экспрессивлик ва кўпмаънолик жиҳатлари бор, қиёсланг: *деворни оқламоқ, судланувчини оқламоқ* ва ҳоказо. Шу боис баъзи тилшуносларнинг мазкур таклифи инобатга олинмасдан қонун ҳужжатларида жаҳонда қабул қилинган *реабилитация* атамаси қўлланилиб келмоқда. Юқорида кўрсатиб ўтилган мисоллардан кўриниб турибдики, қонун нормаларида у ёки бу ҳуқуқий атамаларни нотўғри қўллаш, «ҳуқуқий вазиятлар, ҳуқуқий

муносабат ва масалаларни келтириб чиқарадики, уларга фақат шарҳлаш орқали жавоб топиш заруратини юзага келтиради»¹⁰. Бу эса, ўз навбатида, ҳуқуқ нормасини турлича тушуниш ва пировардида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишига сабаб бўлади.

Назаримизда, ҳозирги кунда ўзбек қонун ҳужжатларида атамаларни тўғри қўллаш ва бунда инсон ҳуқуқ ва манфаатларига риоя қилиш учун қўйидаги талабларга риоя қилиш зарур:

1) қонун матнларида ўзи ифодалаётган ҳуқуқий тушунчани аниқ акс эттирувчи атамалардан фойдаланиб, ноаниқ ва кўп маъноли терминларни қўлламаслик;

2) атамаларни ҳаммага маълум маъноларда ишлатиш;

3) қонун матнларида ишлатилаётган атамалар оддий ва барча учун тушунарли бўлиши лозим;

4) эскирган ва адабий тилда фаол ишлатилмайдиган атамаларни қўлламаслик;

5) қонунлар лойиҳаларини тузишда ҳуқуқий атамалар бирлиги ва барқарорлигини сақлашга алоҳида эътибор қаратиш;

6) юридик терминларни услубий жиҳатдан тўғри ишлатиш билиш (бунда юридик атамаларга маъно кўчиши, уларнинг ижобий ёки салбий маънони ифодаламасдан, нейтрал бўлиши назарда тутилади);

7) атама ва унга мувофиқ келувчи ҳуқуқий таърифни норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бир хилда талқин этиш;

8) қонуности ҳужжатларининг атама ва таърифлари қонунларда мустаҳкамланган тушунчалар билан мувофиқ келиши даркор;

9) қонунчилик терминологияси Ўзбекистон Республикаси ратификация қилган халқаро ҳужжатлар терминологиясига зид бўлмаслиги керак;

10) ҳуқуқий атама ҳаммага маълум тушунчани ўзгартириб, умумий муомалада бўлган сўздан мутлақо бошқача маънода қўллашгача кенгайтирилиши мумкин эмас;

11) ҳуқуқий тушунчаларни жорий этишда сўзларнинг хоссаларини ёдда тутиш ва ҳуқуқий қурилмалар матнини тузишда улардан тўғри фойдаланиш, матнни ҳуқуқ норма-

лари маъносини тушунишга халал бериши мумкин бўлган синонимлар, нисбий тушунчалар билан тўлдириб юбормаслик лозим.

Ҳозирги кунда қонун лойиҳаларида ўзлашган ҳуқуқий атамаларни ишлатишнинг тўла-тўқис илмий-назарий қондаси ҳамон ўз ифодасини топмаган бўлиб, бу ҳуқуқшунос ва тилшунос олимларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари маҳсули бўлиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида

ҳуқуқий атамаларни тўғри қўллаш катта тажриба, масъулият, билим ва салоҳиятни тақозо қилади. Зеро, қонунга қўйилган талабларни билмаслик унинг номукамаллигига, амалиётда яхши самара бермаслигига ва, ўз навбатида, қонунни қўлловчилар учун маълум бир қийинчиликлар туғилишига, пировардида қонун инсон ҳуқуқ ва манфаатларига хизмат қилишига эмас, аксинча унга зарар етказишига олиб келади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2015 йил 5 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссиясини тузиш тўғрисида»ги 38-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2014 йил 28 февралдаги «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қондаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 53-мқ-сонли буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 11 майдаги «2015 йил учун қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш дастури тўғрисида»ги 116-сонли қарори // <http://www.lex.uz>.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси тўғрисидаги низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. – 30-м.

³ Ўразаев Ш.З. Ҳокимият ва қонун. – Т., 1992. – Б. 26.

⁴ Тастанбекова Г.С. Ҳуқуқни шарҳлаш. – Т., 2016. – Б. 90.

⁵ Кучимов Ш.Н. Юридик тил назарияси ва амалиёти. – Т., 2013. – Б. 23.

⁶ Мамедов Б. Ўзбек ҳуқуқий тилининг долзарб муаммолари // Давлат тили: муаммо ва ечимлар. – Т., 1999. – Б. 124.

⁷ Саидов А., Абдумажидов Ф. Қонун ва давлат тили. – Т., 1999 – Б. 59.

⁸ Пояснительная записка к аналитическим материалам по результатам анализа нормативно-правовых актов с точки зрения законодательной лингвистики / Центр по мониторингу за реализацией нормативно-правовых актов при Министерстве юстиции Республики Узбекистан. – Т., 2013.

⁹ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Т.1 / Масъул муҳаррир А.Мадвалиев. – Т., 2006. – Б. 14.

¹⁰ Тастанбекова Г.С. Кўрсатилган манба. – Б. 78.

Ў. М. Давлетов,

Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти докторанти;

У. М. Давлетов,

ИИВ Академияси Касбий тайёргарлик факультети тингловчиси

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ РОЛИ

Аннотация. Мақолада инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг самарадорлиги ва нуфузини ошириш ҳамда мазкур йўналишдаги нормаларни ҳаётга татбиқ этиш масалалари ёритилган.

Таянч сўзлар: инсон ҳуқуқлари, оммавий ахборот воситалари, журналистика фаолияти, ахборот эркинлиги, жамоатчилик назорати.

Роль средств массовой информации в защите прав и законных интересов человека

Аннотация. В статье рассматривается повышение эффективности и статуса деятельности средств массовой информации по защите прав и законных интересов личности, а также вопросы реализации норм законодательства, регламентирующего данные вопросы.

Ключевые слова: права человека, средства массовой информации, журналистская деятельность, свобода информации, общественный контроль.

The role of the mass media in protecting the rights and legitimate interests of the person

Annotation. This article reveals the significance of increase of effectiveness and status activity of mass media on protection of rights and legal interests of person and the issues in realisation of legislation norms regulating these problems.

Keywords: human rights, mass media, journalistic activity, freedom of information, social control.

Оммавий ахборот воситалари — жамиятнинг кўзгуси, миллатнинг юзи. Матбуотга қараб жамиятнинг бугуни ва эртаси ҳақида тасаввур ҳосил қилиш, муайян хулосаларга келиш мумкин. Шу боис инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга ошириладиган ислохотларни жамоатчиликка етказиш ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида қонун устуворлигини сўзсиз таъминлашда ОАВнинг масъулиятини янада ошириш лозим. Бунинг учун оммавий ахборот воситалари вакилларининг самарали фаолият юритишида, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг амалда таъминланишида халқаро ва миллий ҳуқуқнинг таъсири ва аҳамиятини концептуал ўрганиш талаб этилади. Бу жараёнда ОАВ вакилларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, журналистлар учун этика қоидаларига амал қилиш

мажбуриятининг бажарилиши, журналист позициясида мустақиллик ва холислик масалаларини тадқиқ этиш ҳамда журналистларнинг мазкур принципларга амал қилиши, айбсизлик презумпциясининг ОАВ соҳасига доир қонунчиликдаги ўрни ва ўзига хос жиҳатларини кўриб чиқиш ҳамда таҳлил қилиш, шунингдек инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва ўрганишда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар фаолиятини танқидий ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари — қонунчилик нормаларини яратиш, ислохотларнинг бориши ва инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат қилишнинг таъсирчан воситаси ҳамдир. Бу борада, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев: «Биз жамиятимизда ошкоралик, адолат ва

қонун устуворлигини таъминлашда, ҳуқуқий демократик давлат асосларини мустаҳкамлашда сизларга, сизларнинг билим ва истеъдодингизга таянамиз»¹, — деб таъкидлаган эди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 19-моддасида ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифода қилиш ҳуқуқига эгаллиги, бу ҳуқуқ ҳеч бир тўсқинликсиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини ҳамда ахборот ва гоёларни ҳар қандай восита билан, давлат чегараларидан қатъи назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини қамраб олиши ҳақидаги норма белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳамда ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақидаги норма келтирилган (амалдаги конституциявий тизимга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чекловлар, шунингдек фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин).

Конституциямизнинг 67-моддасида қайд этилганидек, «оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди... Цензурага йўл қўйилмайди». Бош қомусимизнинг бу ва бошқа нормалари асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Ахборот олиш эркинлиги ва кафолатлари тўғрисида»ги, «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунлари журналистларнинг ҳуқуқларини жаҳон андозаси даражасида кенгайтирди; шу билан бирга, улар зиммасига бир қанча бурч ва мажбуриятлар ҳам юкледи. Бироқ, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда, адолатни қарор топтириш ва судда ишларни тез, сифатли, самарали ҳал этишда ҳамда судлар томонидан қонуний ва асосланган ҳал қилув қарорлари чиқарилишида оммавий ахборот воситаларининг бугунги таъсирини, афсуски, сезилар-

ли даражада деб бўлмайди. Албатта, бунинг бир қанча сабаблари бўлиб, уларга, жумладан, қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

1) ОАВда турли фаолият соҳаларини ёритишнинг ҳуқуқий асосларини белгиловчи қонун ҳужжатларида айрим зиддиятлар мавжудлиги;

2) инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг таъминланиши борасида фаолият кўрсатувчи ҳуқуқшунос журналистларнинг етишмаслиги;

3) журналистларнинг ихтисослашуви ва касб этикаси билан боғлиқ муаммолар;

4) ОАВда мавжуд муаммоларнинг ёритилишида жаҳон тажрибасини ўрганиш ва амалиётга жорий этишдаги муаммолар.

ОАВ фаолиятига доир амалдаги қонун ҳужжатларида журналистга ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқи берилган. Аммо улар — терговчи, прокурор ёки судьядан фарқли ўлароқ — ўз манбаидан ахборотни талаб қилиб олишга ҳақли эмас. Журналист текшируви прокурор ёки терговчининг суриштирувидан фарқланади. Бу ҳаракатлар журналистга қонунда берилган ҳуқуқ ва юклатилган мажбуриятлар ҳамда журналистнинг сўз эркинлиги масъулияти доирасида амалга оширилиши лозим. Суд жараёнларининг журналист томонидан ёритилиши, аввало, айбсизлик презумпциясига амал қилиш, фуқароларнинг шаъни, қадр-қиммати ва обрўсини муҳофазалаш, судьянинг мустақиллигини таъминлаш зарурати билан чекланган ўз хусусиятларига эга.

Инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, маълумотлардан эркин фойдаланиш ва ошкораликни таъминлашда журналист ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати қонун билан кўриқланади. Ҳуқуқий давлат журналистнинг ахборотни эркин олиши ва тарқатишини кафолатлайди, ўз касбига доир фаолиятни амалга оширишида унинг ҳимоя қилинишини таъминлайди. Журналистнинг фаолиятига аралашиб, ундан ўз касбига доир вазифаларни бажариши чоғида олган маълумотни беришини талаб қилиш тақиқланади. Журналистларнинг бу

каби конституциявий ҳуқуқларини билиш зарурати шу билан боғлиқки, улар касб тақозоси билан доимо фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга киришадилар, яъни фуқароларнинг турар жойига ташриф буюрадилар, улар билан суҳбат қурадилар, шахсий ва ижтимоий ҳужжатлар, ариза-шикоятлар, хат ва тасвирларни кўздан кечирадилар. Бу, ўз навбатида, журналистдан юксак профессионалликни, ҳуқуқий маданиятни талаб этади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатномасида айтганидек, «...чинакам профессионал замонавий журналистикани шакллантириш, хусусан, нодавлат оммавий ахборот воситаларини, ахборот ва таҳлилий Интернет сайтларини молиявий қўллаб-қувватлашга эътибор қаратиш, бунинг учун эса алоҳида давлат фонди тузилиши мақсадга мувофиқ»². Ҳозирги кунда юртимизда 1500 дан зиёд оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда. Улар мулк шакли, йўналиши, ахборот узатиш воситаларига кўра турличадир. Ўз-ўзидан равшанки, уларнинг барчасига юқори малакали кадрлар керак. Афсуски, бундай кенг қўламли вазифани талаб даражасида ҳал этадиган таянч олий ўқув юрти мамлакатимизда мавжуд эмас эди. Шу муносабат билан Оммавий ахборот воситалари учун замонавий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида катта умидлар билан Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигида Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ташкил этилди.

Ушбу олий таълим маскани соҳада эришилган ютуқларни ҳар томонлама ўрганиш, журналистика фани, унинг илмий-назарий асосларини, замонавий медиатеchnологияларни чуқур ўзлаштириш, халқаро стандартлар даражасидаги юқори малакали кадрлар тайёрлаш имконини беради. Ҳеч шубҳасиз, оммавий ахборот воситалари соҳасида амалга оширилаётган ана шундай ишларнинг барчаси Ўзбекистон журналистикасининг жаҳон ахборот майдонида муносиб ўрин эгаллаши учун мустаҳкам пойдевор яратади.

Биз бугун демократик ўзгаришлар даврида мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий ҳаётида бевосита ва фаол иштирок этиш истагида бўлган фуқароларимизнинг салоҳияти тўлиқ намоён бўлишини таъминлашимиз, бу борада ОАВ аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ҳокимият идораларига етказишнинг муҳим ва таъсирчан воситаси, халқнинг энг яқин кўмакчиси ва ҳамдарди, қисқача айтганда, адолатли фуқаролик жамияти манфаатлари учун хизмат қиладиган кучи, демократия кўзгусига айланиши лозим.

Давлат ҳокимияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатишнинг асосий усулларида бири жамоатчиликни мазкур органлар фаолиятдан очиқ ва ҳаққоний хабардор этишдир. Ўта муҳим ушбу вазифани бажаришда фуқаролик жамиятининг муҳим институти ҳисобланган ОАВ алоҳида аҳамият касб этади.

Бу борада мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев: «Бугун биз дунёдаги узоқ-яқин давлатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаб, юртимиздаги демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга интилар эканмиз, бошқа соҳалар қатори оммавий ахборот воситалари фаолияти бўйича ҳам ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини яхши тушунамиз. Оммавий ахборот воситалари сўзда эмас, амалда «тўртинчи ҳокимият» даражасига кўтарилиши зарур. Бу — замон талаби, ислохотларимиз талаби»³, — деб таъкидлади.

Ҳозирги кунда биргина Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибидаги телеканалларнинг бир сутка давомидаги умумий эфир вақти 616 соатни ташкил этмоқда. Ҳолбуки, мустақилликдан олдин бу рақам бор-йўғи 48 соатга тенг эди. Эътиборга молик жиҳати шундаки, оммавий ахборот воситаларининг таркиби ҳам тубдан ўзгариб бормоқда. Буни юртимиздаги барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари экани ҳам тасдиқлайди. Бу ҳақда сўз юритганда, энг тезкор ахборот воситаси — Интернет ҳаётимизга тобора чуқур кириб бораётганини алоҳида қайд этиш лозим. Ҳозирги вақтда глобал тармоқда

Uz доменли веб-сайтлар, ахборот порталлари сони 400 дан ошиб кетгани, уларнинг аксарияти хорижий тилларда фаолият кўрсатаётгани, ушбу йўналишда янги ижодий авлод — Интернет журналистлари шаклланиб бораётгани эътиборга сазовордир⁴.

Миллий қонунчилигимизда жамоатчилик назоратини амалга оширувчи субъектлар доираси белгиланган бўлиб, унга кўра жамоатчилик назоратининг умум эътироф этган субъектлари қаторига фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари (ОАВ), давлат ҳокимият органлари ҳузуридаги турли жамоатчилик кенгашлари ва бошқалар кириши кўрсатиб ўтилган.

Давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда ОАВ орқали олиб бориладиган жамоат назоратининг муҳим томонлари ва хусусиятлари қуйидаги принципларда намоён бўлади:

жамият ва шахс манфаатларининг устунлиги;

бундай жамоатчилик назоратининг кенг қамровлилиги, яъни у ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳа ва соҳаларида амалга оширилиши;

унинг оммавийлиги, яъни ҳар бир фуқаро ва фуқаролар гуруҳи учун бундай назоратда истисносиз иштирок эта олиш имконияти мавжудлиги;

ундаги ошқоралик, яъни уни амалга ошириш жараёни ҳам, унинг натижалари ҳам барча учун очиқлиги ва бу назоратнинг омма нигоҳи ҳамда кузатувида кечиши;

назоратнинг ихтиёрийлик ва бегаразлик асосида бўлиши;

уни амалга ошириш жараёнида давлат органлари, мансабдор шахслар, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига бевосита аралашмаслик ва бошқалар.

Шунингдек, ОАВ томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати:

а) давлат ҳокимияти органларига бўлиб ўтадиган сайловларда;

б) референдум ўтказишда;

в) қонун ҳужжатларини умумхалқ муҳокамасидан ўтказишда;

г) давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахсларнинг амалий фаолиятида;

д) фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш ва бошқа соҳаларда намоён бўлади.

Давлат назоратини амалга оширувчи субъектлардан фарқли ўлароқ, ОАВ назоратни амалга оширишда юридик (жиной, маъмурий, интизомий ва ҳоказо) жазо чораларини қўлламайди. Зеро, жамоатчилик назорати бурч ва виждон амри билан юзага келадиган ижтимоий ҳодисалардан бири ҳисобланади. Жамоатчилик назорати орқали аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини ҳам оммадан яшириб бўлмайди.

ОАВ томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати тизимининг самарали фаолият юритиши қуйидаги натижаларга олиб келади:

ҳокимият органлари фаолиятининг очиқлигига ва улар ҳисобдорлигининг ошишига;

ҳокимият органларида коррупция билан боғлиқ салбий ҳолатлар келиб чиқишининг олдини олишга;

ҳокимият органлари фаолиятининг самарадорлиги ошишига;

ҳокимият органларига нисбатан жамоатчилик ишончи ортишига;

фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштироки доирасининг кенгайишига;

ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳамкорликда ечишга ва ҳ.к.

Таъкидлаш жоизки, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига оид маълумотларга эга бўлиши ҳисобланади. Фуқароларнинг давлат органлари фаолиятига оид ахборотдан ўз вақтида ва тўлиқ хабардор бўлиши, уларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлат хизматларининг самарали бошқарилиши ва кўрсатилишини таъминлаш мақсадида бу органлар

фаолиятига таъсир этиш имкониятини келтириб чиқаради. Бошқача айтганда, жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ахборот ресурсларидан тўлиқ фойдалана олиши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг асоси ҳисобланади.

Шу билан бирга, ОАВ томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати янада самарали бўлиши учун қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

ОАВ фаолиятига оид жорий қонунчиликда давлат органларининг фаолияти ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларига дахлдор мавзуларда материаллар берилганида уларнинг ушбу материаллар юзасидан тушунтириш ва изоҳлар бериш ҳамда тегишли жавоблар қайтариш муддатлари ва тартиблари тўғрисида аниқ қоидаларни белгилаб қўйиш;

жамиятимиз сиёсий тизимида фаолият юритаётган сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг матбуот органлари фаолиятини янада жонлантириш ҳамда уларнинг ижтимоий-сиёсий воқеликка таъсирини ошириш;

ОАВнинг жамоат назоратини амалга ошириш усулларида бири ҳисобланган «журналистлик сўрови» ва «журналистлик текшируви» институтларининг мақомини тегишли қонунчиликда аниқ белгилаб қўйиш ва уларни амалга оширишнинг самарали, таъсирчан механизмларини қайта кўриб чиқиш;

журналистик фаолиятнинг ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари бўйича ихтисослашувига эришиш ва бошқалар.

Ушбу муҳим ижтимоий вазифаларни амалиётга жорий этишда ОАВ вакилларида касбий маҳорат, холислик, ташаббускорлик, мардлик ва фуқаропарварлик сифатларига эга бўлиш талаб этилади.

Дарҳақиқат, ОАВ фаолияти орқали давлатга нисбатан ўзига хос таъсир кучи яратилади. Ушбу таъсир кучи жамоатчилик фикрини вужудга келтириши, ҳокимият ва бошқарув органларини тегишли қарор қабул қилишга, бузилган ҳуқуқни тиклаш ёки

ҳуқуқни ҳимоя қилиш жараёнини амалга оширишга, кишиларда ҳуқуқий онг ва маданият шаклланишига асос бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ОАВ айрим сиёсий ва ижтимоий жараёнларга, давлат ва жамият қурилиши масалаларига қабул қилиниши назарда тутилаётган қонун лойиҳалари ва ҳукумат қарорларига ўз муносабатларини билдириши орқали жамоатчилик назоратини амалга оширадилар.

ОАВ бевосита ҳуқуқ ижодкорлиги билан шуғулланмайди, лекин давлат органларининг муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятини мазкур институтнинг иштирокисиз тасаввур қилиш қийин. Бинобарин, улар сиёсий партиялар, жамоат ва нодавлат ташкилотлари билан биргаликда, давлат билан халқ ўртасидаги муносабатлар тизимида воситачи сифатида ижтимоий мувозанатни юзага келтириш вазифасини ўтайди. Шу нуқтаи назардан, ҳокимият ва бошқарув органлари фаолиятига танқидий ва холисона баҳо бериш, турли соҳалардаги камчиликлар, долзарб муаммоларни дадил кўтариб чиқиш улар фаолиятида асосий мезонга айланиши керак. Бундай воситачилик, шубҳасиз, ҳар икки томон учун ҳам фойдалидир.

ОАВ ҳокимиятнинг жамият билан алоқага киришишида, яъни ўз нуқтаи назарини халққа етказиб, жамиятдаги вазият ва ҳокимият органларининг қарорларига нисбатан жамоатчиликнинг муносабати тўғрисида объектив ахборот олишида, аҳолининг эса, ўз навбатида, у ёки бу ҳолат юзасидан ҳокимият институтларининг сиёсати тўғрисида маълумотга эга бўлишида муҳим кўприк вазифасини ўтайди. Ҳолбуки, инсоннинг ҳаёти, манфаати билан боғлиқ соҳаларда майда нарсанинг ўзи йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Юртимизда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва тотувлик муҳити, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни асраш ва мустақамлаш мақсадида олиб бораётган ишларимизни янада кучайтиришимизни бугунги давр, қолаверса, соҳа фаолияти

таҳлили мазкур жараёни янада такомиллаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлашда ОАВнинг ролини кучайтириш, шунингдек давлат ва жамоат бирлашмалари, нодавлат ноижорат ташкилотларининг ахборот хизматлари фаолиятини жадаллаштиришни тақозо этмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев мазкур масалалар бўйича фикр юритиб, қуйидаги ташаббусни илгари сурди: «Бизнинг мақсадимиз — халқ ҳокимиятини сўзда эмас, амалда таъминлашдан иборат. Бу — биз яшаётган бугунги мураккаб даврнинг асосий талабидир. Такрор айтишга тўғри келади — одамларимиз ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни бугун кутмоқда. Шу сабабли биз ўз фаолиятимизни **«Буюк келажагимиз бугундан бошланади»** деган шиор асосида ташкил этишимиз, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш учун бор куч ва салоҳиятимизни ишга солишимиз зарур»⁵.

Бозор иқтисодиёти шаклланган, сўз эркинлиги ва кўпфикрликка асосланган демократик тузум мавжуд бўлган жамиятда ОАВ ижтимоий ҳокимиятнинг кучли қуроли сифатида турли сиёсий кучларга бас кела оладиган ҳамда давлат ҳокимияти механизмидаги бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатда бўлиш принципини амалга оширишнинг асосий воситаларидан бири сифатида майдонга чиқади. Таъкидлаш жоизки, ОАВнинг ушбу мақомда фаолият юритиши кўп жиҳатдан уларнинг мустақиллиги таъминланишига боғлиқ бўлади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш

мамлакатни бошқариш тизимини демократлаштиришнинг муҳим механизмларидан бири ҳисобланади. «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларига дахлдор ахборотни тақдим этишнинг замонавий шакллари жорий этиш давлат бошқаруви тизимидаги ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларни ифодалаш мумкин:

инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари соҳасида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш талаб этилади;

инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлашда, оммавий ахборот воситаларининг самарали фаолиятини ташкил қилишда халқаро ва миллий ҳуқуқнинг таъсири ва аҳамиятини концептуал ўрганиш зарур;

ОАВ вакиллари воқеликни таҳлил этишда касб этикаси доирасидан четга чиқмаслиги ва ўз фикрини баён қилишда ҳиссиётга берилмаслиги керак.

Глобаллашув ва ахборот технологиялари даврида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш ва уларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашга доир кўрсаткичлар ишлаб чиқилиши лозим. Зеро, бу кўрсаткичлар тараққиёт мезонларини ўлчашда муҳим воситадир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. — 2018. — 28 июнь.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. — 2017. — 23 дек.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. — 2018. — 28 июнь..

⁴ Ўша манба.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 декабрь кундаги Ўзбекистон Республикасини Конституциямиз қабул қилинган куннинг 25 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи. — 2017. — 8 дек.

И. Исмаилов,

*ИИВ Академияси жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш
кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ – ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ЯРАТИШ МАНБАИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда экстремизмга қарши курашни ҳуқуқий таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўрни ва аҳамияти ёритилиб, унинг асосида яратилган экстремизмга қарши курашга оид қонун ҳужжатлари қиёсий таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: Конституция, экстремизм, экстремизмга қарши кураш, экстремизмга оид жиноятлар, экстремизмнинг олдини олиш чоралари.

Конституция Республики Узбекистан – источник создания правовой основы борьбы с экстремизмом

Аннотация. В статье освещаются роль и значение Конституции Республики Узбекистан, проводится сопоставительный анализ законодательных актов, созданных на основе Конституции и регулирующих борьбу с экстремизмом.

Ключевые слова: Конституция, экстремизм, борьба с экстремизмом, преступления, связанные с экстремизмом, меры предупреждения экстремизма.

The Constitution of the Republic of Uzbekistan is a source of creating a legal framework for combating extremism.

Annotation. The article highlights the role and importance of the Constitution of the Republic of Uzbekistan with a comparative analysis of legislative acts created on the basis of the Constitution and regulating the fight against extremism.

Keywords: Constitution, extremism, fight against extremism, crimes related to extremism, measures of prevention of extremism.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегараларининг дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик

салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди¹. Бунда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўрни беқиёсдир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси. У ҳеч кимга қарам бўлмасдан, эркин ва озод, тинч ва осойишта, фаровон яшашнинг қонуний кафолати бўлиб келмоқда; бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаро-

лик жамияти барпо этиш борасида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда².

Халқ ҳокимиятчилиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий принципларидан бири бўлиб, унга асосан: халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир; Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади; Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Ушбу қоидаларни ҳаётга жорий этиш борасида қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар терроризм ва экстремизмга қарши кураш самарадорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Мустақиллик йилларида экстремизмга қарши курашиш, хусусан унинг олдини олиш, экстремистик ҳаракатларга тайёргарликни ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш, бундай ижтимоий хавфли қилмишлар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш учун зарур ҳуқуқий асосларни яшатиш борасида тизимли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 159-моддасида:

а) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф тарзда ўзгартиришга, ҳокимиятни босиб олишга ёхуд қонуний равишда сайлаб қўйилган ёки тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлигини Конституцияга хилоф тарзда бузишга очикдан-очик даъват қилиш, шунингдек бундай мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш — унча оғир бўлмаган турдаги³;

б) ҳокимият конституциявий органларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки уларни Конституцияда назарда тутилмаган параллел ҳокимият тузилмалари билан алмаштиришга қаратилган зўравонлик ҳаракатлари, шунингдек давлат ҳокимияти ваколатли органларининг Ўзбекистон Конституциясида назарда тутилмаган тартибда тузилган ҳокимият тузилмаларини тарқатиб юбориш тўғрисидаги қарорларини белгиланган муддатда бажармаслик — унча оғир бўлмаган турдаги;

в) ҳокимиятни босиб олиш ёки Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ағдариб ташлаш мақсадида фитна уюштириш — ўта оғир турдаги жиноятлар сифатида баҳоланиб, тегишли жазолар белгиланган.

Бу турдаги жиноятларнинг олдини олиш учун мазкур модданинг тўртинчи қисмида рағбатлантирувчи қоида киритилган бўлиб, унга асосан фитна тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда хабар берган шахс, башарти кўрилган чоралар натижасида фитнанинг олди олинган бўлса, жазодан озод қилиниши белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, Конституциянинг қоида ва тамойиллари талабларидан келиб чиққан ҳолда экстремизмга қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида Жиноят кодексига 1998 йил 1 май куни (621-1-сон қонун билан) 244¹ ҳамда 1999 йил 15 апрель куни (772-1-сон қонун билан) 244² -моддалар қўшилди. Хусусан:

а) 244¹-моддасига мувофиқ:

диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намойиш этиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш — ижтимоий хавфи катта бўлмаган⁴;

диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик гоёлари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, худди шунингдек фуқаролар тотувлигини бузиш, туҳматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланиш, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намойиш этиш — унча оғир бўлмаган ва оғир⁵;

б) 244²-моддасига мувофиқ **диний экстремистик**, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш — оғир ва ўта оғир турдаги жиноятлар сифатида баҳоланиб, тегишли жазолар белгиланган⁶.

Мазкурнинг модданинг учинчи қисмига мувофиқ, башарти шахс тақиқланган ташкилотлар мавжудлиги тўғрисида ўз ихтиёри билан хабар қилган ва жиноятни очишда ёрдам берган бўлса, у ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган жиноят учун жавобгарликдан озод қилинади.

Бундан ташқари, мазкур Кодекснинг 246-моддаси контрабанда, яъни божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, кучли таъсир қилувчи заҳарли, заҳарловчи, портловчи моддалар, радиоактив материаллар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қурол ёки ўқ-дориларни, шунингдек гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ёки **диний экстремизм**, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни Ўзбекистон

Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш — оғир ва ўта оғир жиноят сифатида баҳоланиб, тегишли жазо белгиланган⁷.

Ҳозирги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт гоёлар тарқалишининг тобора кучайиб бораётгани жамият олдида ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янгидан-янги вазифалар қўймоқда.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш соҳасида **диний экстремизм** ва терроризмга, уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларида қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг иккинчи устувор йўналиши сифатида белгиланган.

Ўсиб келаётган авлодни бузғунчи гоёлардан ҳимоя қилиш, ёшларнинг жинойий фаолият, аввало, терроризм ва **экстремизмга** жалб этилишининг олдини олиш масалаларига етарли эътибор қаратилмаётгани, бунда ички ишлар органларининг тарбиявий ўрни сезилмаётгани сабабли ҳам вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик гоёларидан ҳимоя қилишга қаратилган тизимни ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида эътироф этилди⁸.

Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги (2001 йил 15 декабрь), «Жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши

курашиш тўғрисида»ги (2004 йил 26 август), «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги (2010 йил 29 сентябрь), «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014 йил 14 май) қонунлари қабул қилинганлиги, афсуски, жамиятда ҳуқуқбузарликлар, хусусан экстремизмнинг олдини олиш соҳасидаги муносабатларни тўлиқ тартибга солиш имконини бермади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини таҳлил қилиш мазкур қонунларда бевосита экстремизмнинг барвақт профилактикасини таъминлаш, унинг сабаб ва шароитларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда тизимли чора-тадбирларни назарда тутадиган, шунингдек уларни амалга оширадиган давлат органлари тизимини ҳамда бу соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштиришни белгилайдиган нормалар йўқлигини, ҳуқуқни қўллаш амалиётида махсус қонун қабул қилишга талаб борлигини кўрсатди.

Шу боис «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»ги (2018 йил 30 июль) Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши ва 2018 йил 1 декабрдан кучга киритилганлиги экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда мавжуд бўшлиқни бартараф этиб, ушбу муносабатларнинг янги босқичга кўтарилишини таъминлади.

Мазкур қонуннинг 3-моддасида «экстремизм — ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳокимиятни зўрлик ишлатиб эгаллашга ва унинг ваколатларини ўзлаштириб олишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзгатишга қаратилган ҳаракатларнинг ашаддий шакллари ифодаси» сифатида таърифланиб, унинг аниқ таҳдид объектлари ва асосий йўналишлари кўрсатилган.

Мазкур қонунда «экстремизмни молиялаштириш», «экстремист», «экстремистик гуруҳ», «экстремистик материал», «экстремистик ташкилот» тушунчаларига ҳам аниқ таъриф берилиши унинг нормаларини нафақат бир

хилда тушунишга, балки амалиётда тўғри ва аниқ қўллашга ҳам имкон беради.

Қонуннинг умумий қоидалари белгиланган 1-бобида экстремизмга қарши курашишнинг асосий принциплари, экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланган. Унинг 6-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳар қандай кўринишдаги экстремистик фаолият билан шугулланиш ман этилади, юридик шахслар ташкил этилганида уларни экстремистик ташкилотларнинг номи билан адаштириб юборадиган даражада бир хил номлаш ёки бунда ўхшаш белгиларни ўз ичига олган номлардан фойдаланиш тақиқланди.

Қонуннинг 7-моддасида *экстремизмнинг олдини олишга доир чора-тадбирлар* сифатида қуйидагилар белгиланган:

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда экстремизмга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш;

экстремистик фаолиятни амалга оширишга йўл қўймаслик тўғрисида расмий огоҳлантириш чиқариш;

юридик шахс томонидан экстремистик фаолият амалга оширилишига йўл қўймаслик тўғрисида тақдимнома киритиш;

экстремистик материалларни олиб кириш, тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ва намойиш этишни тақиқлаш;

экстремизмни молиялаштиришни тақиқлаш;

юридик шахснинг фаолиятини тўхтатиб туриш;

ташкилотни экстремистик ташкилот деб топиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирлар.

Мазкур чора-тадбирларни амалга ошириш йўналишлари ва механизмлари алоҳида моддаларда берилган.

Қонуннинг 3-бобида мувофиқ *экстремизмга қарши курашиш субъектларини* Ўзбекистон Республикасининг Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратураси,

Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Бош прокуратура-си ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти каби давлат органлари ташкил қилиб, бунда Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати алоҳида ўрин тутади, зеро у экстремизмга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари ҳамда бошқа субъектлар фаолияти-ни мувофиқлаштиради.

Ушбу қонунда кўрсатилмаган давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар экстремизмга қарши курашишга доир тадбирларда ўз ваколатлари доирасида ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этади.

Қонуннинг 4-бобида — экстремистик фаолиятни амалга оширганлик учун жисмоний шахслар, ташкилотлар ҳамда минтақавий, халқаро ёки хорижий ташкилотларнинг экстремистик фаолиятни амалга оширган-

лик учун жавобгарлигини таъминлашга оид асосий қоидалар, яқунловчи бобида эса Ўзбекистон Республикасининг экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлигини, экстремизмга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни таъминлашга оид нормалар мустаҳкамланган. Мазкур қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини, моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини давлат органлари ва уларнинг таркибий ҳамда ҳудудий тузилмалари таъминлайди. Бунинг учун улар «йўл хариталари» ишлаб чиқиб, ушбу йўналишларда тизимли ва мунтазам шуғуланишлари лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунининг қабул қилиниши муносабати билан амалдаги жиноят кодексининг 244¹, 244² ва 246-моддалари матнларидаги «диний экстремизм» ибораларидан «диний» сўзини чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқдир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сонли фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон

² Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. — 2017. — 8 дек.

³ Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 22 июндаги ЎРҚ-37-сон Қонуни таҳририда // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. — 2006. — № 25-26. — 226-модда.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сонли Қонуни таҳририда // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2016. — № 17. — 173-модда.

⁵ Ўша манба.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелдаги ЎРҚ 772-I-сон Қонуни таҳририда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1999. — № 5. — 124-модда.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 октябрдаги ЎРҚ-503-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.10.2018 й., 03/18/503/2080-сон.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5005-сонли фармони.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ ВА АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва айбсизлик презумпцияси, яъни айби қонунда белгиланган тартибда ва тегишли органлар томонидан тасдиқланмагунча шахснинг айбсиз ҳисобланиши ЖК ва ЖПК нормаларида қоида сифатида мустақамланганлиги ёритилган.

Таянч сўзлар: Конституция, айбсизлик презумпцияси, ЖК ва ЖПКнинг нормалари.

Конституция Республики Узбекистан и презумпция невинности

Аннотация. В данной статье освещены положения Конституции Республики Узбекистан и презумпция невинности, то есть лицо признаётся невиновным, пока его вина не доказана в определённом законом порядке и соответствующими органами, закрепленные как правила в нормах УК и УПК.

Ключевые слова: Конституция, презумпция невинности, нормы УК и УПК.

Constitution of the Republic of Uzbekistan and presumption of innocence

Annotation. The article deals with the Constitution of the Republic of Uzbekistan and presumption of innocence of the person who are not yet found guilty by the provisions of the Criminal Code until the offense is confirmed by law and by the relevant authorities.

Keywords: Constitution, presumption of innocence, norms of the Criminal Code and Criminal Procedure Code.

Республикаимиз Конституциясининг «Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар» деб номланган XII боби 26-моддасида жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги, судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилиши мустақамланган.

Айбсизлик презумпцияси айби қонунда белгиланган тартибда ва тегишли органлар томонидан тасдиқланмагунча шахснинг айбсиз ҳисобланишидир. Жиноят ҳуқуқи назариясида айб деганда шахснинг содир этган ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ва унинг оқибатларига (қасддан ёки эҳтиётсизлик кўринишидаги) руҳий муносабати тушунилади.

Айбсизлик презумпциясининг пайдо бўлиши ва принцип сифатида шаклланиши узоқ тарихга, яъни XVIII асрга бориб тақалади. У дастлаб 1789 йилги Франция Фуқаролик ва инсон ҳуқуқлари декларациясининг 9-моддасида баён қилинган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 11-моддаси, 1-бандида айбсизлик презумпциясига қуйидагича таъриф берилган: «Жиноят содир этганликда айбланган ҳар бир инсон ҳимоя учун барча имкониятлар таъминланган ҳолда, очиқ суд мажлиси йўли билан унинг айби қонуний тартибда аниқланмагунча, айбсиз деб ҳисобланишга ҳақлидир».

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 14-моддаси, 2-бандида ҳам айбсизлик презумпциясига юқоридагига ўхшаш таъриф берилган.

Айбсизлик презумпцияси шахс ушланган вақтдан бошлаб, суд ҳукми қонуний кучга киргунга қадар амалда бўлади. Шахс фақат суд ҳукми билангина айбли деб топилади, бошқа бирор давлат органи бундай ваколатга эга эмас.

Суднинг қонуний, асосли ва адолатли ҳукми кучга кирганидан кейингина давлат шахснинг айбдорлигини, жазога сазоворлигини тан олади. Агар ҳукм устидан апелляция тартибда ёки кассация инстанциясига шикоят ёки протест билан мушоаат

қилинган бўлса, ҳукмнинг ижроси тўхтатилади. Бундай ҳолда айбсизлик презумпциясининг кафолати сақланиб қолади.

Айбсизлик презумпциясининг моҳияти ва объектив ҳуқуқий ҳолати ҳам айнан шунда. Унгача жиноят судлов ишларини юритувчи мансабдор шахслар, шунингдек, бошқа корхона, ташкилот, муассаса раҳбарлари ва фуқаролар айбланувчига айбдордек муносабатда бўлишга ҳақли эмаслар.

Айбсизлик презумпцияси айбланувчининг ҳуқуқий мақоми сифатида нафақат жиноят процессида, балки барча ҳуқуқий муносабатларда намоён бўлади. Ҳукм қонуний кучга кирмасдан туриб айбланувчини қамоқда ушлаб турилгани учун сайловда иштирок этиш, турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, иш жойидан бўшатиш, ўқув муассасасидан четлатиш мумкин эмас. Чунки унинг юқоридаги ҳуқуқлари айбсизлик презумпцияси билан кафолатланган. Айбсизлик презумпцияси талабларига риоя этмаслик одил судловга зид келадиган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига сабаб бўладиган ҳолатдир.

Айбсизлик презумпцияси айбланувчи учун нафақат асосиз айбланишдан, балки ҳукм қилинишдан ҳам ҳимояловчи кафолат бўлиб хизмат қилади. Айбсизлик презумпциясидан четга чиқиш одил судловда қонунийликнинг бузилишига ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари камситилишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддаси биринчи қисмида ҳар бир шахснинг айбсизлик презумпциясига бўлган ҳуқуқи белгиланган бўлиб, амалдаги миллий қонунларнинг мазкур йўналишда ривожланишига асос бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларнинг тегишли моддалари юқоридаги қоидага кўра шакллантирилган. Хусусан, ЖКнинг қонунийлик принципи деб номланган 4-моддасида «ҳеч ким суднинг ҳукми бўлмай туриб жиноят содир қилишда айбли деб топилиши ва қонунга хилоф равишда жазога тортилиши мумкин эмас»лиги Конститу-

циянинг 26-моддасида кафолатланган айбсизлик презумпциясига асосланган. Айбсизлик презумпциясига кўра жиноят содир этганлиги исботланган шахсга қўлланилган унинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш чоралари айбланувчи ёки айбланаётганга қўлланилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида ҳам гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботланмагунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқланмагунга қадар айбсиз ҳисобланиши таъкидланган.

Мазкур моддада юқоридаги конституциявий қоида кенгроқ талқин этилган, яъни: а) гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади; б) гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас; в) айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим.

Юқорида келтирилган қонун нормалари мамлакатимиз жиноят процессида жиноят содир этишда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг айбсизлиги фараз қилиниши, исботланмаган айби бўйича оқлов ҳукми чиқарилиши ва судланувчининг тўлиқ реабилитация қилинишини кўрсатади. Ана шу қоидалар ҳам айбсизлик презумпциясининг мазмунини ифодалайди, барча фараз ва гумонларнинг судланувчи фойдасига ҳал этилишини билдиради. Ундан ташқари, жиноят содир этган шахснинг айбдорлигини исботлаш суриштирувчи, терговчи ва суднинг вазифасидир (ЖПК 86-м.). Айбланувчи ҳам ўзининг ҳимоя ҳуқуқидан фойдаланиб, айбсиз эканлигини исботлашга ҳақли, бироқ ушбу фаолият унинг мажбурияти ҳисобланмайди. ЖПК 23-моддасининг иккинчи қисмида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки

судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги белгиланган. Улар ушбу ҳуқуқдан мустақил равишда ёки ҳимоячи орқали фойдаланиши мумкин. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади. Иш бўйича адвокат Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ белгиланади. Бу масалани ҳал қилишда биринчи галда айбланувчининг хоҳиши ҳисобга олинади. У адвокатдан воз кечиши ҳам мумкин. Лекин айрим ҳолатларда, масалан, айбланувчи муомала лаёқатига эга бўлмаган, соқов, кўр бўлса ёки жисмоний, руҳий заифлиги туфайли ўзини ҳимоя қилиш имконига эга бўлмаса, шунингдек, у суд олиб борилаётган тилни билмаса, ишда адвокат иштирок этиши шарт.

Мамлакатимизда суд тизимининг ҳуқуқий асосларини мустақамлаш ва либераллаштириш, судлар мустақиллиги ва масъулиятини ошириш, уларнинг роли ва таъсирини кучайтиришга қаратилган ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ушбу соҳадаги ислоҳотларнинг янги босқичи бўлди. Унда судда иш юритиш тезкорлиги ва сифатини ошириш, иш бўйича якуний қарорлар қабул қилиш муддатларини асосиз кечиктиришни бартараф этиш, судларнинг жиноят процессидаги ролини оширишга қаратилган янгилик сифатида суд томонидан жиноят ишини кўшимча терговга қайтариш институтининг бекор қилинаётгани ҳам айбсизлик презумпциясини таъминлаш янада кучайишига хизмат қилади.

Жиноят ишларининг судда очиқ, ошкора кўрилиши муайян тарбиявий хусусиятга эгадир. Судда ишни кўришда фуқаро, жамоат ташкилотлари ҳуқуқлари бузилишининг, жамият ва давлат манфаатларига путур етказилишининг олдини олиш, қонунни оғишмай бажариш фуқароларни турмуш қоидаларига риоя қилиш руҳида тарбиялашда ёрдам беради.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши, ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас (Конституциянинг 26- моддаси 2 ва 3-қисмлари). Бундай кафолатлар Вена учрашувининг якунловчи ҳужжатида ҳам инобатга олинган. Унда:

қийноқларни ва бирор турдаги шафқатсизлик, раҳмсизлик ёки инсон қадр-қимматини ерга урадиган, камситадиган ҳар қандай шаклдаги муомалани ва жазони тақиқлаш ва бундай ҳолатларнинг олдини олиш ва жазолаш бўйича самарали қонуний, маъмурий ва суд чораларини қабул қилиш; кишиларни инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини бузадиган ҳар қандай руҳий ва тиббий тажрибадан ҳимоя қилиш ва бунинг учун айбдорни жазолаш каби қоидалар назарда тутилган.

Шарҳланаётган конституциявий нормага риоя қилинишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ЖКда айбсиз кишини жавобгарликка тортганлик (230-м.), адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарганлик (231-м.) учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Айбсизлик презумпцияси қоидаларини суд-тергов амалиётида тўғри қўллаш мақсадида Олий суд Пленумининг қатор қарорлари қабул қилинган. Олий суд Пленумининг «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги (2003.19.12) Қарорининг 5-бандига кўра, гумон қилинувчини, айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашнинг муҳим кафолати – унинг айби қонунда белгиланган тартибда исботланмагунча ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқланмагунча айбдор ҳисобланмаслиги ҳақидаги Конституцияда белгиланган айбсизлик презумпцияси принципига қатъий амал қилинаётганидан далолатдир.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги «Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари

тўғрисида»ги (2006.22.12.) қарори 8-бандининг олтинчи хатбошисида айбсизлик презумпциясига асосан, агар текшириш натижалари бўйича шахсга нисбатан ўтмишда амнистия акти қўлланилганлиги тўғрисида маълумот тўплаш имкони бўлмаса, амнистия акти қўлланилиши шартлиги, «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида»ги (2013.31.05) қарорининг 15-бандида ҳам ушбу қоидага мувофиқ шахснинг айбдорлигига оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имконияти тугаган бўлса, солиқ тўловчининг фойдасига ҳал қилинади, деб белгилаб қўйилганлиги бу борада ижобий амалиёт шакллантирилганлигини кўрсатади. Бошқача айтганда, қонунни қўллаш жараёнида туғилган шубҳалар ҳам гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак. Бунга кўра, айбланувчи ўзининг айбсизлиги тўғрисида далиллар тақдим қила олмаслиги уни айбли деб топишга асос бўлолмайди. Далиллар тўплаш вақтида белгиланган тартиб-қоидалар бузилган бўлса, яъни далиллар қалбакилаштирилса, бундай далиллар ҳуқуқий кучга эга эмас деб топилди ва ўз-ўзидан айблов учун асос бўла олмайди. Тергов органлари етарли далиллар бўлсагина шахсни айбланувчи тариқасида ишга жалб қилиш тўғрисида қарор чиқаради.

Шахснинг жиноят содир этганликда айбдорлиги ҳақидаги хулоса тахминларга асосланиши мумкин эмас ва шубҳасиз, етарли далиллар билан исботланиши лозим. Айбловни тасдиқлайдиган ишончли далиллар бўлмаган ва янги далиллар тўпланмаган тақдирда жиноят ишини юритиш тугатилади ёки оқлов ҳукми чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, «ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-

қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас»¹. Ўз навбатида, мазкур нормага амал қилмаслик, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддасига мувофиқ, «қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш» жиноятини содир этиш, деб баҳоланади.

Юқорида айтилганидек, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 26-моддаси учинчи қисмида эса «ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас»²лиги белгиланган. Конституциянинг мазкур нормаси жиноят қонунида:

биринчидан, шахс тириклигида унинг розилигини олмасдан туриб ёки ўлганидан кейин яқин қариндошларининг розилигисиз илмий ишлар ёхуд таълим ишлари учун трансплантация қилиш ёки бузилмайдиган ҳолда сақлаш (консервация) мақсадида мурданинг аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш – жиноий жавобгарлик белгилаш учун (инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш, ЖК 133-моддаси);

иккинчидан, киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантант) ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида қасдан одам ўлдиришни, киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантация) мақсадида қасдан баданга оғир шикаст етказиш эса жазони оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган жиноятлар деб баҳоланган учун асос бўлади.

Айбсизлик презумпцияси шахс ҳуқуқлари, қонунийлик ва барқарорликнинг муҳим конституциявий кафолати бўлиб, бебаҳо ахлоқий моҳиятга ва муҳим ҳуқуқий оқибатга эга. Айнан мазкур конституциявий кафолатга кўра у ёки бу жамиятдаги демократия, инсонпарварлик ва адолат даражасига баҳо бериш мумкин. Ушбу қоида ҳуқуқий давлатнинг ажралмас элементи ҳисобланади.

КОНСТИТУЦИЯ – ДАВЛАТ ТИЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Аннотация. Мақолада ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг ҳуқуқий асоси ўз аксини топган, тилни нутқнинг барча шаклларида адабий тил меъёрлари асосида қўллаш ҳақида фикр-мулоҳаза юритилган.

Таянч сўзлар: конституциявий асос, ижтимоий тармоқ, нутқ шакллари, оғзаки нутқ, ёзма нутқ, тарғибот, шеърий семантикаси, муомала маданияти, нутқ одоби, лисоний тафаккур.

Конституция – правовая основа государственного языка

Аннотация. В статье характеризуется конституционная основа придания узбекскому языку статуса государственного языка, изложены положения, касающиеся применения языка во всех формах речи в соответствии с нормами литературного языка.

Ключевые слова: конституционная основа, социальные сети, формы речи, устная речь, письменная речь, пропаганда, семантика поэзии, культура общения, культура речи, лингвистическое мышление.

Constitutional foundation of the national language

Annotation. The article reflects the constitutional foundation given for the state status of the Uzbek language and states provisions related to application of the language in all forms of the speech in corresponding norms of the literature language.

Keywords: constitutional foundation, social nets, forms of speech, oral speech, written speech, propaganda, semantics of poetry, culture of intercourse, culture of speech, linguistic thinking.

Мустақиллигимизнинг бебаҳо неъматидир, халқимиз тафаккурининг ҳосиласи – Бош қомусимиз давлат ва жамият ҳаётининг ҳуқуқий асоси бўлиши билан бирга, мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигининг таянчидир. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «тўла ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунасидир. У ҳеч кимга қарам бўлмасдан, эркин ва озод, тинч ва осойишта, фаровон яшашнинг қонуний кафолати бўлиб келмоқда»¹.

1989 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақидаги қонунини қабул қилиниши истиқлол сари қўйилган энг муҳим қадамлардан бири бўлди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида қайд этилганидек, «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз худудидида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг

тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратди»².

1995 йилда «Давлат тили тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ўзбек тилининг ҳуқуқий мақоми тикланди. Бунинг натижаси ўлароқ, ўзбек тилида қонунлар, давлат ҳужжатлари, илмий асарлар яратилмоқда, номзодлик ва докторлик диссертациялари шу тилда ҳимоя қилинмоқда. Аммо бу билан чекланиб қолмасдан ўзбек тилининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш, унинг давлат тили мақомидек салоҳиятини изчил ва тўлиқ рўёбга чиқариш йўлидаги ишларни мунтазам амалга ошириш зарур.

Она тилимиз – маънавий бойлигимиз. Она тилини билмайдиган одам – ўзининг шажарасини, ўзининг илдинини билмайдиган, келажаги йўқ одамдир, дея таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов. Шу маънода давлат тили ҳар бир фуқарога онгли,

маданиятли нутқ иштирокчиси бўлиш, она тилини асраб-авайлаш, унинг ҳадсиз ифода имконларини намоён эта олиш масъулиятини юклайди. Алишер Навоийнинг «*Тил бунча шараф билан нутқнинг олатидир, Гар анга шикаст етса, тилнинг офатидир*» сингари байтида ҳам нутқий маданият ҳақидаги ўғит бўрттириб ифодаланган. Ҳозирги кунда сўзларни оғзаки нутқда *мошина, дўхтир, малим* каби бузиб талаффуз қилиш билан боғлиқ ҳолатлар учраб турибди. Ёки ижтимоий тармоқлар (odnoklassniki.ru, bk.ru, facebook.com, twitter.com, телеграм, вибер ва бошқ.)даги мулоқот ва муҳокамаларда сўзларни ўринсиз қисқартириш, масалан, «*келдингизми*» ўрнига «*келдизми*», «*хўп*» ўрнига «*ОК*», «*билан*» ўрнига «*б.н.*» деб ёзиш урфга кириб бўлди. Ижтимоий сайтлардан фойдаланадиган ҳар бир киши яхши биладиган, кўзи ўрганиб кетган «сўз шакл»лар, бошқача айтганда, Интернетнинг ўзига хос алифбоси ёшларнинг саводхонлик даражасига салбий таъсир қилмай қолмайди, албатта. Улар ҳаётий жараёнларда, турли жиддий ёзишмаларда ҳам шундай йўл тутмаслигига ҳеч ким кафил бўлолмайди.

Шу ўринда яна бир мулоҳазани айтиб ўтиш лозим. Тилимиз сохта журналистика тили, шунингдек рус тили ва бошқа тиллардан таржима қилиш ёки шуларга уринишлар оқибатида жуда катта синовни, ҳатто руҳан майиб қиладиган даражадаги зўриқишни бошидан кечирмоқда. Аждодларимиз ҳам қадимдан тўғри, таъсирчан, чиройли гапиришга интилиш ва уларни одатга айлантиришга ахлоқий қадрият сифатида қараб келганларки, бунда сўзни қадрлаш, пухта ўйлаб, тушуниб гапириш кабилар нутқ одобининг асосий талаблари ҳисобланган.

Қадриятнинг қадрига етайлик! Ижтимоий тарғибот қонун асосида, унинг талабларига мос бўлмоғи лозим. Бироқ кўчалардаги тарғибот-ташвиқотга мўлжалланган баннер ва пешлавларнинг жуда кўпларини саводли ёзилган деб бўлмайди. Ўзини ҳурмат қилган одам тилини ҳам ҳурмат қилади. Ўзи билганича ёзиш, мутахассис ёрдамидан фойдаланмаслик охир-оқибат нафақат шу шахс ёки жамоани,

балки бошқаларни ҳам саводсизликка етаклаши табиий. Муддао шуки, ижтимоий ҳаётимиздаги, турмушимиздаги, теваккату атрофимиздаги воқеликнинг лисоний ифодаси ҳаммага тушунарли бўлсин, нутқимизда воқеликка ёт сўзлар бўлмасин. Зеро, ўзбек тили ниҳоятда бой тил, истифода имконлари хилма-хил. Тилимизнинг софлиги, нутқимизнинг равон ҳамда ёқимли бўлиши она тилимизга садоқатимиздан далолат беради.

«Бир тилда мавжуд сўзларнинг барчаси ўша тилнинг луғат бойлигини ташкил қилса, ҳар бир кишининг билган сўзлари, унинг шахсий сўз бойлигини ташкил этади. Инсон кўп сўз билсагина соғинч ва туйғуларини аниқ ва осон ёза олади. Сўз бойлиги камбағал бўлган кишилар эса бирор нарса ёки мавзуни чекланган, санокли сўзлар билан англатадилар. Сўз бойлиги кам одамнинг сўзлари қуруқ ва бемаза бўлиб қолади»³.

«Афсуски, бугун телевидение орқали берилаётган баъзи клипларни оила, фарзандлар даврасида томоша қилиб бўлмай қолди. Ҳар бир ҳаракатида ўрбга тақлид сезилиб турадиган, очик-сочик кийинган ёшларни кўриб, наҳотки шулар ҳам бизнинг фарзандларимиз, бизнинг миллатимиз вакиллари бўлса, деб ўйлаб қоласан киши»⁴.

Дарҳақиқат, номақбул хатти-ҳаракати ёки очик-сочик кийинишдан ташқари тил қонун-қоидаларини, шеър мазмунини бузиб куйлаётган хонандаларимизнинг «беқиёс хизматлари» маҳсули бўлмиш «Сакраменто» ёки «Мана ман, мана сан, энди нима қиламиз...» каби бемаъни хонишларига, алмойи-жалмойи сўзларига нима дейсиз?! Зотан, она тилига ҳурмат ҳар бир сўзнинг ўз ўрнида қўлланилишини талаб қилади. «Давлат тили ҳақида»ги қонун тилга, нутққа, сўзга бифарқ, лоқайд бўлишга, нутқда сўзни нотўғри ёки хато қўллашга йўл қўймайди.

Муқаддас ва мўътабар неъмат. Тил бе-ниҳоя муқаддас ва мўътабар неъмат. У инсонни инсон сифатида шакллантирган, тараққиёт босқичларига олиб чиққан, руҳий такомилга бошлаган, тафаккур гулшанининг дарвозаларини очган сеҳрли бир жилодир. Тилга эҳтиром ва эътибор дунёда инсон боласи

муҳтарамлигининг эътирофидир. Шу боис халқимиз тилга, хусусан, ўзининг она тилига доимо муҳаббат билан қараган, уни эъзозлаб ардоқлаган, ўзбек тилининг мукамаллиги ва бетакрор оҳангларидан фахру ифтихор туйган⁵. Аммо, афсуски, бугун жамиятимизда, айниқса, айрим «замонавий» ёшларимиз орасида она тилимизнинг ана шундай гўзалликларини илғай олмай, унга беписандлик билан қараш ҳолатлари учраб турибди. Тилимизнинг бой луғавий хазинасини тўла ўзлаштира олмай, унинг ўрнига ажнабий сўзларни қўллаётган баъзи ёшларни кўриб қулишни-да, куйишни-да билмайсиз.

Бир сўз билан айтганда, ижтимоий тармоқларда ҳам тил ва имло мактабларини йўлга солсак, тилимизнинг қиймати, софлиги, адабийлиги оғзаки суҳбатлашув жараёнларида ҳам ўз ўрнини топган бўларди. Ахир, тил — маънавият кўзгуси эмасми? Навоий бобомизнинг «...одам тили билан бошқа яратилганлардан имтиёздидир. Унинг тили орқали бошқа одамлардан афзаллиги билинади» деган сўзлари ҳам маънавиятга дахлдор.

Шундай экан, ижтимоий тармоқларда ҳам, оддий сўзлашув ва ёзишмаларда ҳам тилимизни асраб-авайлаш ва унинг бор гўзаллигини кўрсата олиш пайида бўлайлик. Чунки ижтимоий тармоқдан нафақат ўзбекистонликлар, шу билан бирга, чет элларда яшайдиган ўзбек тилида сўзлашувчилар ҳам фойдаланадилар. Бунинг учун эса устозларнинг, буюк бобокалонларимизнинг, адабиётимиз даргаларининг маънавий меросидан кўпроқ баҳраманд бўлмоғимиз талаб этиладики, бу пировардида сўз қўллаш кўникмаси юқори даражаларининг эгалланишига ёрдам бўлади.

Машҳур рус педагоги К.Д.Ушинский айтганидек, тилда халқнинг бор-йўғи, унинг буткул Ватани гавдаланади. Тил халқнинг ўтмиш, ҳозирги ва келажак авлодини буюк бир яхлитликка, тарихий, жонли жипсликка айлантирувчи энг ҳаётий, энг бой ва мустақам воситадир.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир тил халқнинг миллий руҳи билан чамбарчас боғланган бўлади. Тилнинг табиийлиги, софлиги миллатнинг кучига куч қўшади, аксинча, кераксиз жим-

жимадорлик эса ожизлик сари етаклайди. Ўз она тилига эътибор одамни маънан юксалтиради.

Афсуски, айрим ёшлар бунга беписанд муносабатда бўлиб, сўзлашганда бошқа тилларга мансуб сўзларни аралаштиришади. Пойинтар-сойинтар гаплар кўпчиликнинг гашини келтириши табиий. Айрим ота-оналар фарзандим рус тилини яхши ўргансин деб уйда ҳам, кўчада ҳам улар билан шу тилда гаплашадилар. Тил ўрганган яхши, албатта. Лекин фарзандлари бора-бора ўз она тилида яхши гапиролмайдиган, кўп сўзларни ўз ўрнида қўллай олмайдиган, маъносини «чақолмайдиган» бўлиб вояга етишлари мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Бошқа тилни ўрганмоқчи бўлганлар, аввало, ўз она тилининг қадрига етишлари керак.

Шунингдек, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий «Тилга ихтиёрсиз, элга эътиборсиз» деб бежиз айтмаган. Ўз она тилига эътиборсизлик — ўзига, халқига эътиборсизликдир. Мустақил давлатимиз, она тилимиз бор экан, демак, биз дунёда энг бой ва бахтли миллатмиз. Бир донишманд айтганидек, тил миллионларча авлодлар томонидан яратилган тирик жондир. Ана шу жонни асраш — барчамизнинг бурчимиз.

Она тили ва оила муҳити. Жамият тараққиётини белгиловчи омиллар кўп. Улар орасида жамият аъзоларининг ўз она тилига муносабати алоҳида аҳамиятга эга. Чунки она тилини пухта эгаллаш, унинг луғавий ва услубий имкониятларидан оқилона фойдалана олиш маҳорати, аввало, оиладан бошланади.

Кузатишлардан маълум бўлдики, оиладаги тил муҳитини яратадиган сабаб ва воситалар, шаклланиш усуллари талайгина. Аввало, эр-хотиннинг қайси тилдан фойдаланиши, қайси миллатга мансублиги ҳамда уларнинг лисоний ҳодисаларга муносабати муҳим роль ўйнайди. Маълумки, оиладаги мулоқот кўпинча *оғзаки сўзлашув услубига* хос бўлади. Айни пайтда нуқул оғзаки сўзлашувга доир сўзлардан фойдаланиш боланинг тил бойлигига, сўз захирасига таъсир этишини ҳам назардан қочирмаслик зарур.

Агар эътибор берилса, оилада тил муҳитининг шаклланишида қатор омиллар

ва шарт-шароитлар мавжуд. Асосий гап — улардан қандай ва қай тарзда фойдалана олишда. Назаримизда, мана шундай воситалардан бири оила аъзолари ўқийдиган *газета ва журналлар*дир. Чунки ота-онанинг қайси газета-журналларни ўқиб бориши болага, албатта, ўз таъсирини ўтказади. Бироқ ҳозирги пайтда кўпгина оилаларда вақтли матбуот нашрларига обуна бўлиш, оилавий газетхонлик масалаларига эътибор берилмаяпти, бильякс, «сарик матбуот» туркумидаги нашрларга ружу қўйилмоқда.

Оилада тил муҳитини яратадиган омиллардан яна бири, назаримизда, ҳар бир оиланинг ўз *кутубхона*сидир. Чунки унда мавжуд бўлган бадиий адабиётлар, лугат ва энциклопедиялар, турли маълумотномалардан фойдаланиш, аввало, билимимизни бойитиб, эстетик завқ берса, охир-оқибат сўз бойлигимизни оширишга ҳам хизмат қилади.

Оммавий ахборот воситалари орасида ҳозирги кунда *радио* ва *телевидение*нинг аҳамияти беқиёс бўлиб, бу орқали ниҳоятда тезкор ахборотга эга бўламиз, теварак атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни ўз кўзимиз билан кўрамиз ва тегишли хулосалар чиқара оламиз. Буларнинг ҳаммаси кувонарли ҳол, албатта. Бироқ фарзандларимизнинг қайси радиоэшиттиришни тинглаётгани, қайси кўрсатув мухлиси эканлиги ҳам бизни бефарқ қолдирмаслиги лозим. Негаки, барча теле ва радиоканалларда берилаётган материалларнинг савиясини бир хил деб бўлмайди. Чунончи, хусусий радиоканаллардаги бевосита «суҳбатлар»дан бирор маънавий озуқа ололмайсиз. Хусусан, радиобошловчи ва бевосита мулоқотга чиққан мухлис ўртасидаги савол-жавоблар ўз мантиқсизлиги, ўзбек адабий тилининг меъёрларига мос келмаслиги билан «ажралиб» туради. Айни шундай эшиттиришлардан фарзандларимиз қандай наф кўриши мумкин? Бу ҳақда биз — катталар бош қотиришимиз, боламизнинг қайси каналдаги қайси эшиттиришни тинглаётганини назорат қилиб боришимиз зарур. Бинобарин, масаланинг нафақат маънавий-мафкуравий, ахлоқий-тарбиявий

томонлари, балки лисоний жиҳатларини ҳам назардан қочирмаслик зарур.

Кузатишлардан маълум бўладики, *маҳалла-кўй, қўни-қўшни*ларнинг нутқи ҳам боланинг тил ўрганишида муҳим роль ўйнайди. Чунки ёш ўсмир ҳар қандай нарсага қизиқиш билан қарайди: яхши, ҳикматли сўзни ҳам, сўкиш, ҳақорат ёки қарғиш билан боғлиқ сўзларни ҳам яқин атрофдагилардан эшитади, уларни дарҳол қўллашга ҳаракат қилади. Шундай экан, фарзандимизнинг кўчада ким билан ўйнаётгани, ким билан дўстлашгани бизни бефарқ қолдирмаслиги керак. Акс ҳолда кўпол ва дағал сўзларни ишлатиш, уятли гапларни қўллаш бола учун одатий ҳолга айланиб қолиши эҳтимолдан холи эмас.

Тил ижтимоий ҳодиса сифатида доимо ўсишда, ривожланишда бўлади: қайсидир сўз истеъмолдан чиқиб кетса, қандайдир янги сўз тилга кириб келади. Айниқса, бошқа тиллардан *сўз ўзлаштириш ҳодисаси* кўп учрайди. Бу — табиий ҳол. Лекин шу ўринда истаган сўзимизни хоҳлаган ўринда қўллаб бўлмаслигини ҳам унутмаслик лозим. Бинобарин, айни шу ўринда тилнинг софлиги масаласи келиб чиқади. Ота-оналар, аввало, ўз нутқида, ундан кейин фарзандлари нутқида, унинг софлиги масаласига жиддий эътибор қаратишлари керак. Акс ҳолда, боланинг нутқидаги лисоний камчиликлар ўз она тилига беписандликни кучайтириб юбориши мумкин.

Бундан кўринадики, боланинг сўзлаш қобилияти, лисоний тафаккури, энг аввало, оилада шаклланади. Бу жараёнда она алласидан тортиб, эртақ тинглаш, топишмоқ ва тез айтишлар, мақол ва маталлардан фойдаланиш жуда муҳимдир. Айниқса, ота-оналарнинг ўз она тилига бўлган муносабати, қўни-қўшнилар нутқининг қай даражада эканлиги боланинг онгу шуурига, лисоний тафаккурининг ривожланишига кучли таъсир кўрсатади. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларидаги нутқ (матн) ёш ўсмир тарбиясида улкан аҳамият касб этишини унутмаслик лозим. Шу сабабли ота-оналарнинг она тилимиз олдидаги масъулияти доимо ошиб бориши зарур.

Миллатнинг бебаҳо бойлиги. Тилнинг шаклланиши, вужудга келиши минг-минг

йиллик тарихга бориб тақалади, усиз миллатни, унинг ўтмишию келажагини тасаввур этиб бўлмайди. Тилнинг тақдири, унинг яшаши ва ривожланиши фақат шу тилда гаплашувчи жамиятга боғлиқ. Маърифат-парвар шоир Абдулла Авлоний: «Миллий тилни йўқотмак — миллатнинг руҳини йўқотмак», деб бежиз айтмаган.

Шундай экан, ўзини, тилини, миллатини ҳурмат қилган ҳар бир инсон, аввало, муаззам ва улуғ бўлган она тилининг гавҳари, олтини бўлган сўзларни тўлиқ ва бузмасдан талаффуз қилиши лозим, шунингдек, ижтимоий тармоқларда ҳам тил ва имло мактабларини йўлга қўйиш, тилимизнинг қиммати, софлиги, адабийлиги оғзаки суҳбатлашув жараёнларида ҳам ўз ўрнини топишига эришишимиз лозим.

Мустақилликка эришгандан сўнг давлат тили ҳар соҳада фаол ишлатила бошланди. Жиддий ва салмоқли ишлар амалга оширилди: аввало, қонунлар ўзбек тилида яратиладиган, идоравий ҳужжатлар она тилимизда юритиладиган бўлди. Нодир илмий, бадий асарлар таржима қилинди. Газета ва журналлар, дарслик ва қўлланмалар, луғатлар ўзбек тилида чоп этилди. Бу ютуқлар давлат тилининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти беқиёслигини кўрсатади.

Бизнингча, ҳар бир нутқ иштирокчисидан тил меъёрларини пухта ўзлаштириши билан бир қаторда, ҳам оғзаки, ҳам ёзма нутқини такомиллаштириш устида мунтазам иш олиб бориши талаб этилади.

Иккинчидан, ижтимоий тармоқларда тил ва имло мактабларини йўлга солсак, тилимизнинг қиммати, софлиги, адабийлиги оғзаки суҳбатлашув жараёнларида ҳам ўз ўрнини топган бўларди.

Учинчидан, бошқа тилни ўрганиш ўз она тилини унутиш ҳисобига бўлмаслиги керак.

Тўртинчидан, нутқ маданияти сирасорларини мунтазам ўрганиб боришимиз

ва унга оғишмай риоя этишимиз лозим.

Бешинчидан, фарзандларимизга сўзлашув одоби ҳақида узлуксиз сабоқ бериш, бу бола тарбиясининг яна бир асосий қирраларидан эканлигини эсдан чиқармаслигимиз шарт.

Ва ниҳоят, барча жабҳаларда биз катталар нафақат фарзандларимизга, балки атрофдагиларга ҳам ўрناк эканлигимизни ҳис этган ҳолда тарадудланмоғимиз лозим.

Ҳар бир фуқаро — талаба ва ўқитувчи, зиёли ва ишчи, хизматчи ва олим — расмий ҳужжатларни тўғри ва хатосиз ёзиши Асосий қонуннинг 7-моддасида акс этган: «Давлат тили расмий амал қиладиган доираларда ўзбек адабий тилининг илмий қоидалари ва нормаларига риоя этилади». Демак, ҳар бир шахс саводхон бўлиши билан бирга, илмий атама ва терминларни ишлатишда қонун моддаларига қатъий риоя қилиши лозим.

Ўзбек тили дунёдаги қадимий ва бой тиллардан биридир. Унинг софлиги, пурмаънолиги, таъсирчанлиги, гўзаллиги, бойлигига ўз ҳиссамизни қўшишимиз зарур. Халқимизнинг ўз тилига, элига бўлган чексиз муҳаббати, ижодкорлик қудрати бу масалага миллийлик нуқтаи назари билан ёндашишда намоён бўлади.

Маълум бўлишича, дунё тилларининг фақат 200 тасигина давлат тили мақомига эришган. Она тилимизни асраб-авайлаш, уни эъзозлаш ҳар биримизнинг бурчимиз ҳисобланади. Қалбимизда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотиб, тилимиз софлигини сақлашда зиммамизга масъулият ҳам юклайди. Миллатимизнинг бебаҳо бойлиги, ҳурлигимиз тимсолларидан бири бўлган давлат тилини эътиборсиз, гоҳо бузиб қўллашга, тилимиздаги иборалар маъносини англамасдан ишлатишга ҳаққимиз йўқ. Зеро, тил миллатимиз фаҳри, жамиятимиз кўзгуси ҳисобланади. Айни чоғда қалбимиз ойнаси ҳамдир. Тил бор экан, миллат барҳаёт, юртнинг истиқболи нурли ва чароғон.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинган куннинг 25 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи. — 2017. — 7 дек.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т., 2015. — Б. 4.

³ Маҳмуд Асғад Жўшон. Ўқув ва ёзув малакаси. — Т., 2010. — Б. 84.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 3 август куни Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги «Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш-халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир» номли маърузаси // Халқ сўзи. — 2017. — 4 авг.

⁵ Маҳмудов Н. Ўзбек тилида иш юритиш. — Т., 1990. — Б. 5.

Б. А. Умирзаков,

ИИВ Академияси Криминология кафедраси катта ўқитувчиси

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ВА ОТА-ОНАЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация. Мақолада вояга етмаганлар ва ота-оналар ҳуқуқларининг Конституцияда мустақамланганлиги, давлат, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг вояга етмаганлар ҳуқуқларини таъминлашдаги мажбуриятлари ҳамда ушбу мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарлик ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Таянч сўзлар: оила, ота-она, вояга етмаган, ҳуқуқлар, жавобгарлик ва мажбуриятлар.

Конституционные основы защиты прав несовершеннолетних и родителей

Аннотация. В данной статье отражены мнения и предложения, касающиеся обязанностей родителей или лиц, их заменяющих, по обеспечению прав несовершеннолетних, закрепленных в Конституции.

Ключевые слова: семья, родители, несовершеннолетний, права, ответственность и обязанности.

The constitutional basis for the protection of the rights of juveniles and their parents

Annotation. The article reflects the opinions and proposals on obligations of parents or persons substituting for ensuring the rights of juveniles and rights of juveniles and parents fixed in the Constitution.

Keywords: family, parents, juveniles, rights, responsibility and obligations.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганидан буён ўтган 26 йил мобайнида унга тўққиз маротаба ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тўғри таъкидлаганидек, «...тўла ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунасидир. У ҳеч кимга қарам бўлмасдан, эркин ва озод, тинч ва осойишта, фаровон яшашнинг қонуний кафолати бўлиб келмоқда. Бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Конституциямиз асосида мамлакатимизда миллий қонунчилик тизими, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари шаклланди. Ҳозирги кунда барча жабҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳиятимиз юксалиб, фуқаролари-

мизнинг дунёқараши тобора ўсиб бормоқда. Буларнинг барчаси, энг аввало, Бош қомусимизнинг ҳаётбахш куч-қудрати натижасидир»¹.

Демократик принципларга асосланган фуқаролик жамияти барпо этишни ўз олдига олий мақсад қилиб қўйган ҳар бир давлат, энг аввало, ушбу жараёнда узоқ тараққиёт йўли босиб ўтилишини англаган ҳолда асосий эътиборни баркамол ёш авлодни тарбиялашга қаратади. Халқнинг эзгу орзу-умидларини ўзида мужассам этган ушбу олий мақсадни рўёбга чиқариш учун муносиб ворисларни тарбиялай олмаган жамият охир-оқибат таназзулга юз тутди. Буюк маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир», деган сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда ҳам биз учун ўз аҳамиятини йўқотмаган².

Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги

қонунида «бола» тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: «бола (болалар) — ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар)». Шунингдек, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунида «вояга етмаган» тушунчасига «ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс» сифатида таъриф берилган. Ушбу қонун бевосита «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида кўрсатилган ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиди³.

Дарҳақиқат, ҳар қандай демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида, биринчи навбатда инсон ва фуқаролар ҳуқуқларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Шундай экан, адолатли ҳуқуқий демократик давлат қуриш, эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда фаровон ҳаёт даражасига эришиш — халқимиз интилаётган юксак марралардир. Ушбу олий мақсадларга эришишда жамиятимизда ёшларнинг ўрни ва роли ўзгача. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган болаларимиз 10 миллион 877 минг нафарни ёки умумий аҳолининг 33,3 фоизини⁴ ташкил қилади. Келтирилган ушбу рақамларга асосланиб айтиш мумкинки, вояга етмаганлар жамият ва давлат ривожига таъсир этувчи ва ҳал қилувчи асосий омилдир.

Шу ўринда, айнан вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Конституциянинг ўрни беқиёс эканлигини унутмаслик даркор. Конституциянинг 41-моддасида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга деб белгилаб қўйилган. Шунга асосан, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир деб фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқи мустақамланган ушбу модда республикамиздаги барча вояга етмаганларнинг умум-

таълим мактабларида бепул таълим олишларини кафолатлайди. Шу ўринда қуйидаги статистикани келтириб ўтиш жоиз деб топдик, республикамизда жами 9 718 та умумтаълим мактаблари мавжуд бўлиб, уларда ҳозирги кунда жами 5 271 261 нафар ўқувчи таълим олиб келмоқда⁵.

Республикамиздаги барча вояга етмаганлар учун умумтаълим мактабларида билим олишга шарт-шароитлар яратилган, бироқ айрим ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаганларнинг билим олишига тўсқинлик қилиш ҳолатлари мавжудлиги ачинарли ҳолдир. Давлатимиз томонидан вояга етмаганларнинг билим олишига тўсқинлик ёки қаршилик қилиш ҳолатларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 47-моддасида тегишли жавобгарлик белгиланган. Унга асосан, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши — энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши, шунингдек худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши ҳамда болаларнинг мажбурий умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими олишига ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан тўсқинлик қилиш — энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга олиб келади. Агарда ушбу ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма баравари-

гача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, республика-мизда 2018 йилнинг 10 ойида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 47-моддаси биринчи қисми бўйича 16 647 та ва учинчи қисми бўйича 88 та ҳолат аниқланган⁶.

Оила ҳар бир боланинг яшаши, камол топиши учун асосий макон ҳисобланади. Оиланинг ички ҳаётига, болалар тарбиясига бошқаларнинг ўзбошимчалик билан аралашшига, тарбиясига салбий таъсир ўтказишига йўл қўйилмайди. Агар боланинг ҳуқуқлари камситилса, бундай оилага нисбатан қонуний йўл билан таъсир кўрсатишга, ота-онанинг ҳуқуқларини чеклашга, ҳатто, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш чорасини қўллашга ҳам тўғри келади. Ушбу жавобгарликнинг жорий этилишидан кўзланган мақсадлардан бири мавжуд оилалар ажралиб кетишининг ҳамда вояга етмаган моддий шахс ёрдамга муҳтож қолишининг олдини олишдир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, республика-мизда 2017 йилда 31 929 та никоҳдан ажралиш ҳолати аниқланган, шундан ушбу оилаларда 18 ёшга тўлмаган болаларнинг умумий сони 17 549 нафарни ташкил этган⁷.

Шу муносабат билан ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялаш мажбуриятини бажармаганлиги учун жавобгарлик масалаларини тартибга солиш мақсадида 2018 йил 9 январь куни «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун билан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига 47⁴-модда киритилди.

Унга асосан моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки

суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик, — ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олишга ёки ушбу Кодексга мувофиқ маъмурий қамоқ қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга энг кам иш ҳақининг йигирма баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар у маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш жараёнида алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни ихтиёрий равишда тўлаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади⁸.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 122-моддасида алимент тўлашдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланганлигини кўришимиз мумкин. Унга асосан, моддий ёрдамга муҳтож вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, — икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ўша қилмиш хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, — икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Агар шахс алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни тўлиқ тўлаган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади.

Конституциянинг 45-моддасида вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир, деб вояга етмаганларнинг моддий манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаси қатъий белгилаб берилди ва шу аснода ҳукуватимиз томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида бир қанча қонунлар ва қонуности норматив-ҳуқуқий

ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикасининг Оила, Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслари, «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги, «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги, «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги, «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги, «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ва бошқа шу каби қонунлар) қабул қилинди.

Ногирон ва етим болалар жамиятда ўз ўринларини топиб кетишлари, руҳан эзилмасликлари учун уларга алоҳида ғамхўрлик ва малакали тиббий ёрдам кўрсатилиши лозим. Бола жисмоний, ақлий, руҳий, маънавий, ижтимоий камолоти учун етарли ҳаёт даражасига эга бўлиш, билим олиш ҳуқуқига эга. Бу талабларни бажариш, аввало, ота-оналарга юклатилган юксак масъулиятдир. Таълим-тарбия боланинг жисмоний, ақлий иқтидоридан келиб чиққан ҳолда, унинг онги шаклланишига, жамиятда ўз ўрнини топиб кетишига хизмат қилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, боланинг фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, дам олиш ҳуқуқи, илмий-техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи давлат томонидан кафолатланади. Бинобарин, Конституциянинг 64-моддасида давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши, болаларга бағишланган хайрия тадбирларини рағбатлантириши кўрсатиб ўтилган. Ҳозирги кунда, республикамызда жами 19 та меҳрибонлик уйи фаолият кўрсатаётгани, уларда жами 2 232 нафар вояга етмаган тарбияланиб келаётгани⁹ ушбу

талаблар давлатимиз томонидан амалга оширилиб келинаётганидан далolat беради.

Конституцияга мувофиқ ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга (64-модда), вояга етган меҳнатга лаёқатли фарзандлар эса ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга (66-модда) мажбур. Ушбу нормаларнинг амалиётда қўлланишини таъминлаш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47⁵-моддасида вояга етган шахсларнинг меҳнатга лаёқатсиз ва моддий ёрдамга муҳтож ота-онани ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаши, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик, — ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олишга ёки ушбу Кодексга мувофиқ маъмурий қамоқ қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга энг кам иш ҳақининг йигирма баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар у маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш жараёнида алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни ихтиёрий равишда тўлаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади¹⁰. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 123-моддасида вояга етган шахсларнинг меҳнатга лаёқатсиз ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган ота-онани ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаши, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслиги, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, — уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши, агар шахс алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни тўлиқ тўлаган бўлса, жавобгарликдан озод қилиниши белгилаб қўйилган.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, Конституциямизда вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда давлат ва ота-оналардан ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслардан оилада етук, баркамол авлодни шакллантиришда олдиларига бир қанча мажбуриятларни улар вояга етгунга қадар бажаришлари юклатилган. Бу мажбуриятлар қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, болани бошпана, мавсумий кийим-кечак ва етарли озиқ-овқат билан таъминлаш;

иккинчидан, болани ҳаёти ва соғлиғига қарши турли хавф-хатардан ҳимоя қилиш;

учинчидан, болани соғлиғига, шунингдек танасини тўғри ривожланишига эътибор қаратиб, тегишли тартибда тиббий кўриқдан ўтказиб, баркамол ўсиши учун жисмоний тарбия билан мунтазам шуғуллантириб туриш;

тўртинчидан, оилада маънавий муҳитни таъминлаш орқали болада жамиятимизда азалдан ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган (меҳрибонлик, самимийлик, ғамхўрлик, каттага — ҳурмат, кичикка иззатда бўлиш, саломлашиш, дўстлик, меҳмоннавозлик, баҳамжиҳатлик, меҳр-муҳаббат, инсонпар-

варлик каби) урф-одатлар ва ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилиш руҳиятини сингдириб бориш;

бешинчидан, болани доимий равишда умумий таълим мактабларига боришини ҳамда у ерда илм олишига, ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш, ёдлаш сирларини ўрганиб боришини таъминлаш;

олтинчидан, болани доимий равишда қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириб бориш ҳамда ҳунар ўргатиш;

еттинчидан, болани маънавий-ахлоқий тарбиялаш, унда ёт гоёларга қарши иммунитет ҳосил қилиш, Ватанга, миллий ва диний қадриятларга, урф-одат ва маданиятга меҳр-муҳаббат, ор-номус, ғурур, ифтихор каби туйғуларни шакллантиришда кўмаклашиш.

Давлат, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар юқорида санаб ўтилган мажбуриятларни самарали бажариш орқали нафақат вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қиладилар ва оилада етук, баркамол авлод шаклланишига эришадилар, балки ўзларининг келажаклари фаровон бўлишини ҳам таъминлайдилар.

¹ *Мирзиёев Ш.М.* Конституция — эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустақкам пойдеворидир / Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. — 2017. — 8 дек.

² Қаранг: *Раҳманов Р. Н.* Оилада вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш. — Т., 2013. — 46 б.

³ *Исмаилов И.* Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлашнинг асосий йўналишлари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. — 2010. — №4. — Б. 48.

⁴ Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҲПББнинг (2018 йил 1 январь ҳолатига) маълумотлари 2018 й.

⁵ Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҲПББнинг (2017/2018 ўқув йили бошига) маълумотлари 2018 й.

⁶ Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот марказининг (01.01.-31.10.2018 й.) маълумотлари 2018 й.

⁷ Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҲПББнинг (2018 йил 1 январь ҳолатига) маълумотлари 2018 й.

⁸ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон — 3-м.

⁹ Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҲПББнинг (2018 йил 1 январь ҳолатига) маълумотлари 2018 й.

¹⁰ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон — 3-м.

А. Қ. Худойбердиев,

ИИВ Академияси давлат-ҳуқуқий фанлар кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди, доцент

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ ЯРАТИЛИШИДА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИНГ ЎРНИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилишида кенг жамоатчиликнинг иштироки масалалари, шунингдек ижтимоий фикр ҳамда қонунларни оммавий муҳокама қилишнинг роли таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: Конституция, қонун, ҳуқуқий давлат, жамоатчилик фикри, қонунлар муҳокамаси.

Роль общественного мнения в создании Конституции Республики Узбекистан

Аннотация. В статье проанализированы вопросы участия широкой общественности в создании Конституции Республики Узбекистан, роль общественного мнения и публичного обсуждения законов.

Ключевые слова: Конституция, право, правовое государство, общественное мнение, обсуждение законов

The role of public opinion in creation of the Constitution of the Republic of Uzbekistan

Annotation: This article presents a scientific analysis of participation of the public in creation of the Constitution of the Republic of Uzbekistan, as well as public discussions and public opinion and public discussion of laws.

Key words: Constitution, law, legal state, public opinion, discussion of laws

Мана йигирма етти йилдики Ўзбекистонимиз мустақил ва суверен давлат сифатида шаклланиб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаб келмоқда. Ана шу машаққатли ва шарафли йўлда эришган барча ютуқларимизни, аввало, Конституциямиз билан боғлаш мақсадга мувофиқдир. Нега деганда, Асосий қонунимиз халқимиз узоқ йиллар орзу қилган миллий мустақиллигимиз ва ривожланиш йўлимиз, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини белгилаб берди. Юртимизда инсон ҳуқуқлари ва уларнинг эркинлигини таъминлаш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилган.

Унинг асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига назар ташлайлик, «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади». Бунинг натижаси ўлароқ мамлакатда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тўла таъминлашга қаратилмоқда ва жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Конституциянинг 26 йиллигига бағишланган маърузасида таъкидлаганидек, «халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси бўлган Конституциямиз юртимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда»¹.

Демак, қонун ижодкорлиги фаолиятида инсон, жамият ва давлат манфаатларининг уйғунлашуви уларнинг ўзаро алоқадорлиги алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу мезон демократик ҳуқуқий давлат барпо этишда устувор масалалардан биридир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида мустақамлаб қўйилганидек, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.

Давлат идоралари ҳуқуқ ижодкорлигида халқ манфаати ва эҳтиёжларидан келиб чиқади. Шу боис давлатнинг қонун ижодкорлиги кенг жамоатчилик, халқ назорати остида амалга оширилиши давр талабидир.

Бош қонун бўлмиш Конституция жамиятдаги барча ижтимоий муносабатларни тартиб солса, жамоатчилик фикри ана шу муносабат-

ларга таъсир қилади. Жамоатчилик фикри — ижтимоий психологиянинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, шахсга, гуруҳларга, жамоага, уларнинг йўналиши, одатлари, анъаналари, манфаатлари шаклланишига таъсир этади. Ижтимоий фикр интеллектуал, эмоционал ва иродавий компонентларни, турли мушоҳадаларни ўз ичига олади ва одамларнинг ўз эҳтиёжларига дахлдор масалалар ва ҳодисаларга муносабатини ифодалайди. Бу муносабат баҳолаш, истак, маъқуллаш, танқидий қараш, талаб кабилар кўринишида намоён бўлиши мумкин. Ижтимоий фикр ижтимоий ҳодисалар, ҳаёт, меҳнат шароитларини муҳокама қилиш давомида юзага келади².

Мустақил давлатимиз Конституциясининг дунёга келишида унинг лойиҳаси умумхалқ томонидан кенг муҳокама қилиниши ниҳоятда муҳим босқич бўлди. Зеро, Биринчи Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Конституциямизнинг мамлакатимизда янги ҳаёт, янги ҳуқуқий давлат ва адолатли жамият қуришдаги аҳамияти ва моҳияти ҳақида кўп гапириш, кўп фикр юритиш мумкин»³.

Конституциявий комиссиясининг 1992 йил 5 сентябрда бўлиб ўтган мажлисида Конституция лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди. Мазкур Комиссиянинг шу мажлисида қабул қилинган қарорига мувофиқ, Конституция лойиҳаси 1992 йил 26 сентябрда умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди.

Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, бутун халқ оммаси Конституция лойиҳасини улкан қизиқиш ва ифтихор туйғулари билан кутиб олди. Конституция лойиҳаси эълон қилингач, фикрлар, таклиф-мулоҳазалар баён этилган хатлар Конституциявий комиссияга оқиб кела бошлади. Комиссия аъзолари томонидан ёши ва ижтимоий мавқеи, эътиқоди ва фикр-қарашлари, тасавурлари турлича бўлган кишилар нуқтаи назарларини таққослаш борасида ғоят катта таҳлилий иш олиб борилди. Лойиҳадаги ҳар бир сўз ақл ва тафаккур тарозисига солиниб, ҳар томонлама ўлчаниб, бир-бирига қиёсланиб, ўз муносиб ўрнига

қўйишга интилинди. Таъкидлаш жоизки, Комиссияга келган хатлар, таклиф-мулоҳазаларнинг бирортасида лойиҳа тўлиғича инкор этилмади, унинг тузилиши, концепцияси ва йўналишига жиддий эътирозлар бўлмади.

Барча мулоҳаза ва таклифлар самимий мазмунда бўлиб, уларда лойиҳа умуман маъқуллангани ҳолда унинг айрим моддалари ва қоидаларига доир асосли фикрлар баён этилган эди. Конституция лойиҳаси тўғрисидаги мактубларда Республика раҳбарияти, энг аввало Биринчи Президент Ислом Каримов олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни қизғин қўллаб-қувватлаш фикрлари ифодаланган эди. Олимлар ва ёзувчилар, талабалар ва пенсионерлар, ишчи ва деҳқонлар, дин арбоблари ва ҳарбий хизматчилар, ўқитувчилар ва табиблар, аҳоли турли қатламларининг вакиллари, ёши ва мавқеи ҳар хил кишилар ўз хатлари, фикрлари, таклиф ва мулоҳазаларини Конституция комиссиясига йўлладилар⁴.

Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси ниҳоятда кенг кўламли бўлиб, юксак ижодий кўтаринкилик ва ишчанлик кайфиятида ўтди. Муҳокама том маънода кенг меҳнаткашлар оммасининг мислсиз донишмандлиги дорилфунуни бўлди. У жамиятимизда чинакам демократия қарор топишининг ёрқин намоёишидир. Ўз руҳи ва мазмуни жиҳатидан муҳокама давлат ва жамият ҳаётининг ўта муҳим масалалари бўйича бутун халқнинг умумий суҳбатига айланиб кетди. Лойиҳанинг қизғин ҳамда манфаатли муҳокамаси халқимизнинг ўзи мустақил Ўзбекистон Асосий қонунининг бевосита ижодкори бўлганлигини кўрсатади.

Умумхалқ муҳокамаси давомида Конституция лойиҳаси юзасидан жами 6 мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Таклиф ва мулоҳазалар Конституция лойиҳасининг ҳамма моддаларига дахлдор бўлиб, матннинг деярли ярмига тузатишлар қилинди. Лойиҳадаги 127 моддадан 60 тасига тузатиш ва аниқликлар киритилди. Дастлабки вариантдан 4 та модда чиқарилиб, матнга бир неча янги модда киритилди⁵.

Таклиф ва мулоҳазаларнинг аксарияти фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари; шахснинг дахлсизлиги; диннинг жамиятдаги ўрни ва роли; иқтисодий ҳуқуқлар, жумладан, мулк ҳуқуқи; бозор муносабатлари ва тадбиркорликни ривожлантириш; ҳуқуқий тартибот ва қонунийликнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган модда, боб ва бўлимларга тааллуқли бўлди.

Мазкур долзарб масалалар бўйича тушган таклифлар сони 1050 та бўлиб, улар Конституциявий комиссия номига келган таклифларнинг салкам 20 фоизини ташкил этди. Бу рақам VII-XI боблардаги моддаларга оид таклифлар миқдорига нисбатан эса 63,5 фоизини ташкил қилади. Рақамлар ортида маъно ва мазмун борлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Масалан, 25-моддада 165 таклифдан 22 таси, 28-моддада 105 таклифдан 16 таси, 40-моддада 140 таклифдан 13 таси инobatга олиниб, тегишли қоидалар мазмуни мукамаллаштирилди, уларнинг таҳрири тиниқлаштирилди⁶.

Асосий Қомусимиз лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси Ўзбекистон халқининг хоҳиш-истакларини бевосита аниқлаш, шунингдек, муҳокама давомида тўпланган барча ҳужжатларни ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилиб, Конституцияда ифодалаш имконини яратди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов ҳақли равишда Конституцияни «халқчил қомус» деб атаган эди. «Унинг лойиҳаси устида, — деди у, тахминан икки йил давомида ишладик. У икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтди, халқнинг фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилди, сайқал топди»⁷. Конституция халқимизнинг сиёсий онги ва тафаккурининг натижаси бўлди.

Буюк соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари ўзларининг «Тузуқлар»ида: «Нимаики муҳим иш қилсам, аввал машварат ўтказдим, маслаҳатлашдим», — деб лутф қилган эдилар. Хоҳ ҳарбий соҳада бўлсин, хоҳ давлатчиликнинг арконларини йўлида бўлсин, соҳибқироннинг барча тадбирлари изчил муваффақият қозонганлигининг,

Амир Темур салтанати қудратининг бош сабаби, аҳтимол, ана шунда — ҳар бир муҳим ишнинг халқ билан бамаслаҳат қилинганида эди. Қолаверса, халқ ҳокимияти ҳисобланган демократиянинг бош қонидаси ҳам шу — халқни унинг иродасига кўра бошқармоқдир.

Парламентимиз томонидан қабул қилинган бир қанча қонунларнинг лойиҳалари аввал умумхалқ муҳокамасидан ўтказилиб, билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида қабул қилинади. «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги қонунда қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасининг мақсади ва тартиби белгилаб қўйилган.

Халқдан келадиган турли фикрларнинг ҳисобга олинишига ва сиёсатимизнинг адолатни таъминлашига хизмат қиладиган жараён сифатида қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси ҳурфикрликка ҳам йўл очади. Қонун халқ томонидан мансабдор шахсларнинг ҳаракатини чеклаш учун юқоридан белгилайдиган чегара эмас, аксинча, халқ манфаатларини ҳимоя қиладиган, одамларнинг ўзлари иштирокида ишлаб чиқиладиган меъёр сифатида ўрнатилмоқда. Яъни қонунга — тор идоравий қоғозбозлик меваси эмас, балки халқ ижодкорлигининг маҳсули сифатида қараш шаклланимоқда ва бу жуда ҳаётбахш ҳодисадир.

Қонунларнинг умумхалқ муҳокамаси уларнинг бажарилишига ҳам бевосита таъсир қилади. Ахир, одамлар ўз иродаларини ифода этиб, ўз хоҳиш-истаклари асосида чиқарилган қонунларни осон қабул қиладилар, бажонидил ижро этадилар. Ундан ташқари, қонунларнинг умумхалқ муҳокамаси одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қилади. Сир эмас, ҳуқуқий давлат барпо этиш учун фуқароларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш энг муҳим масала бўлиб келмоқда. Қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси ўтказилар экан, бир томондан, қонун лойиҳаси мукамаллашади, иккинчи томондан, муҳокамада қатнашадиган фуқароларнинг ҳуқуқий билимлари, демократик жараёнга кўникмаси ошади.

Бундан кўриниб турибдики, фуқароларнинг давлат аҳамиятига молик ҳуқуқий актлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишда бевосита иштироки норма ижодкорлиги жараёнининг демократизми далолати бўлиб, қуйидагиларга имкон беради:

– фуқароларнинг хоҳиш-иродаси ва манфаатларини, қонун ҳужжати лойиҳасини ўзгартириш ва яхшилаш борасидаги фикрларини умумлаштириш ҳамда ҳисобга олиш;

– норматив актлар лойиҳаларини ифода-лашдаги турли заиф томонлар, хатоларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бар-тараф қилиш ҳамда ҳар томонлама асосланган самарали ҳуқуқий актлар қабул қилиш;

– ижтимоий ривожланишга тўсқинлик қилаётган, эскирган актларни ўзгартириш ёки бекор қилиш масаласини ўз вақтида қўйиш;

– зудлик билан ҳуқуқий тартибга солишни талаб қиладиган ижтимоий эҳтиёжларни аниқлаш;

– янги, такомиллашган қарорлар ишлаб чиқиш;

– жамоатчилик вакилларининг сиёсий фаоллигини оширишга, уларнинг ҳуқуқий актлар кўрсатмаларини яхшироқ англашларига, уларга риоя қилишлари ва ҳуқуқий нормалар талабларини бажаришларига кўмаклашиш ва ҳ.к.

Қонунчилик жараёнининг бу демократизми ўз-ўзидан рўй бермайди, балки бунга ижтимоий фикрни ҳисобга олиш орқали эришилади. Унинг янада кўпроқ самара бериши учун эса, назаримизда, қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

– қонун чиқарувчининг жамоатчилик билан алоқаларини янада ривожлантириш;

– тўғридан-тўғри демократиянинг турли шаклларида самарали фойдаланиш;

– ҳуқуқий актлар лойиҳаларини жамоатчилик орасида, меҳнат жамоаларида, аҳоли яшаш жойларида олдиндан муҳокама қилиб олиш;

– матбуотда ҳуқуқий актлар ва уларга шарҳлар эълон қилиш, шунингдек, актлар лойиҳаларини муҳокама қилиш, уларга зарур таклифлар киритишда иштирок этишни сўраб аҳолига мурожаат қилиш амалиёти-ни кенг жорий этиш.

Бу фикрга қўшилган ҳолда жамиятни демократлаштириш ва қонунчилик жараёни-да ижтимоий фикрдан фойдаланиш самара-дорлигини ошириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

– ижтимоий фикрни ўрганиш методика-сини такомиллаштириш;

– фуқароларнинг қонун ҳужжатлари лойиҳалари тўғрисидаги таклиф ва фикр-ларига кўпроқ эътибор бериш, қонун ҳуж-жатлари ишлаб чиқишда уларни ўз вақтида кўриб чиқиш, умумлаштириш ва махсус ҳисобини юритиш;

– аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш. Бу кенг жамоатчиликнинг ҳуқуқ ижодкорлигида масаланинг моҳиятини билган ҳолда иштирок этишини таъмин-лашга хизмат қилади;

– ижтимоий фикр натижаларидан ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишда фойдаланишнинг юридик кафолатлари ва имкониятларини кенгайтириш.

¹ Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Билимли авлод – буюк келажакнинг, талбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолати» номли маърузаси. // Халқ сўзи. – 2018. – 8 дек.

² Юридический словарь / Авт. сост. А. Ф. Никитин – М., 2005. – С. 323.

³ Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. –Т., 2003. – Б.10.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. – Т., 2001. – Б. 20.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий комиссиясининг 49/56-сонли қарори // Халқ сўзи. – 1992. – 8 дек.

⁶ Одилқориев Ҳ.Т. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. – Т., 1995. – Б. 127.

⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон – келажак буюк давлат. – Т., 1992. – Б. 37.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ИШТИРОКИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми ва сиёсий партияларнинг Президент сайловидаги иштироки кўриб чиқилган бўлиб, мазкур фаолият билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга оид тавсиялар таклиф этилган.

Таянч сўзлар: Конституция, қонун, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, сайлов, Марказий сайлов комиссияси, сиёсий партия.

Конституционно-правовые основы участия политических партий в выборах Президента Республики Узбекистан

Аннотация. В статье рассматриваются конституционно-правовой статус Президента Республики Узбекистан и участие политических партий в выборах Президента. Предложены рекомендации по совершенствованию законодательных актов, связанных с этой деятельностью.

Ключевые слова: Конституция, закон, Олий Мажлис Республики Узбекистан, выборы Президента Республики Узбекистан, Центральная избирательная комиссия, политическая партия.

Constitutional-legal basis of Participation of political parties in the election of the President of the Republic of Uzbekistan

Annotation. The article deals with the legal status of the President of the Republic of Uzbekistan and participation of political parties in Presidential elections. The author worked out proposals and recommendations on improvement of legislative acts in this sphere.

Keywords: Constitution, law, Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, Presidential election of the Republic of Uzbekistan, central election commission, political party.

Бугун мамлакатимизда демократик ривожланишнинг янги бир босқичига ўтиш жараёни юз бермоқда. Демократик сайловлар, кўппартиявийликнинг мустаҳкамланиши, фуқаролик жамияти институтлари фаолият доирасининг тобора кенгайиб бориши, парламентдаги партиялар фракцияларининг ижро ҳокимиятини шакллантиришдаги иштирокининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиши — буларнинг ҳаммаси ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги собит қадамлардир¹.

Демократик ҳуқуқий давлатда давлат бошлигининг мақоми конституция ва бошқа қонунлар билан аниқ белгилаб қўйилади. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий мақоми, вазифа ва

ваколатларини белгилаб қўювчи конституциявий нормалар ҳуқуқий тизимимизда етарлича мустаҳкамланган². Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунда белгиланган бўлиб, ушбу қонунда кўрсатилган нормалар асосида амалга оширилади.

Қонунчилик ҳужжатларига киритилган ўзгаришларга мувофиқ, сиёсий партиялар президентликка номзод кўрсатувчи ягона субъект ҳисобланади.

Сиёсий партияларнинг давлат бошлиғини сайлашда иштироки масаласини кўриб чиқишдан аввал вакиллик органи сифатида мамлакат Президентининг мақоми қисқача таҳлил қилиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Асосий қонунининг 76-моддасида олий давлат вакиллик органи Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси эканлиги белгиланган. Бу ўринда ҳаммаси тушунарли — Конституцияда парламент вакиллик органи деб тўғридан-тўғри аталган ва шу боис унинг вакиллик хусусиятига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Аммо шундай савол туғилади: мамлакат Президентини вакиллик органларига киритишимиз мумкинми? Бизнинг фикримизча, унинг мақоми ва давлат ҳокимияти тизимидаги ролидан келиб чиқиб, киритсак бўлади. Буни қўйидаги маълумотлар билан изоҳлаймиз.

Мамлакат Конституциясининг 10-моддасига мувофиқ, «Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин». Мазкур ваколат, назаримизда, мамлакат Президентининг вакиллик хусусиятини тасдиқловчи асосий белгидир. Бундан ташқари, Конституцияда мустақамланган ва давлат бошлиғини вакиллик органи деб аташ мумкинлигини кўрсатувчи бошқа белгиларни ҳам қайд этиш лозим: а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг (парламент қўйи палатаси каби) умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида сайланиши (Конституциянинг 90-моддаси), бу эса унинг *бутун халқ томонидан* қонуний (легитим) *сайланганлигини* билдиради; б) давлат бошлиғи Ўзбекистон Республикаси *номидан* мамлакат ичида ва халқаро муносабатларда иштирок этади (Конституциянинг 93-моддаси), демак у вакиллик функцияларини бажаради.

Маълумки, «вакиллик сайланган ҳокимият органининг ҳам, алоҳида хизматчининг ҳам ишига хос бўлган ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат сифат хусусиятидир»³. Шунинг учун ҳам Е.С. Лапатухина вакиллик ҳокимияти органлари тизимида парламент ва маҳаллий ҳокимият органлари билан бир қаторда, мамлакат президентини ҳам асосли равишда аниқ киритган⁴. Ш.А. Аббосхўжаев ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг вакиллик функцияси мазмунини давлат раҳбари сифатида халқ

номидан иш олиб бориш фаолияти ташкил этишини таъкидлаган⁵.

Биз ҳам мамлакатимизда президентлик институтининг вакиллик хусусияти ҳақида сўз юритиш асосли деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистон Республикаси Президентига умумхалқ сайлови натижасида олий ҳокимият ваколатлари берилиши, Президентнинг ўз мандатини бутун мамлакат сайловчиларидан олиши унинг ҳокимияти вакиллик хусусиятига эгаллигини, халқ суверенитетидан келиб чиқишини билдиради. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг лавозими вакиллик органларига киради, деб таъкидлаш учун барча асослар бор. Юқорида баён этилганлар давлат бошлиғининг сайланиш (шаклланиш) жараёнига Ўзбекистон президентлик институтининг фаолияти доирасида қараш имконини беради.

Ҳозирги шароитда давлат ҳокимияти тизимининг сиёсий партиялар фаоллиги ва таъсирига, уларнинг сайловдаги иштирокига боғлиқлиги кузатилмоқда. К. Джанда бу хусусда сўз юритар экан, сиёсий партиялар ўз ишончли вакилларини давлат лавозимларига ўтқизиш мақсадини кўзлайдиган сиёсий ташкилотлар ҳисобланишини қайд этади⁶.

Бугун сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикасида сайловга доир муносабатларнинг асосий субъектига айланди, зеро уларга сайлаб қўйиладиган давлат лавозимларига, шу жумладан мамлакат президенти лавозимига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи берилган. Сиёсий партия ўз аъзолари олдида бажарадиган асосий вазифа сайлов жараёнида иштирок этиш бўлиб, бу ижтимоий-сиёсий ҳаётда сиёсий партиялар ролини мустақамлашга, давлат органларини шакллантириш жараёнларига уларнинг таъсирини кучайтиришга ва айни вақтда жамият олдида уларнинг масъулиятини оширишга кўмаклашади.

Президентлик институтининг моҳиятини тушуниш учун унинг мазмунини ифодаловчи асосий жиҳатларни тавсифлаш муҳим. М.М. Миракулов президентлик институтини, авваламбор, ижтимоий институт сифатида; иккинчидан, ҳуқуқ тармоғининг таркибий

қисмини ташкил қилувчи, бир хил тартибдаги муайян гуруҳдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари йиғиндиси — ҳуқуқ институти сифатида ўрганиш лозимлигини таъкидлайди⁷.

Б.П. Елисеев эса мазкур институтнинг қўйидаги жиҳатларни қайд этади:

— президент сайлаб қўйиладиган давлат бошлиғи ҳисобланади, у ҳокимият бўлиниши тизимида ўзига хос ҳакам бўлиши мумкин;

— ташкилий жиҳатдан президент ҳеч кимга бўйсунмайди, бошқа ҳар қандай давлат органларидан ўта мустақиллиги билан ажралиб туради, аммо унинг бу мавқеи қонунларга мувофиқ ва уларни ижро этиш учун ҳаракат қилиш мажбуриятларини зиммасидан соқит этмайди;

— президент лавозими амалда бўртиб намоён бўладиган сиёсий хусусият касб этади. У давлат сиёсатини, давлат ишларига олий сиёсий раҳбарликни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди⁸.

Ҳозирги вақтда жаҳон амалиётида президентликка сайловнинг иккита (тўғридан-тўғри ва билвосита) асосий тури мавжуд. Тўғридан-тўғри сайлов умумхалқ сайлови кўринишида ёки референдум шаклида ўтказилиши мумкин. Билвосита сайловнинг уч усули бор: 1) парламент томонидан сайлаш; 2) парламент ҳамда минтақалар, турли ижтимоий-сиёсий кучларнинг вакиллари томонидан сайлаш; 3) сайловчилар ҳайъати томонидан сайлаш⁹. Бунда президентни сайлаш усули ва бошқарув шакли ўртасида муайян боғланиш кузатилади.

Албатта, кенг ваколатларга эга бўлган президент ўз мандатини бевосита халқдан ёки бунинг учун халқ томонидан махсус сайланган сайловчилардан олгани маъқул¹⁰. Шу сабабли Ўзбекистонда президентлик институтининг тарихий ривожланиш жараёни мазкур институт давлатчилик тизимида уни халқ ҳокимиятини ифодалашнинг олий шакли, яъни умумхалқ эркин сайлови орқали қонунлаштириш йўли билан киритилганидан далолат беради.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунда давлат бошлиғи сайловини ўтказиш тартиби ва

таомиллари, шу жумладан мазкур жараёнда сиёсий партияларнинг иштирок этиши масалалари анча муфассал тартибга солинган. Авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддати тугашидан камида уч ой олдин Марказий сайлов комиссияси томонидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Илгари Ўзбекистон Республикаси президентлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига бир нечта субъект эга бўлган бўлса, ҳозирги вақтда бундай ҳуқуққа фақат сиёсий партиялар эга.

Мамлакат президентлигига номзодлар кўрсатиш сиёсий партиянинг юқори органи томонидан амалга оширилади, бунда сиёсий партиядан битта номзод кўрсатилиши мумкин. Номзодни танлаш ва белгилаш тартибини қонун бевосита партиялар ихтиёрига ҳавола этади — бу жараённи уларнинг ўзи тартибга солади.

Марказий сайлов комиссиясига бериладиган Ўзбекистон Республикаси президентлигига номзодни рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза сиёсий партия раҳбари томонидан имзоланади ва унга сиёсий партия юқори органининг номзодни кўрсатиш тўғрисидаги қарори, сиёсий партия юқори органи мажлисининг номзодни кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси ва номзоднинг ўз номзоди овозга қўйилишига розилиги ҳақидаги аризаси илова қилинади.

Аммо бу ерда энг муҳим ҳужжат кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватлаш учун имзо варақалари ҳисобланади. Гап шундаки, қонунга мувофиқ сиёсий партия томонидан тақдим этилган имзо варақалари Ўзбекистон Республикаси жами сайловчиларининг умумий сони камида бир¹¹ фоизининг, камида саккизта маъмурий-ҳудудий тузилма намояндаси бўлган сайловчиларнинг имзосини қамраб олган бўлиши керак. Бунда маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сиёсий партия имзолар умумий миқдорининг кўпи билан саккиз фоизини тўплаши мумкин.

Қонунда имзо варақаларига имзо чеккан кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи сайловчилар сонига нисбатан уларнинг умумий миқдори фоизи қонунда кўрсатилгани, бизнинг назаримизда, асосли сабабларга эга эмас ва муайян ҳолларда партиялар номзодлар кўрсатиш ҳуқуқини амалга оширишига халал бериши мумкин. Хусусан, имзоларнинг зарурий миқдори белгиланган ҳолда, сайловчиларнинг аниқ миқдори хусусида саволлар туғилиши мумкин: керакли рақамли маълумотларни ким беради? сайловчилар миқдори қайси санада аниқланади? (сайлов тайинланган санада, имзоларни йиғиш бошланган ёки имзо варақалари Марказий сайлов комиссиясига топширилган санада) ва бошқалар. Бизнингча, бу ерда бошқача ёндашув қўлланилса, яъни «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунининг 24²-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш тартиби) тўққизинчи қисмидаги «бир фоиз» сайловчилар имзосини ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунининг 20-моддаси (Депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи) иккинчи ва тўртинчи қисмларидаги «қирқ минг» имзонинг энг кам миқдори камайтирилиб, «йигирма минг» сайловчининг имзоси сифатида бир хил қилиб белгиланса, номзодни қўллаб-қувватлаш учун имзолар йиғиш жараёни сезиларли даражада соддалашган, янада очиқ тус олган бўларди.

Турли даражадаги депутатларни ва давлат бошлиғини сайлаш тартиб-таомилларида мавжуд мувофиқлик ва умумий алгоритмни ҳисобга олиб, биз коллизияларга чек қўйиш, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва тартибга келтириш мақсадида, келажакда сайловнинг барча турлари учун мажбурий бўлган асосий қоидаларни мустаҳкамлайдиган Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри

сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади¹². 2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакат сайлов қонунчилигини қўллашда яна бир синов бўлди. Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан келган баён-номаларга асосан сайловда 17 951 667 фуқаро иштирок этганини аниқлади. Бу рўйхатга киритилган сайловчилар умумий сонининг 87,73 фоизини ташкил этади¹³. Сайловни кузатиш учун дунёдаги 5 та нуфузли халқаро ташкилот ҳамда 46 та давлатдан 600 нафарга яқин кузатувчи қатнашди¹⁴.

Марказий сайлов комиссияси сайтнинг маълумотларига кўра сайлов жараёнида деярли қонунбузарликлар кузатилмаган. Лекин аввалги сайловларда бўлиб ўтган оилавий овоз беришлар, бир неча сайловчи ўрнига бир кишининг овоз бериши каби ҳолатлар такрорланмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Шу сабабли ҳам сайлов қонунчилигининг бузилишига йўл қўймаслик мақсадида, биз мавжуд сайлов бюллетени ўрнига сайловчининг шахсий рақами акс эттирилган электрон карталар (шахсий электрон карталар ёки ID-карта) воситасида овоз бериш тартибини ва Интернет орқали овоз бериш тизимини жорий этишни таклиф қиламиз. Бундай овоз бериш усули сайловда овоз беришнинг ягона электрон тизимини яратишни талаб қилади. Мазкур тизим Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида яшайдиган сайловчиларнинг шахсий маълумотлари базасини, шунингдек фуқароларнинг овоз бериш жараёнини амалга ошириш учун дастурий ва техник таъминотни ўз ичига олади.

Сайловда Интернет орқали овоз бериш гоёси Эстонияда 2001 йили пайдо бўлган ва 2005 йил октябрда маҳаллий ҳокимият органларига ҳамда 2007 йилда парламентга ўтказилган сайловларда ушбу тизимдан муваффақиятли фойдаланилган. Ўтказилган илк сайловда 2005 йили 9317 та (3,89%) электрон овоз, 2007 йили 30275 та ҳамда 2015 йили парламентга ўтказилган сайловда 176329 та (30,5%) электрон овоз Интернет орқали берилган¹⁵. Россия Федерациясида

2012 йилда ўтказилган Президентлик сайловида 337 та сайлов участкаларида электрон овоз бериш амалга оширилган. Ушбу тизимдан ҳозирги кунда АҚШ, Буюк Британия, Ирландия давлатлари фойдаланиб келмоқда¹⁶.

Шахсий рақам акс эттирилган карта бир марта, яъни фуқаро 18 ёшга тулганида бир умрга берилиши лозим. Мазкур картага эга сайловчи унинг ёрдамида республиканинг исталган сайлов участкасида овоз бериши мумкин. Бунда овоз бериш натижаларини сохталаштириш хавфи минимал даражагача камаяди, чунки карта билан овоз бериш натижаси маълумотлар электрон базасида қайд этилади ва шу карта билан қайта овоз бериш натижаси ҳисобга олинмайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 апрелдаги «Инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ва идоравий ахборот тизимларини жадал интеграциялашувининг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги

ПҚ-3673-сон қарорига мувофиқ мамлакат ичкарасида идентификациялаш карта тизими (ID-карта) орқали ҳар бир фуқарони ягона идентификация рақамига ўтказиш, шахсий маълумотлар ва давлат хизматларини бажаришда унинг шахсини аниқлаш кўзда тутилган. Шу сабабли мазкур ID-карталардан сайлов жараёнида фойдаланишни кўзда тутиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Шундай қилиб, Президент сайловига халқ ҳокимиятчилигининг энг олий ифодаси ва конституциявий тузумнинг муҳим асосларидан бири, оммавий ҳокимият энг юқори органини шакллантириш механизми сифатида ҳам, давлатни демократик ташкил этишнинг зарурий элементи сифатида ҳам ёндашишимиз мумкин. Мамлакат Президенти сайлови давлат бошлиғи лавозимини сайловчилар ўз хоҳиш-иродасини тўғридан-тўғри билдириши воситасида конституциявий йўл билан эгаллашнинг демократик шаклидир.

¹ *Нажимов М.К.* Жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари // Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш: Илмий-амалий конф. мат.-ри. – Т., 2018. – Б. 99.

² *Аббосхўжаев Ш.А.* Демократик давлат қуриш шароитида президентлик институтининг ҳуқуқий асослари. Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2008. – Б. 12.

³ *Маркунин Р.С.* Юридическая ответственность депутатов и органов представительной власти: общетеоретический аспект: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Саратов, 2013. – С. 8.

⁴ *Лапатухина Е.С.* Контрольные функции органов представительной власти: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2009. – С. 6.

⁵ *Аббосхўжаев Ш.А.* Демократик давлат қуриш шароитида президентлик институтининг ҳуқуқий асослари. Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2008. – Б. 15.

⁶ Қаранг: *Janda K.* Political Parties: a cross-national survey. New York: The free press, 1980. – [Электронный документ] URL: <http://janda.org/ICPP/ICPP1980/index.htm> (мурожаат санаси: 1.04.2015)

⁷ *Миракулов М.М.* Давлат ҳокимияти тизимида президентлик институти: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил. Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2012. – Б. 11.

⁸ Қаранг: *Елисеев Б.П.* Нормативно-методическое обеспечение деятельности государственного органа (на примере Администрации Президента РФ). – М., 1997. – С. 27.

⁹ Қаранг: *Сахаров Н.А.* Институт президентства в современном мире. – М., 1994. – С. 33.

¹⁰ Қаранг: *Султанов А.Ш.* Конституционно-правовой статус Президентов Азербайджанской Республики и Российской Федерации (опыт сравнительного исследования): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2002. – С. 7-8.

¹¹ Изоҳ: Сиёсий партия номзодни қўллаб-қувватлаш учун сайловчиларнинг имзоларини йиғиш ҳуқуқига фақат партиянинг ваколатли вакили рўйхатга олинганлик гувоҳномасини олганидан кейингина эга бўлади, чунки мазкур санага қадар йиғилган имзолар ҳисобга олинмайди.

¹² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2014. – 44 б.

¹³ Халқ сўзи. – 2016. – 10 дек.

¹⁴ *Мирзиёев Ш.М.* Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т., 2017. – Б. 6.

¹⁵ <https://ru.m.wikipedia.org>

¹⁶ <https://ru.m.wikipedia.org>

М. А. Амонова,

Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманидаги 121-сонли мактаб ўқитувчиси

ЁШЛАР ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА КОНСТИТУЦИЯНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Аннотация. Мазкур мақолада муаллиф Конституция нормаларини ёшлар онгига етказиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий таълим тизимини такомиллаштириш масалалари борасида фикр юритиб, ўзининг илмий таклиф ва хулосаларини илгари сурган.

Таянч сўзлар: Конституция, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий таълим, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий тафаккур.

Роль и значение Конституции в совершенствовании правовой культуры молодёжи

Аннотация. В статье автор размышляет о правовом воспитании молодёжи в духе соблюдения норм Конституции, а также развития правовой культуры молодёжи, выдвигает свои научные предложения и заключения по совершенствованию системы правового образования.

Ключевые слова: Конституция, правовая культура, правовое воспитание, правовое образование, правовое сознание, правовое мышление.

Role and significance of the Constitution in improvement of legal culture of the youth

Annotation. The article deals with the teaching the norms of the Constitution to the youth, development of legal culture of the youth. The author elaborates conclusions and recommendations on improvement the legal educational system.

Keywords: Constitution, legal culture, legal bringing up, legal education, legal consciousness, legal mind.

Бугунги кунда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас. Чунки юртимизни юксак ривожланган давлатлар қаторига қўшиш мақсадида амалга ошираётган кенг кўламли ислохотларимиз самараси кўп жиҳатдан билимли, ҳуқуқий тафаккури юксак, интилувчан ёшларга боғлиқ.

Ёшлар ҳуқуқий тафаккурини юксалтиришда, энг аввало, Бош қомусимизнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, мазмун-

моҳиятини келажак авлод онгига сингдириш ва шу орқали уларни Конституцияга, қонунларимизга юксак ҳурмат руҳида тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, республикаимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолати» номли маърузасида таъкидлаганидек, «...биринчи навбатда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарбияни кенг йўлга қўйишимиз лозим. Оддий қилиб айтганда, фарзандларимизга болалик пайтидан «яхши» ва «ёмон», «мумкин» ва «мумкин эмас» деган тушунчалар ўртасидаги фарқни ўргатишимиз,

ўзимиз эса уларга доим шахсий намуна бўлишимиз керак... Бош қомусимизнинг ҳар бир моддаси биз учун дастуриламалга, ҳаётимиз қоидасига айланиши зарур. Бунинг учун Асосий қонунимизни умумтаълим мактабларида, олий ўқув юртларида, маҳалла ва меҳнат жамоаларида тизимли равишда ўрганиш бўйича аниқ чоратadbирларни ишлаб чиқишимиз керак»¹.

Дарҳақиқат, Асосий қонунимизда белгиланган нормаларнинг ҳаётда амалий ифодасини топишида ўсиб келаётган ёш авлоднинг Конституция ва унинг асосида қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида кенг ҳуқуқий билимга эгаллиги, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти юксаклиги муҳим роль ўйнайди. Албатта, ҳуқуқий билимга эга бўлишнинг ўзи етарли эмас, айна вақтда ёшларда эгаллаган билимларини ҳаётда қўллаш маданиятини ҳам тарбиялаб бориш лозим. Чунки, ҳуқуқий билим ва уни амалда қўллаш маданияти фуқароларимизнинг ҳуқуқий-маънавий қиёфасини кўрсатувчи мезондир².

Ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ҳуқуқий таълим-тарбиянинг ўрни беқиёсдир. Ҳуқуқий тарбия алоҳида жараён бўлиб, инсон ҳаётининг муайян босқичида амалга оширилиши мумкин. Тарбиянинг муайян вақт давомида амалга оширилмаслиги кейинги босқичларда ушбу жараённи қийинлаштиради. Бу, энг аввало, инсоннинг ёш хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, унинг ўқиб ўрганиш, тарбия шаклидаги ташқи таъсирларга бўлган қобилятининг пасайиши билан изоҳланади.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, инсон 30 ёшга қадар зарур тарбияга, шу жумладан ҳуқуқий тарбияга эга бўлмаса, ҳаётининг кейинги даврида жамият ундан талаб қиладиган йўналишда қайта тарбиялашга таъсирчанлиги камаёди, шаклланиб бўлган фикр, эътиқод ва дунёқарашни ўзгартириш мушкул вазифага айланади. Аксинча, 30 ёшга қадар мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юрт-

ларида таҳсил олаётган шахслар орасида эса ҳуқуқни тўғри тушуниш, унга амал қилиш ҳисси кўпроқ ривожланган бўлади. Улар жамиятдаги ўзгаришлар, жумладан, ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришларга тезроқ кўникма ҳосил қиладилар, қонунчиликдаги ўзгаришларни англаб борадилар. Мамлакатимизда 18 ёшгача бўлганлар аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 64 фоизини ташкил этишини инобатга олсак, ёшларнинг ҳуқуқий таълим-тарбиясини фаолиятимизнинг бош йўналиши сифатида белгилаш зарурлиги маълум бўлади.

Давлат таълим стандартларига мувофиқ, таълимнинг барча босқичларида ўқувчи ва талаба ёшларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўйича дарс машғулоти ўқитилади. Бу, аввало, мактабгача таълим муассасасида бошланиб, тарбияланувчиларга Ўзбекистон Конституцияси ҳақида илк тушунчалар ўргатилади. Умумий ўрта таълим мактабларида эса (2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Президент фармойиши асосида) 1–4-синфларида «Конституция алифбоси», синфлар кесимида 10 соатлик мавзуларда ўқувчиларга илк ҳуқуқий тушунчалар оддий ҳаётий мисоллар асосида етказиб берилиши режалаштирилган. 1–4-синфларда ҳуқуқий билим беришда уларнинг ёш хусусиятидан келиб чиқиб, *қоида*, *қонун*, *бурч*, *вазифа* каби оддий тушунчалар фанлар ва машғулотлар мазмунига сингдирилади. «Конституция алифбоси» ўқув курси атрофимиздаги олам, мусиқа, ўқиш, одобнома, йўл ҳаракати қоидалари, табиат, расм каби фанлар мазмунига сингдириб ўқитилади.

Масалан, ўқувчилар «Мусиқа» дарсида Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясини куйлашни ўрганишса, «Ўқиш» дарсида мадҳиянинг матнини ёд оладилар, «Одобнома» дарсида Давлат мадҳиясини куйланаётганда одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш лозимлиги ҳақидаги маълумотга эга бўла-

дилар; расм дарсида эса Мадҳиямиз билан боғлиқ расмлар чизадилар. Бу эса бошланғич синфларда интеграцион ёндашувни ташкил этади.

5–7-синфларда «Конституция оламига саёҳат» ўқув курси синфлар кесимида 17 соат, жами 51 соатлик мавзулар орқали юқорида айтиб ўтилган мазмун мураккаб-лашиб, ҳаётий мисоллар билан, «Давлат ва шахснинг ўзаро муносабати», «Шахсий мустақиллик», «Барчанинг қонун олдида тенглиги», «Сўз эркинлиги», «Ахборот олиш кафолатлари», «Вояга етмаган фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари», «Ўсмир ва қонун» сингари мавзулар орқали ёритилади.

8-синфда «Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқ асослари», 9-синфда «Конституциявий ҳуқуқ асослари» 34 соатдан жами 68 соат (10–11-синфларда «Ҳуқуқшунослик» синфлар кесимида 34 соат, жами 68 соатлик) дастур асосида ўқувчиларда давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий тараққиёти йўналишларига мос даражадаги билимлар тизимини шакллантириш, ижодий фикрлай оладиган, ҳаётий муаммоларга мустақил равишда тўғри муносабат билдира оладиган, билимли ва ҳуқуқий маданияти юксак фуқарони шакллантиришга қаратилган. Ҳуқуқий таълимнинг кейинги босқичларида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим ва мактабдан ташқари таълим тизимида давом эттирилади.

Шу асосда ўрта мактаб, лицей ва коллежлар учун — «Конституция ҳақида суҳбат», «Конституция: савол ва жавобларда», «Конституциядан сабоқлар», «Конституция тасвир ва чизгиларда», «Конституцияни ўрганиш курси» каби қатор дарслик ва қўлланмалар; олий ўқув юртларида таҳсил олувчилар учун — конституциявий ҳуқуқ бўйича ўнга яқин дарсликлар, «Конституциявий ҳуқуқ: энциклопедик луғат»; «Конституциявий ҳуқуқ: таъриф ва чизмаларда» каби қўлланмалар, «Ўзбекистон

Республикаси Конституциясига шарҳ» китоблари ва бошқа кўплаб ўқув ҳамда амалий-интерактив адабиётлар нашр этилди. Шунингдек, Конституцияни ҳаётимизга жорий этиш, амалиётда қўллаш, турфа жиҳатларини ўрганиш ва талқин этишга оид юзлаб илмий-амалий тўпламлар, илмий ва оммабоп рисоалар ҳамда мақолалар чоп этилиб келмоқда.

Ўқувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари ҳақидаги билимини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини оширишда халқ таълими тизимида ҳар йили 10 ноябрдан 10 декабргача ташкил этиладиган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — инсон ҳуқуқларининг кафолати» мавзуидаги, 1 декабрдан 1 февралгача — «Ҳуқуқий билимлар ойлиги», умумтаълим муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган «Конституция бахтимиз пойдевори», «Президент асарларини ўрганамиз» каби анъанавий тадбирлар муҳим ўрин тутди.

Бу саъй-ҳаракатлар ўсиб келаётган ёш авлоднинг мамлакатимиз қонунчилиги ҳақидаги билими ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларни жамиятнинг Конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаган фаол аъзолари сифатида тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Шу ўринда ёшларнинг ҳуқуқий таълим-тарбиясини такомиллаштириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, Конституция ҳақидаги билимларини ошириш учун куйидаги чора-тадбирларни тақдир этишимиз:

биринчидан, Ўзбекистон халқларининг тарбия соҳасида тўпланган кўп асрлик тажрибасидан ёшларга таълим бериш жараёнида унумли фойдаланиш;

иккинчидан, ҳуқуқий тарбияни тизимли, кенг қамровли олиб боришда оила, боғча, мактаб, коллеж, лицей, олий ўқув юртлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотларининг

имкониятларидан самарали фойдаланиш;

учинчидан, ёшлар жамиятимизнинг келажаги эканлигини ёдда тутган ҳолда, халқимизда азалдан ҳукм суриб келган «бир болага етти қўшни ота-она» деган принципга оғишмай амал қилинишига эришишни тарғиб этиш;

тўртинчидан, таълим муассасаларида кадрлар етишмаслиги жиддий муаммо бўлиб турганлигини эътиборга олган ҳолда юқори малакали ҳуқуқшунос педагог кадрлар тайёрлашни устувор вазифа сифатида белгилаш;

бешинчидан, мактабгача таълим муассасалари, ўрта ва ўрта махсус, олий ўқув юртлари учун ҳуқуқий адабиётларнинг янги авлодини тайёрлаш, бунда адабиётларнинг матни, кўриниши, машқ ва масалаларнинг берилишини замонавий ўқувчининг хоҳишига, диди, материалларни қабул қилиш қобилияти ва замонавий усуллар асосида яратилишига алоҳида эътибор бериш;

олтинчидан, ёшларнинг Конституцияни ўрганишига салмоқли ҳисса қўшиши мумкин бўлган тадбирлардан бири сифатида мактабларнинг юқори синф ўқувчилари, лицей ва

коллеж ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлари талабалари орасида Конституция мавзусига бағишланган энг яхши реферат, мақола ва рисолалар танловини ташкил этиш;

еттинчидан, ўқувчи-ёшлар ўртасида Конституция ва амалдаги қонунчилик бўйича бир неча босқичли республика олимпиадалари ўтказиш, радио ва телевикториналар, тест синовлари, мунозара клублари ташкил этиш, шунингдек Асосий қонунимизнинг мазмун-моҳиятини, унинг моддалари ҳаётга татбиқ этилиши натижасида эришилган ютуқларни ифодаловчи мультимедиа дастурлари тайёрлаб, кенг омма ўртасида тарғиб этиш.

Шундай қилиб, Конституциянинг моҳияти, ғоялари, принцип ва қоидаларини етишиб келаётган ёш авлод ҳуқуқий тафаккурига сингдириш ҳамда маданиятимизнинг таркибий қисмига айлантириш, шубҳасиз, юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга пухта замин яратади. Зеро, бундай давлатчилик ва жамиятни қарор топтириш, унинг сиёсий-ҳуқуқий мафкурасини ижтимоий онгимизга сингдиришдан бошланади.

¹ Халқ сўзи. — 2018. — 8 дек.

² *Одилқориев Х.Т.* Конституция ва баркамол жамият орзуси. — Т., 2012. — Б. 499.

А. А. Отажонов,

*ИИВ Академияси бошлигининг ўринбосари,
юрidik фанлар доктори, доцент*

КОРРУПЦИЯ ЖИНОЯТЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЧОРАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Мақолада коррупция жиноятининг тушунчаси, турлари, унинг ижтимоий хавфлилик хусусиятлари ва коррупция жиноятлари учун жавобгарлик чоралари таҳлил қилинган ҳамда уларга қарши курашишни такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: коррупцияга қарши курашиш, коррупция жиноятлари, манфаатлар тўқнашуви, жиноий жавобгарлик, мансабдор шахс.

Совершенствование правовых мер борьбы с коррупционными преступлениями

Аннотация. В статье анализируются понятие, виды коррупции, ее общественно опасные особенности и меры ответственности за коррупционные преступления, а также даются предложения по совершенствованию борьбы с данными преступлениями.

Ключевые слова: борьба с коррупцией, коррупционные преступления, конфликт интересов, уголовная ответственность, ответственное лицо.

Development of legal measures in combating corruption

Annotation. The article analyses the notion, types of corruption and features of its social danger, legal basis and liability measures as well as proposals are worked out on development of legal measures in combating corruption.

Key words: combating corruption, crimes connected with corruption, interest affairs, criminal liability, official.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясида коррупция жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган даҳшатли иллат сифатида баҳоланиб, унинг демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказиши, инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келиши, бозорлар фаолиятига тўсқинлик қилиши, ҳаёт сифатини ёмонлаштириши, уюшган жиноятчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга шароит яратиб бериши¹ каби ижтимоий хавфли оқибатларга сабаб бўлиши алоҳида қайд этилган. Шу боисдан, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш, унинг

ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, республика-мизда коррупциянинг олдини олишга қаратилган, давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, ҳар кимнинг ахборотни эркин олиш ва тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш, мансабдор шахслар томонидан содир этилиши мумкин бўлган мансаб суиистеъмолликларини бартараф этишга йўналтирилган қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан 2017 йил 3 январь куни Ўзбекистон

Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Мазкур қонунда фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларининг устуворлиги, очиқлик ва шаффофлик, давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги, коррупциянинг олдини олишга доир чоратадбирлар устуворлиги, жавобгарликнинг муқаррарлиги каби принципларга алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, ушбу қонуннинг ижросини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чоратадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида Президентнинг 2017 йил 2 февралдаги ПҚ-2752-сон қарори билан 2017–2018 йилларга мўлжалланган Коррупцияга қарши кураш бўйича давлат дастури тасдиқланди ҳамда Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ташкил этилди.

Булар, албатта, мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш борасида тизимли чоратадбирлар амалга оширилаётганидан далолат беради. Зотан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, «айни вақтда бу ишлар катта йўлнинг бошланиши, дастлабки босқич эканини ўзимизга яхши тасаввур этамиз. Жамиятимизда «Қонун ва адолат — устувор, жиноятга жазо — муқаррар» деган принципни қарор топтириш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз»².

Шундан келиб чиққан ҳолда мамлакатда коррупция ҳолатларини мунтазам равишда таҳлил қилиб бориш, коррупцияга қарши курашишга оид қонун нормаларини амалда қўллаш самарадорлигини илмий жиҳатдан ўрганиш ва коррупция жиноятларига қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий чораларини такомиллаштириб бориш долзарб аҳамият касб этади. Модомики, коррупцияга қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий чораларини такомиллаштириш асносида, албатта, «коррупция» ва «коррупция жиноятлари» ибораларининг маъносини англаш муҳим.

Чунончи, коррупция латинча «corruptio» сўзидан олинган бўлиб, «айниш», «порага сотилиш» деган маъноларни англатади. Бироқ, коррупция тегишли норматив-ҳужжатлар ҳамда юридик адабиётларда турлича таърифланган. Хусусан, БМТ Бош Ассамблеясининг 1979 йил 17 декабрдаги 34/169-сон резолюцияси билан тасдиқланган Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор кодекси 7-моддасининг «b» бандида коррупцияга «...мансабдор шахснинг ҳар қандай шаклдаги мукофот эвазига ўз мансаб ваколатлари доирасида мазкур мукофотни берувчи шахс манфаатларини кўзлаб, лавозим йўриқномаси қоидаларини бузган ҳолда ёки бузмасдан муайян ҳаракатларни бажариши ёки ҳаракатсизлиги»³, деб таъриф берилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунда эса коррупция «шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш»⁴ сифатида таърифланган.

Ўзбекистон юридик энциклопедиясида «коррупция — сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги ижтимоий хавфли ҳодиса, давлат функцияларини бажариш ваколатларига эга бўлган (ёки уларга тенглаштирилган) шахсларнинг ноқонуний тарзда моддий ва бошқа бойликлар, имтиёзлар олишда ўз мақоми ва у билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиши, шунингдек, бу бойлик ва имтиёзларни жисмоний ёки юридик шахслар қонунга хилоф равишда эгаллашига имкон беришдир»⁵, деб изоҳланган. Бинобарин, криминологик ҳамда жиноий хулқ-атворнинг ижтимоий-ҳуқуқий нуқтаи назаридан эса коррупция — бу уюшган жиноятчиликнинг бир туридир. Хусусан, бу борада А.В.Куликовнинг ёзишича, мазкур жиноятни содир этишдан нафақат моддий бойлик орттириш, балки ҳокимиятга эга бўлиш

мақсади ҳам кўзланади. Коррупция давлат ва бошқа хизматчиларнинг расмий хизмат ваколатларидан, улар билан боғлиқ нуфуз ва имкониятларидан шахсий ёки муайян гуруҳ, корпоратив манфаатлар йўлида, гараз мақсадларда фойдаланишида намоён бўладиган ижтимоий ҳодисадир⁶.

Мазкур масала бўйича И.А. Соттиев ва С.И. Ҳамроевнинг фикрича, «коррупция» сўзи одатда мансабдор шахс ёки хизматчининг бошқа манфаатдор шахслар (жиноятчилар) билан келишиб, эгаллаб турган лавозими билан боғлиқ қандайдир ҳаракатларни содир этиши ёки ҳаракатлардан ўзини тийиб туриши эвазига бошқа томондан моддий манфаат кўришини англатади⁷.

Демак, таъкидланганлардан келиб чиққан ҳолда коррупцияни «давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси ёки хизматчисининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши, худди шунингдек ўз хизмат вазифаси юзасидан бажариши лозим ёки мумкин бўлган ҳаракатларни қасдан бажармаслиги», деб тушуниш мумкин.

Таъкидлаш керакки, коррупция жиноятлари салбий ижтимоий ҳодиса сифатида жиноят қонуни нормалари билан муҳофаза қилинган турли ижтимоий муносабатларга зарар етказди. Шу боисдан коррупция жиноятлари учун жиноят қонунининг турли бўлим, бобларида жиноий жавобгарлик белгиланган. Аммо, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонунида «коррупция жиноятлари» ибораси қўлланилмаган ва унга таъриф берилиб, коррупция жиноятларининг турлари алоҳида тарзда тизимлаштирилмаган ҳамда адабиётларда коррупция жиноятларининг тушунчаси ҳақида ягона тўхтамга келинмаган⁸. Чунончи, коррупция жиноятларини С. Акилбеков моддий манфаат олиш мақсадида мансаб мавқеини суи-

истеъмол қилган ҳолда давлат функцияларини бажариш вазифаси юклатилган ёки ҳар қандай мансабдор шахслар ёхуд ҳокимият ваколатларини бажариш мажбуриятига эга лавозимларни эгаллаб турган шахсларнинг жиноий жазоланадиган, қасдан қилган қилмишлари, шунингдек қонунга хилоф манфаатларга эга бўлиш учун ушбу шахсларни сотиб олиши сифатида таърифласа⁹, Л.А.Букалорова ва М.Н. Копилов мансабдор шахс, давлат ёки ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчилари, тижорат ёки бошқа ташкилотларда бошқарув функцияларини бажараётган шахсларнинг гаразгўйлик ёки бошқа шахсий манфаатларни кўзлаб ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этадиган жиноятлари сифатида таърифлайди¹⁰.

Ушбу муаммони ўрганган И.А. Мамедов коррупция жиноятлари деганда ҳокимият органлари, жамоат бирлашмалари, тижорат ёки нотижорат ташкилотларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказишга қаратилган, жиноят қонунида тақиқланган қасдан содир этиладиган ижтимоий хавфли қилмишларни¹¹, Б.В. Волженкин эса коррупция жиноятлари деганда бошқарув соҳасида хизмат қиладиган ва лавозим мавқеига кўра ҳокимият ваколатларига эга бўлган шахслар томонидан содир этиладиган жиноятларни¹² тушунади.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунида коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик деб коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмишлар тушунилиши қайд қилинган.

Бироқ, назаримизда, келтирилган фикрлар коррупция жиноятларининг жиноят-ҳуқуқий жиҳатларини у ёки бу даражада тўлиқ очиқ беролмайди. Масалан, С. Акилбеков «коррупция жиноятлари» тушунчасига берган таърифда жиноятнинг субъектлари қаторида мансабдор шахс ҳисобланмаган хизматчилар назарда тутилмаган, Л.А. Букалорованинг таърифида эса қилмишни ҳаракатсизлик оқибатида ҳам содир этиш мумкинлиги эътибордан четда қолган. И.А. Мамедов ва

Б.В. Волженкиннинг фикри коррупция жиноятларини таърифлаш нуқтаи назаридан нисбатан умумий бўлиб, унда қилмишнинг объектив белгилари очиб берилмаган.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг «Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика» ягона ахборот тизимини юритиш тартиби тўғрисида»ги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2018 йил 30 декабрдаги КК-83, 08/УМ-706-18, 1, 84, 01-02/22-77-сон қарори билан тасдиқланган низомнинг 26-бандида коррупция жиноятлари санаб берилган бўлиб, унда: «Коррупцияга оид жиноятлар тоифасига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 192², 192³, 192⁴, 192⁵, 192⁶, 192⁷, 192⁸, 192⁹, 192¹⁰, 192¹¹, 205, 206, 207, 208, 209, 210, 211, 212, 213, 214 ва 243-моддаларида, шунингдек коррупция аломатларига эга бўлган ва содир этилганлиги учун Жиноят кодексининг бошқа моддаларида жавобгарлик назарда тутилган қилмишлар киреди», деб белгиланган.

Бироқ, назаримизда, ушбу жиноятлар рўйхатини аниқ ва қатъий тарзда белгилаш ҳамда унинг таркибига айрим қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ. Масалан, коррупция жиноятларининг мазкур рўйхатига ЖКнинг 144-м., 2-қ., 146-м., 167-м. 2-қ. «Г» б., 175-м., 184-м., 184¹-м., 2-қ., 186¹-м., 4-қ., 186²-м., 2-қ., «Г» банди, 186³-м., 2-қ., «Г» банди, 301-м., 247-м., 2-қ., «Г» б., 250-м., 2-қ., «Г» б., 271-м. 2-қ., «Д» бандларида назарда тутилган жиноят таркибларини ҳам киритиш лозим бўлади. Шунингдек, юқорида берилган тушунтиришдаги коррупция аломатларига эга бўлган ва содир этилганлиги учун Жиноят кодексининг бошқа моддаларида жавобгарлик назарда тутилган қилмишлар киришига оид жумлани чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ, чунки мазкур ибора ҳуқуқни қўллаш амалиётида турлича тушунилиши ва қўлланиши мумкин. Масалан, «коррупция аломатларига эга бўлган» жумласи баҳоловчи хусусиятга эга

бўлиб, ана шундай оқибат келиб чиқиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, *коррупция жиноятлари деганда Жиноят кодексига назарда тутилган давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси ёки хизматчисининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши, ўз хизмат вазифаси юзасидан бажариши лозим ёки мумкин бўлган ҳаракатларни қасддан бажармаслиги, худди шунингдек уларга кўрсатилган мақсадларни кўзлаб, бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этишга қаратилган ижтимоий хавфли қилмишларни тушуниш керак. Шу боис, коррупция жиноятларининг субъектлари жиноят қонунида жавобгарликка тортиш ёшига тўлган мансабдор шахслар, шунингдек давлат органининг, мулк шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса ёки ташкилотнинг, жамоат бирлашмасининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг мансабдор шахси бўлмаган хизматчилари ҳамда уларни ҳақ эвазига оғдирган ҳар қандай шахслар бўлиши мумкин.*

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, коррупция жиноятларига қарши кураш чораларини янада такомиллаштириш учун:

биринчидан, шуни унутмаслик керакки, коррупция уюшган жиноятчиликнинг ижтимоий асосларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун коррупцияга қарши курашни уюшган жиноятчиликдан ажратган ҳолда амалга ошириш ижобий натижа бермайди. Чунки коррупция уюшган жиноятчиликнинг хавфли тизимли шакли бўлиб, моҳиятига кўра, энг аввало, уюшган жиноий тузилмаларга мададкор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланишда ифодаланади. Шундай экан, уюшган жиноятларга қарши

курашишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида «Уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш керак;

иккинчидан, қонунчиликда муайян шахсга нисбатан юритилаётган жиноят иши коррупция жиноятлари билан боғлиқ бўлса, турли тоифадаги мансабдор шахсларга қонун асосида берилган «дахлсизлик»

ҳуқуқини инкор қилувчи нормалар ишлаб чиқилиши лозим;

учинчидан, фуқароларнинг коррупция жиноятларини фош этишга оид хулқ-атворини рағбатлантириш механизмнинг қонунчилик асосини яратиш керак, чунки коррупция ҳолатларига нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки бутун жамият аъзолари курашиши зарур.

¹ Конвенция Организации Объединенных Наций Против коррупции (Нью-Йорк, 31 октября 2003 года) // Сборник международных договоров Республики Узбекистан. – 2008. – № 3–4.

² Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // <https://president.uz/uz/lists/view/1328>

³ http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/code_of_conduct.shtml.

⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 1. – 2-м.

⁵ Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А. Муҳиддинов, масъул муҳаррир Н.Тойчиев. – Т., 2010. – Б. 264.

⁶ Куликов А.В. Понятие, сущность и меры противодействия коррупции // Вестник Калининградского юридического института МВД России. – 2012. – № 2. – С. 13.

⁷ Соттиев И.А., Ҳамраев С.И. Коррупция билан боғлиқ жиноятларни ҳуқуқий баҳолаш. – Т., 2008. – Б. 20–21.

⁸ Савенко А.И. Коррупционные преступления и меры их предупреждения: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – СПб., 2006; Соттиев И.А., Ҳамраев С.И. Коррупция билан боғлиқ жиноятларни ҳуқуқий баҳолаш. – Т., 2008; Букалорова Л.А., Устьев Л.Г. Уголовная ответственность за коррупционные информационные преступления. – Орехово-Зуево, 2010; Пулатов Ю.С., Алимов Г.А. Квалификация и предупреждение коррупционных преступлений. – 2016; ва бошқ.

⁹ Акылбеков С. Некоторые уголовно-правовые аспекты борьбы с коррупцией // Предупреждение преступности. – 2005. – № 4. – С. 22.

¹⁰ Букалорова Л.А., Копылов М.Н. К вопросу о понятии «коррупционные преступления» // Общество и право. – 2012. – № 1. – С. 108.

¹¹ Мамедов И.А. Уголовно-правовые средства противодействия коррупции: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Рязань, 2011. – С.22.

¹² Волженкин Б.В. Коррупция. – СПб., 1998. – С. 30.

Ш. О. Мамадалиев,
ИИВ Академияси Олий ўқув юртидан кейинги таълим факультети бошлиғи, фалсафа фанлари доктори, профессор;
С. Ш. Мамадалиев,
Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман ИИБ катта суриштирувчиси

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада коррупциянинг ўсишининг объектив ва субъектив омиллари таҳлил қилинган, «коррупция» тушунчасига муаллифлик таърифи ифодаланган ҳамда унга қарши курашнинг амалдаги стратегиясини ўзгартириш ҳақида таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: жамият, жиноятчилик, коррупция, коррупцияга қарши кураш стратегияси.

Теоретические вопросы борьбы с коррупцией

Аннотация. В статье проанализированы объективные и субъективные факторы роста коррупции, формулируется авторское определение понятия «коррупция» и даются предложения по изменению действующей стратегии борьбы с ней.

Ключевые слова: общество, преступность, коррупция, стратегия борьбы с коррупцией.

Theoretical issues of anti-corruption drive

Annotation. The article analyses objective and subjective factors of corruption growth, author's determination of the concept «corruption» is formulated and proposals on alteration of acting anti-corruption drive strategy are given.

Keywords: society, delinquency, corruption, anti-corruption drive strategy.

Коррупция — ҳокимият пайдо бўлганидан буён ижтимоий-сиёсий иллат сифатида у билан ёнма-ён яшаб келмоқда. Бундан, ҳокимият ва коррупция бир-биридан ажралмас, бир нарсанинг икки томонидир – деган хулосага келмаслик керак. Коррупция ҳокимиятни аста-секин емирувчи ички таҳдиддир. Темирнинг кушандаси занг бўлганидек, ҳокимиятнинг ашаддий душмани коррупциядир. Қадимда Рим, яқин ўтмишда СССР каби империяларнинг парчаланишига ҳам асосий сабаб, шак-шубҳасиз, коррупция бўлган¹.

Тарихдан маълумки, ҳеч бир империя юзма-юз амалга оширилган урушларда енгилмаган, аммо империяларни кўзга кўринмас, худди мина каби жамиятни аста-секин ичидан емирувчи коррупция мағлуб этган. Бу тарихий ҳақиқат барча ватанпарвар, тинчликсевар исонларни ҳушёрликка чорлаши лозим. Шу сабабли ўз келажагини ўйлаган халқ, давлат коррупцияга қарши бир тану бир жон бўлиб курашиши тинчлик ва фаровонлик талабидир.

XXI асрни инсоният урушларсиз, коррупциясиз бошламоқчи эди, аммо, аксинча, у халқаро муносабатларнинг зиддиятлашуви, халқаро ҳуқуқ ва институтларнинг инқирозга учраши, коррупциянинг ўсиши билан бошланди. Бугун коррупция жаҳон иқтисодиётига ҳар йили

ўртача 1,5-2 триллион АҚШ доллари миқдоридан зарар келтирмоқда, дунё давлатларидаги коррупция даражаси эса 10 фоиздан 90 фоизгача ошгани кузатилмоқда. Масалан, **коррупция Дания, Финландия, Янги Зеландияда – 10 фоизни, Сомали, Судан каби давлатларда эса 90 фоизни ташкил этмоқда.** Бундай ўсиш дунё давлатлари коррупцияга қарши кураш учун миллий ва халқаро даражаларда кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилган ҳамда кўп сонли ижро идораларига эга бўлган ҳозирги шароитда юз бермоқда.

Коррупцияга қарши кураш бўйича миллий ва халқаро миқёсдаги махсус тузилмаларда ишлаётган шахслар сони миллиондан ошиб кетган, уларнинг фаолияти давлат бюджетига жуда қиммат тушаётган бир пайтда коррупция ҳамон ўсиб бораётгани – паралолизмдир. Бу эса «коррупция – енгилмас, унга қарши курашиш бефойда» деган пессимистик дунёқараш ва нигилистик муносабат шаклланишига олиб келмоқда. Бундай вазиятда энг тўғри йўл коррупцияга қарши кураш стратегияси ва тактикасини қайта кўриб чиқишдир.

Коррупцияга қарши курашнинг анъанавий зўрлик, озодликдан маҳрум этиш, ўлим жазосини қўллаш билан қўрқитиш каби

стратегик йўллари коррупцияни маълум бир вақт тийиб, жиловлаб турибди, аммо бартараф эта олмаяпти. Бизнингча, ушбу усуллардан энг сўнги тактик чора сифатида фойдаланиш лозим. Коррупцияга қарши кураш борасидаги янги стратегиянинг асосий йўналишлари сифатида эса қуйидагиларни белгилаш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, «коррупция»га берилган мавҳум таърифларга аниқлик киритиш. Тўғри, илмий-публицистик адабиётларда коррупцияга берилган юздан ортиқ таърифлар мавжуд бўлса-да, уларнинг ўзагини — «мансабдор шахс билан жиноятчининг моддий ва номоддий манфаатдорлик асосидаги ҳамкорлиги», «давлат хизматчисининг шахсий манфаатлар йўлида ваколатларини суиистеъмол қилиши» ташкил этади.

Албатта, ушбу таърифларда коррупция элементлари акс этган, аммо улар давлат мансабдор шахсларининг фаолияти билан чекланган. Аслида, коррупция нодавлат, нотижорат ва тижорат ташкилотлари фаолиятига ҳам тегишлидир. Шу боис, «коррупция — мансабдор шахсларнинг ўз ваколатларидан халқ ва давлат манфаатларига зид равишда фойдаланишидир», деган таърифни ҳуқуқий ва сиёсий лугатга киритиш ўринли бўлади. Янги таърифда: биринчидан, коррупция ваколатли шахсларга тегишлилигига; иккинчидан, ваколатли шахсларнинг халқ ва давлат манфаатларига зид фаолиятига урғу берилади. Ушбу таъриф ихчам, рационал ҳамда дилеммадан холилиги билан бошқа таърифлардан фарқланади.

Иккинчидан, инсон дунёқараши коррупциянинг генезисини ташкил этади. Коррупция пулпарастлик, молпарастликдан озиқланади. Эгоцентризм, конформизм коррупциянинг мафқурасидир. Агар жамиятда пул фетишизми ҳукмронлик қилиб, ғоявий бўшлиқ содир бўлса, коррупция ривожланади, жамият инқирозга юз тутаети. Демак, коррупцияга қарши курашишнинг биринчи шарт — инсон дунёқарашини ўзгартириш. Инсон дунёқарашининг асосини эзгулик, яратувчанлик, меҳр-оқибат каби маънавий-ахлоқий фазилатлар ташкил этмас экан, коррупция энгилмайди. Бугун инсонларда илмий дунёқарашни шакллантириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу халқ манфаатларини ифода этувчи миллий ғоя ва мафқурани ривожлантириш зарурлигини англатади.

Учинчидан, қонунлардаги ноаниқлик, зиддият, бўшлиқлар, қонуности ҳужжатларининг қўлиги, «ўлик» қонунлар ҳамда қонунларни четлаб ўтиш амалиёти коррупцияга йўл очаети.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаб келатганидек, биз «ўлик» қонунлардан воз кечишимиз, тўғридан-тўғри ишлайдиган қонунларни қабул қилишимиз, қонуности ҳужжатларни камайтиришимиз керак. Ушбу талаб амалиётда бўлган 850дан зиёд қонун, 34 мингдан зиёд қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Давлат раҳбарининг ушбу талаби амалиётга жорий этилиши коррупцияга қаттиқ зарба бериши шубҳасиздир.

Тўртинчидан, жамиятда коррупцияга қарши мурасасиз муҳит яратилиши лозим. Коррупцияга нисбатан кузатувчанлик, бепарқлик, мурасасозлик, томошабинлик ҳукмрон экан, у ривожланаверади. Уни энгиш учун ҳар бир инсон, ташкилот, муассаса ва умуман, фуқаролик жамияти институтлари ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчан ва курашчан бўлиши зарур. Бугун жамиятимизда «коррупцияга қарши давлат курашади, мени қўлимдан ҳеч нарса келмайди», — деган фикр устунлиги коррупцияга нисбатан мурасасозлик муҳитини яратмоқда. Бу эса коррупциянинг яширин фаолиятига шароит яратмоқда.

Коррупция жамиятнинг ичида ривожланади, ундан ташқарида эмас, шу боис уни энгиш ўзимизга, жамият аъзоларининг курашувчанлигига, ҳуқуқий ва сиёсий маданияти даражасига боғлиқ бўлиб қолаверади.

Бешинчидан, «яширин иқтисодиёт» коррупция мавжудлигининг зарурий шартидир. Коррупциянинг манбаи яширин иқтисодиётдир. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида яширин иқтисодиётга қарши курашиш, унинг ҳажмини кескин қисқартириш вазифаси қўйилди. Чунки, очиқ иқтисодиёт, соғлом рақобат, ишбилармонлик, инвестиция муҳити коррупцияни йўққа чиқарадиган омиллардир.

Хуллас, коррупция қанча кам бўлса, инвестиция шунча кўпаяди. Инвестиция эса Ўзбекистон иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи, ривожлантирувчи кучдир.

¹ Қаранг: *Федор Раззаков*. Коррупция в политбюро. — М., 2009

Т. Б. Матибаев,

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати, социология фанлари доктори

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК ҲАМДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ

«Менда иккита йўл бор эди: биринчиси — ўғирлаш ҳамда дўстларим ва қариндошларимни «Forbes» рўйхатиغا киритиш, бу билан халқимни қуп-қуруқ ер устида қолдириш; иккинчиси — халқимга хизмат қилиш ва мамлакатни дунёнинг энг яхши мамлакатлари ўнталигига киритиш. Мен иккинчисини танладим».

Ли Куан Ю,

Сингапурнинг биринчи Бош вазири

Аннотация. Мақолада коррупциянинг моҳияти ва хусусияти ҳамда давлат тузилмаларига етказадиган иқтисодий зарари муҳокама қилинган. Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ҳамда ушбу соҳада тегишли давлат дастурлари ижросини жамоатчилик томонидан назорат қилиш зарурлиги таъкидланган.

Таянч сўзлар: коррупция, давлат, мансабдор шахс, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролик жамият институтлари, ижтимоий шериклик, жамоатчилик, ҳокимият, масъулиятсизлик, жиноятчилар, гараз мақсад.

Место институтов социального партнерства и гражданского общества в борьбе с коррупцией

Аннотация. В статье обсуждается сущность и характер коррупции и экономический ущерб, причиняемый государственным структурам. Также подчеркнута роль негосударственных некоммерческих организаций и необходимость общественного контроля за реализацией соответствующих правительственных программ в этой сфере.

Ключевые слова: коррупция, государство, чиновник, негосударственные некоммерческие организации, институты гражданского общества, социальное партнерство, общественность, власть, безответственность, преступник, корыстная цель.

Place of social partnership institutions and civil society in combating corruption

Annotation. This article discusses the nature and character of corruption and serious economic damage as a negative situation in the state structure. Today, corruption crimes are becoming a global problem. In our country, decisive measures are being taken to struggle this crime. The role of non-governmental non-profit organizations and the need for public control over the implementation of relevant government programs in these areas are also emphasized.

Keywords: corruption, government, official, non-governmental non-commercial organizations, civil society institutions, social partnership, public, government, irresponsibility, criminal, selfish ends.

Эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораётган ҳар бир мамлакатнинг ривожланиши, ўтказилаётган демократик ислохотларнинг самараси ҳамда уларни босқичма-босқич чуқурлаштириб бориш, жамият ҳаётида ижтимоий адолат принципларининг қарор топиши одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятига боғлиқ.

Ҳаёт оқимининг бугунги шиддати, дунёда, минтақада, мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар одамларнинг, айниқса, ёшларнинг онгу шуури, дунёқараши ва турмуш тарзида ўз аксини топади. Жамият ўзгариб, такомиллашиб борар экан, миллий тараққиёт манфаатларига мос ислохотларнинг натижаси янада яққол кўзга ташлана

бошламоқда ва бу ҳол жамият аъзоларини мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида янада фаол иштирок этиш, зиммаларидаги масъулиятни унутмасликка даъват этади. Айни чоғда одамлар қабул қилинаётган қонун ва қарорлар лойиҳалари муҳокамасида, ижтимоий аҳамиятга молик йиғинларда, сиёсий партияларнинг турли тадбирларида, баҳс-мунозараларда қатнашиб, жўяли таклифлар билан чиқсалар ва улар инobatга олинса, бу эътибор таклиф киритувчини янада фаолликка ундайди. Фикр-мулоҳазалари инobatга олинган фуқарода фахр-ифтихор туйғуси билан бирга, ўзига хос масъулият ҳисси ҳам пайдо бўлади. Айни шу масъулият аста-секин унинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиради. Бу маданият жамият олдида турган энг муҳим вазифаларни тўлиқ бажаришга, халқнинг турмуш тарзи ва фаровонлигини янада оширишга замин яратади.

Шубҳасиз, юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир. Шу сабабли мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли ва кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш коррупция иллатининг олдини олишда муҳим ва самарали восита ҳисобланади.

«Коррупция» криминологик, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жиҳатларни ўзида ифодаловчи тушунчадир. Шу сабабли коррупцияга қарши кенг кўламли кураш олиб боришда бу иллатнинг барча жиҳатлари ва улардан келиб чиқадиган салбий оқибатларни назарда тутиш талаб этилади.

Моҳият-эътиборига кўра, давлат бошқарув органларидаги коррупция — мансабдор шахсларнинг ўз шахсий манфаатларини қондириш йўлидаги ҳуқуққа зид хатти-ҳаракати натижаси бўлиб, ўзининг кўлами, уни содир этишдаги иштирокчи шахслар ёки гуруҳларнинг мавқеи жиҳатидан умумий жиноятчиликдан фарқ қилади. Хусусан, жиноят жамиятдаги қонунларга итоат

этмайдиган ҳар қандай фуқаро томонидан содир этилиши мумкин, лекин коррупция фақат давлат хизматчилари томонидан содир этилиши туфайли ниҳоятда хатарли ҳолат ҳисобланади. Энг ачинарлиси шундаки, коррупцияни содир этаётган шахслар давлат хизмати тизимининг бошқа соҳаларида ишлаётган мансабдор шахслар билан тил топишиши орқали мамлакатни ҳалокат ёқасига олиб боруви ўта хавfli жиноятларни ҳам содир этиш эҳтимолини оширади.

Жумладан, иқтисодиёт соҳасидаги коррупция мамлакатда «яширин иқтисодиёт»нинг кенгайишига олиб келиши натижасида бюджетга тушадиган солиқ ва бошқа тушумлар камайиб, давлат бюджетининг мажбуриятлари бажарилмай қолади. Охир-оқибатда ҳукуматнинг бозор иқтисодиётини бошқаришдаги молиявий тизми йўқолиб, жамиятда турли ижтимоий-иқтисодий муаммолар келиб чиқади.

Иккинчидан, мансабдор шахсларнинг хусусийлаштириш жараёнидаги қонунбузарликлари натижасида хусусий мулкдорлар синфи камайиб, давлат бюджети маблағлари шахсий манфаатлар йўлида ножўя ва самарасиз жойларга сарфланади, давлат буюртмалари ва кредитларни тақсимлаш жараёнида муаммолар пайдо бўлади.

Учинчидан, коррупцион келишув натижасида пора берган шахслар орасида «коррупцияга кетган харажатлар»нинг ўрнини қоплаш илинжи пайдо бўлади. Натижада порага кетган барча харажатларнинг ўрнини қоплаш мақсадида бозордаги маҳсулот таннархига ушбу ноқонуний келишувга кетган харажатларни қўшиб, унинг таннархи сунъий равишда оширилади.

Тўртинчидан, бундай салбий вазият, ўз навбатида, бозордаги маҳсулот ва хизматлар нархининг сунъий тарзда ўсишига олиб келиб, натижада истеъмолчилар ҳамёнига катта зиён етказиши ҳамда оқибатда бозор иқтисодиётининг муҳим шартларидан ҳисобланган рақобат принципининг бузилиши юз беради. Натижада носоғлом муҳитдаги бозорда рақобатбардош тадбиркор эмас, балки пора

бериб, имтиёз ва ютуқларни қўлга киритган сохта тадбиркор устунлик қилади.

Бешинчидан, мавжуд табиий рақобат механизми бузилиб, бозор иқтисодиётининг самараси ва натижадорлиги пасаяди.

Олтинчидан, давлат бошқарув органларида коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши туфайли мамлакатда инвестицион муҳит ёмонлашиб, хорижий ҳамкорларнинг кириб келиши ва салмоқли инвестицияларнинг жалб этилишига салбий таъсир кўрсатади.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики¹, давлат бошқарув органларида коррупция содир этилиши натижасида иқтисодиёт соҳасига энг катта зарар етказилади. Халқаро экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, дунё мамлакатларида коррупция натижасида товар ва хизматларнинг баҳоси ҳар йили ўртача 5-15 фоизга ошар экан.

Масалан, АҚШда коррупция муаммоси бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасида коррупцияга кетган маблағлар мамлакатда ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфланганида 12 миллион киши қўшимча иш ўринлари билан таъминланиши, шунингдек ишчи-хизматчиларнинг ўртача даромади 10 фоизга ошиши, ялпи миллий маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиши қўшимча 5 фоизга ортиши мумкинлиги аниқланган².

Энди коррупциянинг сиёсий соҳага кўрсатадиган салбий таъсирига тўхталсак. Бу, аввало, мамлакатда барча соҳаларни ривожлантириш йўлидаги бошқарув органларининг сиёсати олдига қўйилган стратегик мақсадлар коррупцион гуруҳларнинг тор мақсадларига алмашинувида намоён бўлади. Иккинчидан, давлат бошқарув органлари ва Ҳукуматнинг ички сиёсий жараёнлардаги ҳамда ташқи сиёсий муносабатлардаги обрўи тушади. Учунчидан, мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари туфайли халқнинг ҳукуматга ишончи камайиб боради, агар масалага ўз вақтида эътибор қаратилмаса, ҳукуматнинг жамиятдан ажралиб қолишига олиб келади. Тўртинчидан, халқаро миқёсда давлат обрўиغا путур етиб, унинг

иқтисодий ва сиёсий яккаланиб қолиши хавфи пайдо бўлади. Бешинчидан, мамлакатда сиёсий қадрият ҳисобланган «сиёсий рақобат» йўқолиб, фуқароларнинг демократик қадриятлари оёқ ости қилинади.

Шак-шубҳасиз, жамиятда мавжуд коррупциянинг кўлами ижтимоий соҳага таъсир кўрсатмай қолмайди. Жумладан, бу ҳол жамиятда мулкӣ тенгсизлик пайдо бўлишига, аҳолининг бир қисми қашшоқлашишига олиб келади. Натижада коррупцион гуруҳлар аҳолининг заиф ва ночорлигидан фойдаланиб, давлатнинг моддий бойликларини ноқонуний йўллар билан ўз фойдасига қайта тақсимлашга эришади. Бундан ташқари, мансабдор шахсларнинг ҳуқуқбузарликлари инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг жиддий бузилишига ҳамда фуқароларнинг давлат органларига нисбатан ишончи йўқолишига олиб келади. Ижтимоий соҳани ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан ажратилган маблағларнинг мансабдор шахслар томонидан ноҳўя сарфланиши оқибатида давлат бюджетининг камомади ошиб, ҳукуматнинг долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал қилишдаги моддий имкониятлари кескин камаяди. Ўз навбатида, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлардаги коррупция уюшган жиноятчиликнинг кучайишига олиб келади. Натижада уюшган жиноий гуруҳлар томонидан мансабдор шахсларни сотиб олишга имкон яратилиб, жиноий фаолиятни амалга ошириш учун қулай шароит юзага келди. Ва ниҳоят, жамиятда ижтимоий кескинлик авж олиб, фуқароларнинг турли тоифаларга бўлиниб кетиши оқибатида ижтимоий хавфсизликка таҳдид солувчи янгидан-янги омиллар пайдо бўлиши тартибсизликни юзага келтиради.

Коррупция дунё миқёсида жамиятни емириб, шахсни ахлоқий жиҳатдан инқирозга учратадиган ва ҳар қандай давлат иқтисодиётига салбий таъсир қиладиган ижтимоий иллатдир. Шу сабабли ҳам унга қарши кураш дунё миқёсида, кенг кўламда олиб борилмоқда. Бу борада коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги халқаро-ҳуқуқий норма-

ларни самарали бажаришнинг муҳим омили уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш, ички давлат механизмларини ташкил қилиш ва такомиллаштиришдир. Мана шу табиий эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда кўпгина давлатлар халқаро коррупцияга қарши кураш нормаларини ўз миллий ҳуқуқий тизимларида акс эттирганлар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан коррупцияга қарши кураш борасида қабул қилинган ҳужжатлар қуйидагилар³:

1. «Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор кодекси» (БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюцияси билан 1979 йил 17 декабрда қабул қилинган).

2. Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахслар хулқ-атвор кодексининг самарали амалга оширилиши учун раҳбарий принциплар (БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши резолюцияси билан 1989 йил 24 майда қабул қилинган).

3. Давлат мансабдор шахсларининг халқаро хулқ-атвор кодекси (БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюцияси билан 1996 йил 12 декабрда қабул қилинган).

4. БМТнинг Халқаро тижорат операцияларида коррупция ва порахўрликка қарши кураш тўғрисидаги декларацияси (БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюцияси билан 1996 йил 16 декабрда тасдиқланган).

5. Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция (БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюцияси билан 1999 йил 9 декабрда қабул қилинган).

6. БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси (БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюцияси билан 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган).

7. БМТ Форумининг офшорлар бўйича Коммюникеси (Кайман ороллари, 2000 йил 30-31 март).

8. БМТ Бош котибининг коррупцияга оид маърузаси (Вена, 2001 йил 8-17 май).

9. Коррупцияга қарши кураш бўйича чора-тадбирлар тўплами (2001 йил июнь).

10. Коррупцияга қарши кураш чоралари. Пулни «тозалаш»га қарши кураш чоралари. Жиноятчилик ва одил судлов: XXI аср чорловига жавоблар тўғрисидаги Вена декларациясини амалга ошириш ҳаракат Режаси (БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюцияси билан 2002 йил 15 апрелда қабул қилинган).

11. БМТнинг Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси (БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюцияси билан 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган).

Ўз навбатида, Европа Кенгаши ва Европа Иттифоқи томонидан ҳам коррупцияга қарши кураш борасида ҳуқуқий нормалар ва халқаро ҳужжатлар қабул қилинган. Улар қуйидагилар:

1) Европа Кенгашининг Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги конвенцияси (Страсбург, 1999 йил 27 январь);

2) Европа Кенгашининг Коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги конвенцияси (Страсбург, 1999 йил 9 сентябрь);

3) Европа Кенгашининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни «тозалаш», аниқлаш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш тўғрисидаги Конвенцияси (Страсбург, 1990 йил 8 ноябрь);

4) Коррупцияга қарши курашнинг йигирмата принципи (Европа Кенгаши Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган, 1997 йил 6 ноябрь);

5) Давлат хизматчилари учун Модель хулқ-атвор кодекси (Европа Кенгаши Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган, 2000 йил 11 май);

6) Сиёсий партиялар ва сайлов кампаниясини молиялаштиришда коррупцияга қарши ягона қоидалар (Европа Кенгаши Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган, 2003 йил 8 апрель);

7) Молиявий тизимдан пулни тозалаш мақсадларида фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги ЕИИ Директиваси (1991 йил 10 июнь);

8) Пулни «тозалаш»га қарши Париж декларацияси (Европа Иттифоқининг пулни

«тозалаш»га қарши парламентар конференциясининг Якуний декларацияси, 2002 йил 8 февраль).

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) доирасида коррупцияга қарши курашга доир қўйидаги ҳуқуқий нормалар қабул қилинган:

1) Жиноятчиликка қарши курашда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг ҳамкорлиги тўғрисидаги Келишуви (Москва, 1998 йил 25 ноябрь);

2) «Коррупцияга қарши сиёсатнинг қонунчилик асослари тўғрисида»ги Намунавий қонун (МДХ Парламентлараро ассамблеясининг XXII ялпи йиғилишида қабул қилинган, 2003 йил 15 ноябрь);

3) Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги намунавий қонун (МДХ Парламентлараро ассамблеясининг XIII ялпи йиғилишида қабул қилинган, 1999 йил 3 апрель);

4) Файриқонуний йўллар билан олинган даромадларни легаллаштиришга қаршилиқ қилиш тўғрисидаги намунавий қонун (МДХ Парламентлараро ассамблеясининг XII ялпи йиғилишида қабул қилинган, 1998 йил 8 декабрь);

5) «Уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги тавсиявий қонунчилик акти (МДХ Парламентлараро ассамблеясининг қарори билан қабул қилинган, 1996 йил 2 ноябрь).

6) Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросиё гуруҳи тўғрисидаги Битим (Москва, 2011 йил 16 июнь).

Бугун ҳаётимиз ва турмуш тарзимизда жиддий ўзгаришлар юз бермоқда. Назаримизда, ортимиздан замонавий билимларни мукаммал ўрганган янги навқирон авлод келаётир. Ёшлар мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг етакчи соҳаларида ўзларини намоён этиб, миллий тараққиёт ривожига муносиб ҳисса қўшишмоқда. Айни пайтда турли гараз ниятли оқимларнинг ҳаёт тажрибаси кам йигит-қизларни ўз таъсир доирасига олиш, онгини заҳарлаш йўлидаги ҳаракатлари ҳам давом этмоқда. Бундай шароитда ҳар биримиздан воқеаларнинг

пассив кузатувчи бўлиб қолиш эмас, аксинча фидойилиқ ва қуюнчаллик билан иш тутиш, ўз йўналишимизда ташаббускор ва омилкор бўлиш, огоҳлик ва ҳушёрликни бир зум ҳам бўшаштирмаслик талаб этилади.

Чунончи, ёшлардан маънавий-маърифий дунёқараш, иқтисодий кўникмалари билан бирга, сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ҳам ошириш, ҳуқуқий маданиятини фуқаролик бурчини англаши билан уйғун ҳолда ривожлантириш талаб этилади. Зеро, ҳар бир кишининг жамият, миллат, маҳалла, оила, меҳнат жамоаси, қолаверса, виждони олдидаги бурчини чуқур англаши ва унга реал ҳаётда амал қилиши ғоят муҳимдир. Бунга эришиш учун мамлакатда юзага келган ҳуқуқий билимлар тарғибот ва ташвиқотини ғоят самарали, таъсирчан ташкил этиш, бунда мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш лозим.

Юксак ҳуқуқий маданиятга эришиш зарурати жамиятимиз тараққиётининг бугунги босқичидан келиб чиқади. Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи кундан-кунга ортиб, мустақамланиб бормоқда. Дунёнинг кўпгина мамлакатлари, яқин қўшниларимиз билан сиёсий-иқтисодий, парламентлараро, илмий, маданий-маърифий алоқалар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг қўшма фаолияти тобора кучайиб бормоқда. Мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очилиб, бу йўналишда халқаро андозаларга мос ҳуқуқий база, фаолият юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратилгани хорижлик сармоядорларни ўзига жалб қилмоқда. Юртимизга келаётган сайёҳларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ижобий ўзгаришлар юз бераётгани таҳсинга лойиқ.

Мамлакатда ҳар пайшанба куни «Ҳуқуқ-бузарликларнинг олдини олиш куни»⁴ деб эълон қилиниб, шу куни меҳнат жамоалари ва яшаш жойларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакилларининг аҳолини рўй бераётган жиноятлардан огоҳ этиб бориши, унинг олдини олиш мақсадида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш тадбирлари ўтказилиши яхши анъанага айланди. Шу-

нингдек, пайшанба куни ички ишлар органлари таянч пунктларида «Очиқ эшиклар куни»ни ўтказилиши, фуқароларнинг қабул қилиниши ҳам аҳолининг ҳуқуқий маданияти янада ошишига хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳозирги кунимизнинг ўзига хослигига тўхталар экан: «Асосий вазифа — бу юқори касб маҳорати ва замонавий тафаккурга эга, пухта ўйланган, ҳар томонлама тўғри қарорлар қабул қила оладиган, белгиланган мақсадларга эришадиган раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг янги таркибини шакллантиришдан иборат»⁵, дея таъкидлаб ўтди. Бундай мақсадга эса юксак ҳуқуқий маданиятсиз асло эришиб бўлмайди.

Халқимиз азалдан меҳнатсевар. Ҳалол меҳнати, пешона тери билан рўзгорини тебратиб келади, ризқ-насибасини яратиб, бировнинг ҳақиға кўз олайтирмайди, имон-этиқодига соя соладиган иш қилмайди. Фарзандларини ҳам шундай тарбиялайди. Ҳалоллик бор жойда ҳаёт фаровонлашиб, элнинг дастурхони тўкин, мамлакат обод бўлади, деб ҳисоблайди. Бироқ, ҳар қандай қийинчиликка чидашга қодир халқимиз адолатсизликка, яъни коррупцияга чидай олмайди. Бундай чиркин иллатга қарши эса фақат ҳуқуқий онг ёрдамида, амалдаги

қонун-қоидаларга, ҳуқуқий меъёрларга таяниб кураш олиб бориш мумкин бўлади. Шу сабабли ҳам ҳуқуқий онгнинг юксаклиги жамият тараққиётига хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёевнинг қуйидаги даъвати бу борадаги фаолиятимиз учун дастуриламал бўлиб қолиши лозим: «Халқимиз азалдан юксак қадрлаб келадиган, ҳамма нарсадан устун қўядиган адолат туйғусини ҳаётимизда янада кенг қарор топтиришни биз биринчи даражали вазифамиз, деб ҳисоблаймиз.

Бу борада буюк соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг: «Адолат ҳар бир ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!» деган чуқур маъноли сўзлари ҳар биримиз учун ҳаётий этиқодга айланиши зарур»⁶.

Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашишда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбияни кучайтириш давр талабидир. Зеро, ҳуқуқий маданият — коррупциянинг душмани. Ҳуқуқий онги ва маданияти етук фуқаролар коррупцияга йўл қўймайди.

¹ Информационный бюллетень. / Сост. А.Е.Чуклинов. — М., 2006.

² CRIME.VL.RU Коррупция в России и мире.

³ Сборник международных документов и законодательства Республики Узбекистан в сфере борьбы с коррупцией. — Т., 2013. — 496 с.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори // «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси» веб-сайти — www.lex.uz.

⁵ *Мирзиёев Ш.М.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. — Т., 2017. — Б. 162–163.

⁶ *Ўша жойда.* — Б. 140.

Р. Р. Тумпаров,
*старший преподаватель кафедры изучения языков
Академии МВД Республики Узбекистан, кандидат педагогических наук*

НАУЧНО-ПРИКЛАДНЫЕ АСПЕКТЫ ЮРИДИКО- ЛИНГВИСТИЧЕСКОЙ АНТИКОРРУПЦИОННОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ АКТОВ И ИХ ПРОЕКТОВ

Аннотация. В статье характеризуются предмет, цели, задачи юридико-лингвистической антикоррупционной экспертизы нормативно-правовых актов и их проектов, обосновываются наиболее целесообразные методы ее проведения, необходимость научной разработки формализованной частной методики данного вида экспертизы, выявляющей по стандартизованным и иным критериям коррупциогенность языковых формулировок юридических предписаний.

Ключевые слова: юридико-лингвистическая антикоррупционная экспертиза, нормативно-правовой текст, коррупциогенный фактор, лингвистическая неопределенность, методы лингвистической экспертизы текста, формализованная частная методика юридико-лингвистической антикоррупционной экспертизы

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини антикоррупцион юридик-лингвистик экспертизасининг илмий-амалий жиҳатлари

Аннотация. Мақолада норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини антикоррупцион юридик-лингвистик экспертизасининг предмети, мақсад ва вазибалари тавсифлаб берилган, уни ўтказишнинг маъқул усуллари, юридик қоидаларнинг тил ифодалари стандарлаштирилган ва бошқа ўлчов, мезонлар бўйича коррупциогенлигини аниқлайдиган формалаштирилган ушбу турдаги экспертизанинг хусусий методикасини ишлаб чиқиш зарурати асослантилган.

Таянч сўзлар: антикоррупцион юридик-лингвистик экспертиза, норматив-ҳуқуқий матн, коррупциоген омил, лингвистик ноаниқлик, матннинг лингвистик экспертиза усуллари, антикоррупцион юридик-лингвистик экспертизанинг формалаштирилган хусусий методикаси

Scientific and applied aspects of legal-linguistic of anti-corruption examination of normative legal acts and their projects

Annotation: The article deals with the subject, purpose, tasks of legal-linguistic anti-corruption examination of normative-legal acts and their projects. Most practical ways of its conduction, need for scientific development formalized by private methods of this type of the examination revealing a condition for corruption of language formulations of legal instructions are grounded.

Keywords: legal-linguistic anti-corruption examination, normative and legal text, condition for corruption factor, linguistic uncertainty, methods of linguistic examination of the text, formalized private method of legal-linguistic anti-corruption examination.

Нормативно-правовой акт как словесное выражение воли законодателя, сформулированное с учетом правил юридической техники и норм языка, обладает лингвистическими особенностями, специфическими конструкциями и подчиняется не только

правилам юридической техники, но и законам языка.

Юридическая природа нормативно-правового акта предполагает точность формулировки устанавливаемых им предписаний, логичности структуры документа

и при этом не допускает расплывчатости, противоречивости, полисемичности норм, исключает использование в тексте документа неустоявшихся, неясных или неоднозначно понимаемых терминов и определений. Как юридико-технические недостатки, так и лингвистические недочеты и погрешности способны привести к серьезным негативным последствиям в правоприменительной практике, поскольку то или иное положение в силу своей недостаточной определенности, двусмысленности может трактоваться неоднозначно, что в свою очередь повышает вероятность произвольного применения нормы права. В связи с этим не случайно юридико-лингвистическая неопределенность выделена в качестве самостоятельного коррупциогенного фактора, подлежащего обязательному анализу в ходе проведения экспертизы нормативно-правовых актов и их проектов¹.

Необходимо отметить, что активная динамика законотворческих процессов, наблюдаемая в Республике Узбекистан, с одной стороны, а с другой стороны — интенсивное развитие юридической терминологии способствуют пополнению тезауруса и дискурса права новыми дефинициями, терминами и понятиями, нуждающимися в уточнении их содержания в целях исключения возможности интолкования. К их числу, на наш взгляд, следует отнести и понятие «юридико-лингвистическая антикоррупционная экспертиза нормативно-правовых актов и их проектов».

Юридико-лингвистическая антикоррупционная экспертиза нормативно-правовых актов и их проектов (в литературе встречаем и иные формулировки: «экспертиза на коррупциогенность правовых актов и иных документов», «антикоррупционная экспертиза нормативных правовых актов») в настоящее время рассматривается специалистами как один из значимых видов антикоррупционной экспертизы².

Как нам представляется, для конкретизации предмета, целей и задач, содержания подобных экспертиз с лингвистической точки зрения необходимо обратиться к дефиниции *нормативно-правовой текст*, то есть пись-

менный текст правового акта, принимаемого в определенном порядке уполномоченным на то должностным лицом (органом), поскольку разграничение понятий «нормативно-правовой акт» и «нормативно-правовой текст» есть первый шаг на пути систематизации таких близких по своей природе экспертиз, как правовая, лингвистическая, юридико-техническая, антикоррупционная.

Предметом юридико-лингвистической антикоррупционной экспертизы являются лингвистические неопределенности и неоднозначности в нормативно-правовых текстах, которые потенциально могут порождать коррупцию (коррупционные проявления), то есть коррупциогенные факторы в текстовой составляющей нормативного правового акта или его проекта, устанавливаемые на основе специальных (зачастую междисциплинарных) знаний в различных областях лингвистической науки и юридической техники.

Целью юридико-лингвистической антикоррупционной экспертизы нормативных правовых актов и их проектов является выявление в нормативно-правовых текстах нормативных правовых актов и их проектов коррупциогенных факторов и выработка предложений по их устранению.

В соответствии с целью задачи юридико-лингвистической антикоррупционной экспертизы нормативных правовых актов и их проектов, на наш взгляд, можно определить следующим образом:

- толкование, разъяснение значений терминов, дефиниций, словосочетаний, содержащих конкретное юридическое содержание;
- выявление положений текста нормативного акта (проекта), способствующих совершению коррупционных правонарушений;
- устранение положений нормативного акта (или проекта), способствующих совершению коррупционных правонарушений.

Обозначенный перечень задач юридико-лингвистической антикоррупционной

экспертизы нормативных правовых актов и их проектов позволяет наглядно продемонстрировать, что она требует комплексного применения специальных знаний в области правовой лингвистики и специальных знаний в сфере правового регулирования отношений, регулируемых нормативно-правовым актом. Причем указанная совокупность знаний представляет собой не просто сложение знаний двух различных областей, а именно их синтез³. Только синтез специальных знаний в области правовой лингвистики и правового регулирования позволит наиболее эффективно использовать результаты антикоррупционной экспертизы на практике. Иначе говоря, юрико-лингвистический анализ нормативно-правового акта требует применения синтезированных знаний в области науки о языке и правовых наук с опорой на правовую лингвистику.

Что же касается типовых методов лингвистической экспертизы текста, то в ходе проведения юрико-лингвистической антикоррупционной экспертизы эффективны:

- первичный лингвистический анализ;
- контент-анализ;
- операционное кодирование;
- когнитивное картирование;
- определение концептуальной переменной (К-переменной);
- выявление эксплицитности/имплицитности концептуальной переменной;
- поуровневый лингвистический анализ;
- ассоциативно-семантический анализ;
- содержательно-концептуальный анализ;
- формально-логический анализ.

Столь широкий спектр применяемых методов в свою очередь предусматривает исследование научно-методической проблемы, связанной с разработкой формализованной частной методики юрико-лингвистической антикоррупционной экспертизы, выявляющей по стандартизованным критериям и по регламентированной процедуре кор-

рупциогенность языковых формулировок и юридических предписаний. Данная методика должна позволять оценить правильность, уместной и целесообразность использования понятий и терминов, знаков пунктуации по тексту нормативного правового акта; соответствие используемых по тексту нормативного правового акта понятий и терминов понятиям и терминам, используемым в иных законах, регулирующих данные правоотношения, совпадение объема этих понятий; обеспечено ли единство терминологии по всему тексту нормативного правового акта, не встречаются ли по тексту случаи использования одного термина или словосочетания для обозначения разных понятий или случаи необоснованного использования разных терминов или словосочетаний для обозначения одного и того же понятия; обеспечена ли в тексте нормативного правового акта четкость и однозначность понимания понятий и терминов, а также содержания правовых норм; не встречаются ли в тексте нормативного правового акта случаи использования слов без учета их семантического значения, совместного использования лексически несочетаемых слов и выражений, употребления в качестве однородных членов предложения неоднородных понятий, плеоназмов и т.п.; обеспечивает ли языковое выражение правовой нормы однозначность толкования ее формально-логической структуры, могут ли лингвистические неточности привести к ошибочному пониманию юридического предписания правовой нормы.

Филологический аспект юрико-лингвистической антикоррупционной экспертизы, на наш взгляд, должен предусматривать следующие обязательные содержательные компоненты:

анализ текста с учетом специфики актуализации лексико-семантического и семантико-синтаксического, юрико-стилистического, формально-логического, пунктуационного уровней;

определение единицы кодирования концепта «коррупция» и способов ее представления в эксплицитном или имплицитном виде;

проведение семантико-синтаксического анализа «дерева зависимостей» семы «коррупциогенный фактор» и тематического анализа в рамках актуального членения предложения;

проведение контент-анализа с целью выявления компонентов семантического поля «коррупция»;

выявление признаков юридико-лингвистической неопределенности на уровнях терминосистемы, оценочных категорий, дефиниций; выявление типовых наборов

языковых формул вариативной интерпретации понятийного концепта «коррупция»;

определение релевантных параметров и рядов их значений для семантического поля «коррупция».

Резюмируя изложенное, отметим, что углубленное и при этом комплексное исследование рассматриваемой научно-методической проблемы будет способствовать разработке прикладной частной методики юридико-лингвистической антикоррупционной экспертизы нормативно-правовых актов и их проектов, ее стандартизованных критериев, что в свою очередь повысит качество, эффективность и результативность ее проведения.

¹ См.: *Хабриева Т.Я.* Формирование правовых основ антикоррупционной экспертизы нормативных правовых актов // Журнал российского права. – 2009. – № 10. – С.9; *Талапина Э.В.* Об антикоррупционной экспертизе // Журнал российского права. – 2007. – № 5. – С.21; и др.

² См.: *Брылев Н.И.* Методологическая экспертиза и экспертиза на коррупциогенность «Методики проведения экспертизы на коррупциогенность правовых актов и иных документов в целях создания в них положений, способствующих созданию условий для проявления коррупции» // http://www.nbrilev.ru/metodika_expertiza_korrupciya.htm; *Россинская Е.Р.* Специальные юридические знания и судебно-нормативные экспертизы // *Argumentum ad iudicium* ВЮЗИ-МЮИ-МГЮА: Труды. Т. 2. – М.: МГЮА, 2006. – С.11; *Хабриева Т.Я.* Формирование правовых основ антикоррупционной экспертизы нормативных правовых актов // Журнал российского права. – 2009. – № 10. – С.9; *Талапина Э.В.* Об антикоррупционной экспертизе // Журнал российского права. – 2007. – № 5. – С.21; *Матковский С.В.* Правовая природа антикоррупционной экспертизы // *Российский следователь*. – 2008. – № 24. – С.24; и др.

³ См.: *Россинская Е.Р.* Специальные юридические знания и судебно-нормативные экспертизы // *Argumentum ad iudicium* ВЮЗИ-МЮИ-МГЮА: Труды. Т. 2. – М.: МГЮА, 2006. – С.12.

Х. Д. Сарабеков,

ИИВ Академияси жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш кафедраси катта ўқитувчиси

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ – КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ

Аннотация. Мақолада жамоатчилик фикри коррупция ва у билан боғлиқ жиноятларга қарши курашдаги асосий омил сифатида таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳокимият, коррупция, жамоатчилик фикри.

Общественное мнение – основной фактор борьбы с коррупцией

Аннотация. В статье анализируется роль общественного мнения как основного фактора в борьбе с коррупцией и связанными с ней преступлениями.

Ключевые слова: правовое культура, правовое сознание, власть, коррупция, общественное мнение.

Public opinion is the main factor of anti-corruption drive

Annotation. The article analyses the role of public opinion as a main factor in anti-corruption drive and crimes connected with it.

Keywords: legal culture, legal consciousness, authorities, corruption.

Дунё ҳамжамияти коррупцияни ҳар бир давлат ва жамиятда унинг ривожланишига тўсқинлик қиладиган, мамлакатдаги қонунларга ишончсизлик, ҳурматсизлик руҳини вужудга келтирадиган иллат деб ҳисоблайди. Коррупция – давлат функциясини бажариш топширилган хизматчиларнинг ўз хизмат мавқеи ва эгаллаб турган мансаби ҳамда у билан боғлиқ обрўсидан шахсий бойлик орттириш мақсадида ёки бир гуруҳ шахсларнинг манфаатлари йўлида ғараз мақсадларда фойдаланишидан иборат хавфли ҳодисадир. Шу боис ҳозирги замон миллий ва халқаро ҳуқуқида тобора кўп қўлланилаётган атамалардан бири ҳам «коррупция»дир.

Коррупция, албатта, бугун пайдо бўлган иллат эмас. Буюк мутафаккирлар қарашларида коррупция домига элтувчи иллатлар кескин қораланган. Жумладан, қадимги юнон файласуфи Аристотель шундай деган: «Ҳар қандай давлат тизимида – қонунлар ва бошқа фармойишлар орқали ишни шундай ташкил қилиш керакки, унда мансабдор

шахсларнинг ноқонуний йўл билан бойишига йўл қўймаслик лозим»¹. Француз мутафаккири Шарл Монтескьё: «...Ҳар қандай ҳокимият ваколатига эга шахс уни суиистеъмол қилишга мойил бўлади ва у маълум бир мақсадга эришмагунча шу йўналишда юради», деган фикрни билдирган.

Буюк хитой донишманди Конфуций пок инсонда беш хислат бўлиши лозимлигини таъкидлаб, улардан иккинчиси ҳақиқат, адолат эканлигини айтади. Бунга кўра инсон яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтариши лозим. Ҳақ сўз, ҳақ амал ҳамиша голиб. Буюк мутаффакир бу ҳақда: «Оқил одам адолат излайди, пасткаш эса – манфаат», – дейди.

Франциялик файласуф Франсуа Мари Аруэнинг фикрича, «ҳалол одамни таъқиб қилиш мумкин, аммо шарманда қилиб бўлмайди».

Қадимий хитой файласуфи Сюн-цзи шахсий манфаатини устун қўйган шахс

ҳақида: «Фақат ўз шахсий манфаати ҳақида қайғуриб, бурчни унутмоқлик ўтакетган пасткашлиқдир», — дея фикр билдирган.

Буюк шоир Абулқосим Фирдавсий ўзининг «очкўзлик ва муҳтожлик — мангу бедор икки иблис» деган сўзлари билан манфаатпарастликни қоралаган.

Таъкидлаш ўринлики, дунё ҳамжамиятини ташвишга солган таҳдидга қарши кураш соҳасида мамлакатимизда ҳам мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепциясида коррупция мамлакатнинг миллий хавфсизлигига таҳдидлардан бири сифатида эътироф этилди. «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури»да ҳам коррупцияга қарши кураш йўналишлари белгиланган.

Мамлакатимиз 2008 йил 7 июлда БМТ-нинг юқорида номи кўрсатиб ўтилган Конвенциясига, 2010 йил март ойида эса Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти доирасида қабул қилинган коррупцияга қарши кураш бўйича Истанбул (2003 йил 10 сентябрь) режасига қўшилди. Шунингдек, Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросиё гуруҳи тўғрисидаги битими (Москва, 2011 йил 16 июнь) 2011 йил 13 декабрда Олий Мажлис томонидан ратификация қилинди.

Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида» қонун қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари айтганидек, «халқимиз ҳамма нарсадан устун қўядиган адолат туйғусини ҳаётимизда том маънода қарор топтириш энг асосий вазифамизга айланиши шарт»².

Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини юксалтириш жамият равнақи ва барқарорлигининг асосий шартларидан саналади. Бинобарин, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини юксалти-

риш орқали бу иллатга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ва унинг олдини олиш мумкин. Коррупцияга қарши курашиш бўйича Тошкент шаҳар идоралараро комиссияси ҳам ушбу йўналишда кенг қўламли ишларни амалга ошириш баробарида, давлат ҳамда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида коррупция тусидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. 2017–2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури бунда муҳим омил бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган мазкур қонун коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда муҳим ҳуқуқий асос яратди. Бу давлат органлари, ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилаётган коррупцияга қарши чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг намоеън бўлишига йўл қўймаслик, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали жамиятда коррупциянинг барча шаклларида нисбатан муросасиз муносабат қарор топади.

Жамотачилик фикрини ўрганувчи «Ижтимоий фикр» маркази «Коррупцияга қарши курашиш жамоатчилиқ фикри кўзгусида» мавзуида сўров ўтказди³. Тадқиқот ўтказилишидан мақсад Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, «Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2017–2018 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» доирасида коррупция ҳақида жамоатчилиқ фикрини мониторинг тартибида ўрганиш, фуқароларнинг давлат органлари, ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан коррупцияга қарши олиб борилаётган курашиш чораларига нисбатан муносабатини аниқлашдан иборатдир.

Сўров жараёнида маълум бўлдики, фаолияти хусусий тадбиркорлик ва бизнес билан боғлиқ бўлган респондентлар, хорижий ташкилотлар ва фирмалар ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари ҳамда лицей, коллеж ва олий ўқув юртлири талабалари бошқа соҳаларда банд бўлган фуқароларга нисбатан кўпроқ «коррупция мавжуд» деб жавоб беришган.

Сўров натижасига кўра, аксарият ўзбекистонликлар (76,3 фоиз), коррупция ва у билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ҳамма жойда ҳам тарқалмаган, «коррупция ҳолатлари жамиятнинг айрим соҳаларида мавжуд», деб ҳисоблашади, респондентларнинг 14,6 фоиз эса «коррупция жамиятимизнинг кўплаб соҳаларига кириб борган», деб ҳисоблайдилар.

Сўров давомида респондентлар орасида коррупциянинг тарқалиши ҳақида меҳнат фаолияти соҳаси ёки бандлигига боғлиқ ҳолатда фикрлар хилма-хиллиги кузатилган. Масалан, фермерлар, тадбиркорлар, яқка тартибда меҳнат фаолиятини олиб бораётганлар ҳамда вақтинчалик иш билан банд бўлмаганлар бошқа соҳада меҳнат қилаётганларга нисбатан кўпроқ «коррупция кенг тарқалган иллат» деб жавоб берган.

Жамоатчилик фикри сўрови шуни кўрсатдики, фуқаролар коррупцияни мураккаб ижтимоий иллат сифатида баҳолаганлар. Жамоатчилик онгида коррупция — кўп тузилмали, кўп босқичли мазмунга эга бўлган, жамиятда турли кўринишдаги хавфли хатти-ҳаракатлар комплексини ўз ичига олган кенг миқёсдаги ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ҳодисадир.

Сўровда давлат ва жамиятнинг фуқаролар назарида, коррупция энг кўп тарқалган, коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар кўп учрайдиган соҳалари аниқланди. Олинган натижаларга кўра, «Давлат ва жамиятнинг қайси соҳаларига коррупция энг кўп кириб борган?», деган саволга респондентларнинг 37,6 фоиз — «соғлиқни сақлаш ва тиббиёт», 31,4 фоиз эса таълим соҳаси деб жавоб берганлар. Сўровда иштирок этганларнинг

ҳар тўртинчиси айрим ҳуқуқ-тартибот органлари коррупциялашган, деган фикрни билдиришган, ҳар олтинчи респондент коррупция ишга қабул қилишда кўпроқ учрайди, деган фикрда.

Сўров давомида давлат хизматида бўлган лавозимли шахсларнинг қанча қисми ўз мавқеидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиши аён бўлди. Сўровнинг ҳар иккинчи иштирокчиси кўпчилик юқори лавозимли кишилар ўз вазифаларини ҳалол бажарадилар ва ўз мавқеидан шахсий манфаати учун фойдаланмайди, деб ҳисоблашади. Ҳар тўртинчи респондентнинг фикрича эса, ўз хизмат лавозимидан шахсий манфаати йўлида фойдаланадиганлар ва коррупцияга берилмаганлар нисбати тенг.

Сўров давомида Ўзбекистон жамиятида коррупцияни идрок қилишни умумий баҳолаш Индекси аниқланди. Ушбу кўрсаткич респондентларнинг коррупция тўғрисидаги, унинг мамлакатимизда тарқалганлик даражаси ҳамда унга турли даражадаги лавозимли шахсларнинг аралашгани ҳақидаги фикрини аниқлаб берадиган савол-индикаторларга жавобларнинг якуний миқдори улушини ўлчаш натижасида аниқланди.

Шу йўл билан олинган коррупцияни идрок қилишни баҳолаш индекси 0,29ни ташкил этди, бу эса жаҳон тажрибасини инобатга олганда фуқароларимизнинг коррупция тарқалишини идрок этиши паст баҳоланишига мос келади.

Олиб борилган мониторинг натижалари шуни кўрсатдики, коррупцияни идрок қилишни баҳолаш индекси кўрсаткичлари 2017 йилда 2016 йилга нисбатан бироз ошган. Бу аҳолининг умуман коррупция ҳақида, унинг давлат ва жамият фаолиятининг айрим соҳаларида учраб туриши, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсири, давлат томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларда хабардорлик даражаси, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқий маданият даражаси ва фуқаролар фаоллиги

ошгани ҳамда фуқароларнинг коррупция каби салбий ижтимоий ҳодисаларга кескин ва салбий муносабат билдириши билан боғлиқ бўлмоқда.

Сўров натижаларининг кўрсатишича, республикада Президентнинг коррупцияга қарши курашиш масаласи бўйича қатъий ва изчил позицияси ўзбекистонликларнинг жамиятни бошқариш институти сифатида давлатга бўлган юксак ишончини белгилайдиган муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Коррупцияга қарши курашишда муваффақиятга эришиш кўп ҳолларда коррупцияни келтириб чиқариш омиллари, сабаблари ва шароитларини аниқлаш ва ҳисобга олишга боғлиқ. Жамоатчилик фикри сўрови шуни кўрсатдики, фуқароларнинг фикрича, Ўзбекистон жамоатчилигида коррупциянинг асосий сабаби фуқаролар жамиятининг ривожланмаганлиги, фуқаролик жамияти томонидан мансабдор шахслар устидан жамоатчилик назорати яхши йўлга қўйилмаганлиги, ўз ҳуқуқини англаш даражасининг пастлиги, ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада эмаслигидадир. Сўров иштирокчиларининг фикрича, мансабдор шахслар ваколат доирасининг кенглиги, уларнинг фуқаролар фаровонлиги билан боғлиқ қарорларни қабул қилишга таъсир этиш имконияти коррупция пайдо бўлишининг эҳтимоллигини оширади.

Респондентлар коррупция пайдо бўлишига олиб келадиган сабаблардан бири сифатида «айрим хизматчиларнинг ойлик маоши пастлиги»ни кўрсатишди. Ҳақиқатан ҳам, ўз фаолияти учун муносиб маош олмайдиган ва моддий қийинчиликни бошидан кечираётган мансабдор шахс ўз мавқеидан шахсий бойлик орттириш, тамагирлик учун фойдаланади.

Сўровлар мониторингида шу нарса аён бўлдики, кейинги пайтларда коррупцияга олиб келувчи сабаблар сифатида коррупцияга қарши қонунчилик базаси такомиллашмаганлигига ургу берувчи фуқаролар сони

8 фоизга камайган (2016 йилги 18,4 фоиздан 2017 йилги 10,4 фоизгача) ва бу ҳақиқатан ҳам тўғри, чунки мамлакатимизда «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди⁴ ва бу қонун мазкур соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солмоқда. Коррупцияга қарши курашиш дастурининг ишлаб чиқилиши ва ҳаётга жорий қилинаётгани, фуқароларнинг фикрича, ҳозирданоқ коррупцияни чеклаш ва бартараф этишнинг самарали тизимига айланди.

Тадқиқот давомида фуқароларнинг мансабдор шахсларни ўз мавқеидан шахсий манфаати йўлида фойдаланишга ва коррупция ҳуқуқбузарлигини амалга оширишга ундайдиган сабабларга нисбатан фикри аён бўлди.

Сўров иштирокчиларининг ҳар иккинчиси ишонадики, мансабдор шахсларни коррупция билан боғлиқ жиноятларни амалга оширишга ундайдиган асосий омил, ўз моддий аҳволини яхшилаб олиш ва бойиш истагидир. Респондентларнинг фикрича, айрим мансабдор шахсларнинг ҳуқуқбузарлик ҳаракатига фуқароларнинг ўзлари шахсий муаммоларини ҳал қилиб бериш эвазига берадиган моддий мукофот ёки бошқа кўринишдаги ҳадялар сабаб бўларкан.

Жамоатчилик фикри сўрови шуни кўрсатдики, респондентларнинг мутлақ кўпчилиги (91,8 фоиз) коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, шунингдек коррупцияга йўл очувчи шарт-шароит ва сабабларни бартараф қилишга қаратилган саъй-ҳаракатларни юқори баҳолайдилар, уларни самарали ва муваффақиятли деб ҳисоблайдилар. Олинган натижалар шундан гувоҳлик берадики, Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунини ҳаётга жорий қилишга қаратилган чоратадбирлар фуқаролар томонидан юксак даражада қўллаб-қувватланмоқда, чунки респондентларнинг фикрича, бу саъй-ҳаракатлар мамлакатимиз аҳолиси ўртасида коррупцияга қарши нуқтаи назарнинг шаклланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Сўров натижасида шу нарса аён бўлдики, сўнгги пайтларда ноқонуний хатти-ҳаракатлардан воз кечиб, ўз муаммоларини қонуний йўл билан ҳал этишни маъқул кўраётган фуқаролар сони тобора ортиб бормоқда: мансабдор шахс ундан пора талаб қилганда сўралган моддий мукофотни беришга рози бўлган респондентлар сони 2016 йилда 58,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 44,4 фоизгача камайди.

Сўров натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ўзбекистонликлар давлатимизнинг коррупцияга қарши қатъий курашиш стратегиясини қўллаб-қувватламоқда. Фуқаролар коррупцияга қарши сиёсатнинг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни тўлиқ маъқулламоқда. Мамлакатнинг барча ҳудуди, шаҳар ёки қишлоқ аҳолиси – жинси, ёши ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар – респондентларнинг асосий кўпчилиги давлатнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга ошираётган фаолиятини қўллаб-қувватлашини маълум қилдилар.

Таъкидланганидек, ҳозирда кўплаб давлатларда терроризм, айирмачилик, сепаратизм, уюшган жиноятчилик, шу жумладан коррупция авж олаётгани дунё жамоатчилигини ташвишга солмоқда. Ана шундай бир шароитда мансабдор шахсларнинг жиноятчилар билан тил бириктириши натижасида

жамият сиёсий ва иқтисодий инқирозга юз тутиши мумкинлиги коррупциянинг ижтимоий хавфи нечоғлик катта эканидан далолат беради. Бундай хавфли қилмиш охир-оқибат уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдиз отиб, гуллаб-яшнаши учун шароит яратиб беради.

Қолаверса, коррупция фуқаролар, айниқса, ёш авлодда ижтимоий адолатга, ҳақиқатга, давлат органлари ва мансабдор шахсларга ишончни сусайтиради. Шу нуқтаи назардан, ўсиб келаётган ёш авлодни, айниқса, коллеж ва олий таълим муассаларини битириб, касбий фаолият бошлаш остонасида турган ёшларга коррупциянинг нечоғлик хавфли иллат экани ҳақида маълумотлар бериш фойдадан холи бўлмайди. Негаки, бугунги кун битирувчиси эртанги мутахассис, жамият ва давлат бошқарувининг иштирокчисидир.

Коррупция демократик институтларни заифлаштирувчи, ижтимоий тартибни бузувчи ва жамият ишончини поймол этувчи иллат бўлиб, унинг олдини олиш ва унга барҳам беришда давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш зарур.

¹ Қасамёдига хиёнат қилмаганлар // Постда. – 2018. – 17 сент. – <http://postda.uz/xabarlar/1188>

² Прокуратуранинг бугунги фаолияти талабга жавоб берадими? // <https://zamin.uz/uzbekiston/16708>

³ Жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат шаклланмоқда // http://fikir.uz/blog/korrupciyaga_qarshi_kurash/zhamijatda-korrupcijaga-nisbatan-murosasiz-munosabat-shakllanmo_da.html (16 июнь 2017, 12:24)

⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги қонуни. 2017 йил 3 январь, ЎРҚ-419-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация. Мақолада коррупция ва у билан боғлиқ жиноятларга қарши курашни тартибга солувчи халқаро ва миллий ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: жиноятчилик, коррупция, коррупцияга қарши кураш, ҳуқуқий асослар.

Международные и национальные правовые основы борьбы с коррупцией в Республики Узбекистан

Аннотация. В статье анализируются международные и национальные правовые акты, регламентирующие борьбу с коррупцией и связанными с ней преступлениями в Республики Узбекистан.

Ключевые слова: преступность, коррупция, борьба с коррупцией, правовые основы.

International and national legal basis of anti-corruption drive in the Republic of Uzbekistan

Annotation: The article analyses international and national legal acts regulating anti-corruption drive and crimes connected with it in the Republic of Uzbekistan.

Жамиятни янгилаш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш шароитида қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши ва ижроси, ислоҳот ва ўзгаришларнинг ҳуқуқий асосларини нафақат тушуниш, балки амалиётга татбиқ этиш муҳим.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 декабрь куниндаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, «...мамлакатимизда коррупцияга қарши самарали кураш олиб бориш мақсадида ушбу йўналишда алоҳида қонун қабул қилинди. Шу асосда аниқ мақсадларга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олган давлат дастури изчиллик билан амалга оширилмоқда. Ана шундай ишларимиз натижасида шу йилнинг 9 ойида коррупция билан боғлиқ жиноятлар ўтган йилга нисбатан 33 фоизга камайди. Биз бундай натижаларни коррупцияга қарши кураш борасидаги узоқ ва давомли фаолиятимизнинг дастлабки самараси, деб қабул қилишимиз, бу йўлда янада қатъий иш олиб боришимиз шарт»¹.

Дарҳақиқат, бугун иқтисодиёт, сиёсат, давлат ва суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган барча ўзгариш ва ислоҳотлар пировард натижада ягона мақсадга — Ўзбекистон халқи учун муносиб турмуш шароити яра-

тиш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини изчил ошириб бориш, ҳар бир инсонга ўзининг интеллектуал, касбий ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур имкониятлар яратиб беришга қаратилган.

Мамлакатимиз ривожланаётган ва дунё ҳамжамиятида муносиб ўрнини белгилаётган бир пайтда, республикаимиз Президенти таъкидлаб ўтганидек, фақатгина эришилаётган ютуқларимизга маҳлиё бўлиш кайфиятида бўлмасдан, Ватанимизни янада юксалтириш мақсадида муаммо ва камчиликларни аниқлаб, ўз вақтида бартараф этишимиз лозим.

Бизга маълум барча тоифадаги жиноятлар оз ёки кўп миқдорда ҳар бир замон ва маконда бўлган. Жумладан, коррупция жинояти ҳам барча мамлакатларда мавжуд.

Халқаро ҳужжатларда биринчи бор «коррупция» тушунчасига БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюцияси билан 1979 йил 17 декабрда қабул қилинган Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш юзасидан мансабдор шахсларнинг ахлоқ кодексида алоҳида эътибор берилган бўлиб, «...мансабдор шахсининг ҳар қандай шаклдаги мукофот эвазига ўз мансаб ваколатлари доирасида мазкур мукофотни берувчи шахс манфаатларини кўзлаб, лавозим йўриқномаси қоидаларини буз-

ган ҳолда ёки бузмасдан муайян ҳаракатларни бажариши ёки ҳаракатсизлиги» сифатида таърифланган.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1990 йил Гаванада коррупция муаммоларига бағишлаб ўтказилган минтақаларо семинарида қабул қилинган Давлат хизматчилари учун халқаро хулқ-атвор кодексида коррупцияга «мансабдор шахсларнинг шахсий ёки гуруҳ манфаатини кўзлаб мансабини суиистеъмом қилиш, шунингдек давлат хизматчилари томонидан ўзлари эгаллаб турган хизмат вазифаларидан ғайриқонуний фойдаланиш кўринишларидир», деган таъриф берилган.

Ушбу таърифда коррупциянинг ўзагини мансаб ваколатларидан ғайриқонуний фойдаланиш ташкил этиши кўрсатилган.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясида коррупцияга энг қисқа, лекин кенг қамровли таъриф берилган: «Коррупция — бу шахсий наф кўриш мақсадида давлат ҳокимиятини суиистеъмом қилишдир»².

Коррупцияга қарши кураш борасида энг асосий халқаро ҳужжат, шубҳасиз, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясидир. Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро ҳужжатни ратификация қилган. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги қонуни 2008 йил 24 июнда қабул қилинди ва 2008 йил 27 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан маъқулланди. Қонун 2008 йил 28 августдан эътиборан кучга кирди.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси муқаддима ҳамда 8 та боб, 71 та моддадан иборат бўлиб, 1-бобда — умумий қоидалар, 2-бобда — коррупциянинг олдини олиш чоралари, 3-бобда — жиноятчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, 4-бобда — халқаро ҳамкорлик, 5-бобда — активларни қайтариш бўйича чоралар, 6-бобда — техник ёрдам ва маълумот алмашинуви, 7-бобда — амалга ошириш механизмлари, 8-бобда эса яқуний қоидалар акс этган.

Ўзбекистон Республикаси мазкур конвенцияга бир неча билдириш, баёнот ва шартлар билан қўшилган. Жумладан, Қонуннинг 1-бандида (Конвенция 6-моддасининг 3-банди бўйича) Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Адлия вазирлиги коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда бошқа иштирокчи давлатларга ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган органлар сифатида белгиланган.

Бу қоида Конвенциянинг 6-моддаси 3-бандидаги ҳар бир иштирокчи давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишда бошқа иштирокчи давлатларга ёрдам бериши мумкин бўлган орган ёки органларнинг номи ва манзилени хабар қилади, деган талабларига тўлиқ жавоб беради.

Қонуннинг 2-бандига кўра, (Конвенция 42-моддасининг 1 ва 3-бандлари бўйича) 15- («Миллий оммавий мансабдор шахсларни пора эвазига оғдириш»), 16- («Хорижий оммавий мансабдор шахсларни ва оммавий халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахсларини пора эвазига оғдириш»), 17- («Оммавий мансабдор шахс томонидан мол-мулк талон-торож қилиниши, ноқонуний ўзлаштирилиши ёки кўзда тутилмаган мақсадларда ишлатилиши»), 18- («Фаразли мақсадларда мавқеидан фойдаланиш»), 19- («Хизмат мавқеининг суиистеъмом қилиниши»), 21- («Хусусий секторда пора эвазига оғдириш»), 22- («Хусусий секторда мулкнинг талон-торож қилиниши»), 23-модданинг 1-банди («Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш»), 24- («Яшириш»), 25- («Одил судловнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш»), 27- («Иштирок ва суиқасд») моддаларида назарда тутилган қилмишлар миллий қонунчиликка мувофиқ жиноий жазоланадиган қилмиш эканлиги ва уларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг юрисдикцияси татбиқ этилиши баён этилган.

Ушбу хатти-ҳаракатлар Ўзбекистон жиноят қонунчилиги бўйича ҳам жиноий

қилмиш сифатида баҳоланади ва амалдаги жиноят қонунида бундай қилмишлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Қонуннинг 3-бандида (Ўзбекистон Республикаси Конвенция 44-моддаси 6-бандининг «а» кичик бандига мувофиқ) ушбу Конвенциядан коррупция жиноятлари содир этган шахсларни тутиб топшириш масалаларида ушбу Конвенциянинг бошқа иштирокчи давлатлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш учун ҳуқуқий асос сифатида фойдаланишини билдирган.

Қонуннинг 4-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конвенциянинг 46-моддаси 13-банди бўйича «Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимосларни олиш ва бажариш ёки бундай илтимосларни бажариш учун Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органларига юборишга жавобгар бўлган марказий орган эканлигини, 14-банди бўйича «Ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги илтимосларни юборишда, ўзбек, рус ва инглиз тиллари мақбул тиллар сифатида белгиланган.

Конвенциянинг 66-моддаси 2-банди қоидаларига эътибор берадиган бўлсак, Ўзбекистоннинг бу позицияси тегишли асосга эга эканлигига амин бўламиз.

Яъни, бу бандда икки ёки ундан ортиқ иштирокчи давлатларнинг Конвенцияни шарҳлаш ёки қўллаш билан боғлиқ ҳар қандай келишмовчилиги мунозаралар олиб бориш ёки арбитраж йўли билан ҳал этилиши, келишмовчиликлар бу йўсинда ўз ечимини топмаган тақдирда давлатлардан бирининг Халқаро Судга мурожаат этиши орқали бир қарорга келиши мумкинлиги таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришган дастлабки кунлардан бошлаб мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг бевосита раҳбарлигида собиқ тоталитар тузумдан мерос бўлиб ўтган иллат — коррупцияга қарши кескин ва муросасиз курашиб келмоқда. Дастлаб коррупцияга қарши курашни амалга оширадиган махсус давлат органлари белгилаб олинди ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари таркибида коррупция ва

уюшган жиноятчиликка қарши курашувчи алоҳида тузилма ва бўлимлар шакллантирилди.

Ислоҳотларнинг изчил давоми сифатида Ўзбекистон Республикасида 2017 йил 4 январь куни «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди ва унинг 19-моддасида давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чоратadbирлар сифатида қуйидагилар белгиланди:

давлат органлари фаолиятининг очиқлигини ва ҳисобдорлигини таъминлаш, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш, давлат органларининг, мансабдор шахсларининг ва бошқа ходимларининг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши юзасидан масъулиятини кучайтириш;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органларининг фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

давлат органларининг ва улар ходимларининг фаолиятида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик;

давлат органларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларининг бажарилиши самарадорлиги мезонлари, стандартлари ва унинг сифатини баҳолаш тизимларини жорий этиш;

давлат органлари ходимларининг касбий ҳамда хизматдан ташқари фаолиятдаги одоб-ахлоқининг ягона принциплари ва қоидаларини белгиловчи одоб-ахлоқ қоидаларини самарали амалга ошириш;

давлат органлари ходимлари манфаатларининг тўқнашувини ҳал қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, уларга риоя этилиши юзасидан мониторинг ўтказилишини таъминлаш;

давлат органлари ходимларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш, хизмат ўташнинг шаффоф тартибининг ўрнатиш, шахсий ва касбий хислатлар, очиқлик, бегаразлик, адолатлилик ва холислик принциплари асосида танлов бўйича саралаш ҳамда хизматда кўтарилиш тизимини жорий этиш;

давлат органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши, мурожаатларнинг тўлиқ,

холисона ва ўз вақтида кўриб чиқиши, улар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликларини тиклаш ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўрилиши устидан назоратни таъминлаш;

давлат органлари фаолиятида коррупциянинг олдини олишга доир тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан ушбу органлар томонидан кўрилатган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаган ҳолда мунтазам равишда мониторинг ўтказиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва лойиҳаларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ташкил этиш;

давлат органларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг самарали ижтимоий ҳимоя қилиниши, моддий таъминот олиши ва рағбатлантирилишини таъминлаш.

Қонун ҳужжатларида давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир бошқа чора-тадбирлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Давлат органларининг ва ўзга ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда бошқа ходимлари қонун ҳужжатларига риоя этиши, ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан, холисона, виждонан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажариши ҳамда коррупцияга оид бирор-бир ҳуқуқбузарликни содир этишдан ёки бундай ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши шарт.

БМТ Ривожланиш дастурининг назарий таҳлиliga кўра коррупциянинг вужудга келишида қуйидаги омиллар катта роль ўйнайди:

- ваколат ёки ҳокимиятнинг суиистеъмол қилиниши, шахсий манфаатнинг устун қўйилиши ва ўзбошимчалик, ҳисобдорлик ва ошкораликнинг йўқлиги ана шулар жумласидандир.

Шу ўринда ХХI асрга келиб, глобал ҳодиса ҳисобланган коррупцияга қарши кураш барча давлатлар жамоатчилигининг диққат марказидаги асосий ўринларидан бирини эгаллаётгани ҳамда мамлакатларнинг иқтисодий ўсишига таҳдид эканлиги, ислохотларнинг депсиниб туришига сабаб бўлаётгани ҳақида қайғурган мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, «шуни унутмаслик керакки, тамагирлик, тўрачилик, порахўрлик, кибр-ҳаво, коррупция ниҳоятда юқумли ва хавфли касалликдир. Ўз вақтида олди олинмаса, бундай ёмон иллат бутун жамият танасига ёйилиши ва уни ҳалок қилиши мумкин. Бу иллат, аввало, шу касалга мубтало бўлган одамнинг ўзини еб ишдан чиқаради. Унинг иймонини, охиратини хонавайрон қилади. Сўнгра бошқа инсонларни, аста-секин бутун жамиятни емиришга ўтади»³.

Халқимизнинг том маънодаги адолат қарор топган жамиятда яшаши учун нафақат масъул шахслар, балки ҳар бир фуқаро ўз ҳиссасини кўшиши зарур. Бу фуқароларимизда коррупцияга, аниқроқ айтганда, ҳар қандай қонунбузарликка нисбатан мурасизлик кайфияти, маданияти шаклланишига ҳам боғлиқ. Чунки ҳар қандай қонунбузарлик содир этилишига, кўпайишига кўп ҳолларда ўзимизнинг бефарқлигимиз, лоқайдлигимиз сабаб бўлиб келмоқда. Барчанинг яқдиллиги, юрт тақдирига дахлдорлиги кучайиши ҳар қандай иллатнинг батамом барҳам топишига хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, энг аввало давлат хизматчилари фаолиятининг ошкоралигини таъминлашда ҳар бир соҳада билимли, илмли шу билан бирга чет тилларни мукамал биладиган етук кадрларни тайёрлаш, танлов асосида ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлаш энг муҳим масалалардан бўлиши лозим.

¹ Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрь кунидаги мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2017. – 23 дек.

² Халқаро ҳужжатларда биринчи бор коррупция тушунчасига БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1979 йил 17 декабрда қабул қилинган «Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг ахлоқ кодекси».

³ Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т., 1998. – Б. 88.

К. О. Махмудов,
*начальник кафедры специальных правовых дисциплин
Военно-технического института Национальной гвардии Республики Узбекистан*

ОБЩИЕ ПРИЧИНЫ И УСЛОВИЯ КОРРУПЦИИ В СОВРЕМЕННОМ ОБЩЕСТВЕ

Аннотация. В статье рассматриваются общие причины и условия возникновения коррупции, а также пути их устранения в Узбекистане.

Ключевые слова: общие проблемы, причины, условия, коррупция, преступление, предупреждение, должностное или служебное положение, права человека, интересы граждан, общество, государство.

Ҳозирги жамиятда коррупция вужудга келишининг умумий сабаб ва шароитлари

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда коррупция вужудга келишининг умумий сабаб ва шароитлари ҳамда уларни бартараф этиш йўллари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: умумий муаммолар, сабаблар, шароитлар, коррупция, жиноят, олдини олиш, мансабдор ёки хизмат мавқеи, инсон ҳуқуқлари, фуқароларнинг манфаатлари, жамият, давлат.

General reasons and conditions of appearance of corruption in modern society

Annotation. The article deals with the problems of general reasons and conditions of corruption and ways of elimination them in Uzbekistan.

Keywords: general problems, reasons, conditions, corruption, crime, prevention, official or official position, human rights, interests of citizens, society, state.

Как известно, коррупция – это социальное явление. В ч. 1 ст.3 Закона Республики Узбекистан от 3 января 2017 г. «О противодействии коррупции» она определена, как «незаконное использование лицом своего должностного или служебного положения с целью получения материальной или нематериальной выгоды в личных интересах или в интересах иных лиц, а равно незаконное предоставление такой выгоды». В ч. 2 этой же статьи Закона под коррупционным правонарушением понимается «деяние, обладающее признаками коррупции, за совершение которого законодательством предусмотрена ответственность». И, наконец, ч. 3 рассматриваемой статьи определяет конфликт интересов, как ситуацию, «при которой личная заинтересованность (прямая или косвенная) влияет или может повлиять на надлежащее исполнение лицом должност-

ных или служебных обязанностей и при которой возникает либо может возникнуть противоречие между личной заинтересованностью и правами и законными интересами граждан, организаций, общества или государства»¹.

Исходя из законодательного положения остановимся на признаках данного явления.

1. *Социальное явление*, которое влечет за собой разложение всего гражданского общества и государства, когда коррупционные деяния становятся повседневной нормой жизни общества.

2. *Круг субъектов данного правонарушения* – государственные служащие, лица, уполномоченные на выполнение государственных функций, а также лица, уполномоченные на выполнение управленческих функций в частном секторе.

3. *Использование указанными субъектами (путем действия или бездействия) своего служебного положения, своего правового статуса и авторитета занимаемой должности вопреки интересам службы (т.е. государственной службы и службы в организациях частного сектора) и установленным нормам права и морали.*

4. *Деятельность вышеназванных субъектов как в целях личного обогащения, так и в интересах других лиц либо корпоративных интересах.*

Как нам представляется, коррупцию условно можно классифицировать на несколько основных видов:

- 1) по статусу субъектов:
 - а) коррупция в органах власти;
 - б) коррупция в частном секторе;
 - в) коррупция в политике или политическая коррупция;
- 2) по уровням:
 - а) низовая;
 - б) верхушечная;
 - в) вертикальная;
- 3) по степени общественной опасности:
 - а) коррупция-проступок;
 - б) коррупция-преступление.

На наш взгляд, рассматривая коррупцию, составы коррупционных преступлений можно условно разделить на: прямые (основные) коррупционные; косвенные, т.е. факультативные.

В целях исключения различных злоупотреблений, связанных со служебной деятельностью государственных служащих, возникла необходимость введения норм, направленных, прежде всего, на недопущение сращивания руководящих чиновников с коммерческими и иными организациями, а также запрещающих заниматься предпринимательской деятельностью через членов своей семьи в случаях, если организация, где работает член семьи госслужащего, находится в какой-либо зависимости от

органа государственной власти.

В системе органов власти республики авторами предлагается создать подразделения своего рода «внутренних ревизий», как это сделано в Германии, для выявления и пресечения фактов коррупции в органах власти. В других структурах предлагается создать своего рода «отделы собственной безопасности», как это сделано в МВД, СГБ и других силовых структурах Узбекистана.

По объектам посягательства коррупционные преступления классифицируются на следующие виды:

– коррупционные преступления, связанные с хищением чужого имущества (п. «г» ч.2 ст. 167 УК РУз);

– коррупционные преступления в сфере экономической деятельности (ст. 175 и п. «г» ч. 2 ст.182 УК РУз);

– коррупционные преступления в сфере хозяйственной деятельности (п. «г» ч. 2 ст. 186¹ - п. «г» ч. 2 ст. 186³ УК РУз);

– коррупционные преступления, связанные с воспрепятствованием, незаконным вмешательством в предпринимательскую деятельность, и другие преступления, посягающие на права и законные интересы хозяйствующих субъектов (ст.ст. 192¹ -192¹¹ УК РУз);

– коррупционные преступления против порядка управления (ст. 205-214, ч. 2 ст. 224 УК РУз);

– коррупционные преступления, составляющие незаконный оборот наркотических средств или психотропных веществ (п «д» ч. 2 ст. 271 УК РУз);

– коррупционные преступления в сфере информационных технологий (п. «в» ч. 2 ст. 278² и п. «в» ч. 2 ст. 278² УК РУз);

– воинские коррупционные преступления (ст. 301 УК РУз).

Представляется, что для того чтобы статьи, предусматривающие коррупционные нормы УК РУз заработали в должной мере, а также для существенного снижения уровня

коррупционности среди государственных служащих необходима их редакция, о чем нами выше было изложено.

Распространенность взяток привела к тому, что во многих учреждениях сложилась многоступенчатая система взяточничества, при которой довольно жестко расписаны тарифы на оказание услуг, зависящие от их сложности и занимаемого лицом положения. Отрабатанная годами технология взяточничества сделала борьбу с этим и другими негативными явлениями чрезвычайно трудной в связи с активным использованием понятия «провокация».

В этой связи представляется необходимым дополнить главу XV УК РУз следующими статьями: ст. 207¹ «Халатность в коммерческих и иных организациях» и ст. 209¹ «Служебный подлог в коммерческих и иных организациях».

Большинство простых граждан непосредственно общается с рядовыми государственными служащими (главными, ведущими специалистами и т.д.), не относящимися к категории должностных. Зачастую от этого общения зависит решение того или иного вопроса для гражданина, и по результатам именно этого общения дается оценка всей власти в целом. В случае вымогательства незаконного вознаграждения со стороны государственных служащих у граждан складывается соответствующее мнение о том, что вся власть продажная, отчего страдает, прежде всего, авторитет государственной власти и интересы государственной службы и службы в органах местного самоуправления.

В этой связи возникает необходимость усилить ответственность по ч.2 и 3 ст. 214 УК РУз, предусматривающей уголовную ответственность субъектов за незаконное получение вознаграждения путем вымогательства.

Представляется необходимым ввести дополнительные нормы, предусматривающие ответственность за обналичивание денежных средств и нарушение правил

ведения бухгалтерского учета и отчетности, поместив их в главу XII УК РУз (Преступления против основ экономики): ст. 184² «Незаконное обналичивание денежных средств».

Как справедливо отмечают некоторые ученые, проблемы, порождающие коррупцию, можно условно разделить на *общие* и *специфические*².

К *общим* относятся те, которые свойственны не только Узбекистану, но и большинству стран, переживающих переходный период от централизованной к рыночной экономике. Вот некоторые из этих проблем:

- 1) неукорененность демократических политических традиций;
- 2) несовершенство гражданского общества, отрыв общества от власти;
- 3) неэффективность институтов власти;
- 4) недостаток и пробелы законодательства;
- 5) трудности преодоления последствий тоталитарного периода;
- 6) экономический упадок и политическая нестабильность.

Специфические современные проблемы являются продолжением *тех, которые по проявлению или происхождению уходят корнями в советский период. Некоторые из них усугублены условиями переходного периода:*

- невысокая эффективность работы судов;
- неразвитость правового сознания населения;
- привычная ориентированность правоохранительных органов и их представителей на защиту исключительно «интересов государства» и «общественной собственности»;
- традиция подчинения чиновников не закону, а инструкции и начальнику.

К *правовым* факторам, детерминирующим коррупцию, многие отечественные специалисты относят ненадлежащее правовое регулирование некоторых сфер деятельности и недостатки в действующем законодательстве. В числе таковых наиболее часто выделяются:

– ненадлежащая регламентация служебных полномочий должностных лиц органов государственной власти и управления;

– недостаточная эффективность действующего уголовного законодательства об ответственности за конкретные формы проявления коррупции;

– ненадлежащее правовое регулирование финансирования предвыборных кампаний в органы государственной власти и местного самоуправления;

– отсутствие комплексной правовой базы, направленной на борьбу с коррупцией, в том числе и политической направленности;

– наличие законодательного закрепления иммунитета от уголовного преследования определенных субъектов политики как представителей государственной власти, так и претендентов на эти должности (например, кандидатов в депутаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан и органов самоуправления граждан, судей др.);

– несовершенство механизма избирательного законодательства, не обеспечивающего реальной зависимости избираемых лиц от своих избирателей.

Группа *организационно-управленческих* факторов, детерминирующих коррупцию, включает в себя:

а) незначительное количество конкурсов на замещение вакантных высших государственных должностей, наличие системы профессиональных служащих и политических назначенцев;

б) отсутствие эффективного финансового и иного контроля за деятельностью субъектов политики;

в) нестабильность государственной службы;

г) отсутствие специальных независимых служб, осуществляющих финансовый контроль при проведении выборов или конкурсов для занятия соответствующей должности в органах государственной власти;

д) неэффективность деятельности государственных органов по борьбе с коррупцией;

е) отсутствие или слабость исполнения надлежащих форм социального контроля за сферой политических отношений и деятельностью представителей органов государственной власти и кандидатов на эти должности как со стороны государства, так и общества;

ж) недостаточность политической воли высших должностных лиц государства как по отношению к борьбе с коррупцией в масштабах страны, так и к отдельным случаям ее проявления³.

К числу *идеологических и воспитательных* факторов, детерминирующих коррупцию, можно отнести:

– проведение так называемых кампаний по борьбе с коррупцией во всех ее формах и проявлениях, которые скорее приносят вред, чем положительный эффект, поскольку они преследуют, чаще всего, политические цели и являются одним из способов достижения их, потому что зачастую лица, добившиеся поставленных перед собой политических целей (занятие или сохранение за собой соответствующей должности), после этого забывают о своих обещаниях по поводу повышения эффективности борьбы с этим социальным явлением;

– неполную сформированность политической культуры гражданского общества, что отражается в первую очередь на процессе выборов, когда часть избирателей отдает свой голос за небольшие денежные суммы или материальные ценности, получая незначительную имущественную выгоду, во-вторых, в восхвалении или, наоборот, в огульной критике субъектов политики без какой-либо серьезной предварительной проработки и анализа их предвыборных программ;

– отсутствие либо недостаточно хорошо налаженная работа в образовательной системе по антикоррупционному воспитанию подрастающего поколения;

– недостаточная работа СМИ по антикоррупционному воспитанию населения.

Социально-экономические условия коррупции:

– приватизация государственной собственности;

– распределение бюджетных средств;
– предоставление эксклюзивных прав (льгот, в том числе по экспорту и импорту, налогам, лицензированию и т.п.).

Банковская сфера:

– противозаконный лоббизм в законодательных органах;

– правоохранительные органы и экономическая преступность;

Условия для низовой коррупции:

– жилищно-коммунальная сфера;

– правоохранительные органы;

– налоги и таможенные сборы;

– призыв на военную службу.

Таким образом, можно сделать следующие *выводы*.

Во-первых, *уменьшить и ограничить коррупцию можно одновременно решая проблемы и устраняя условия, ее порождающие; во-вторых, решению этих проблем будет*

способствовать противодействие коррупции со всей решительностью и по всем направлениям.

К проблемам, порождающим коррупцию, относятся те, которые свойственны не только Узбекистану, но и большинству стран, находящихся в стадии модернизации, в первую очередь, переживающим переходный период от централизованной к рыночной экономике. В этой связи еще в 1999 году Первый Президент Республики Узбекистан И. Каримов отмечал, что: «В истории каждого государства переход к новому социальному строю, к сожалению, всегда был сопряжен с такими отвратительными явлениями, как коррупция и преступность»⁴.

По нашему мнению, только изучив должным образом причины и условия, порождающие коррупцию, можно определять и вырабатывать конкретные меры по ее ограничению и снижению.

¹ Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2017. – № 1. – Ст. 2.

² См. об этом: Гаухман Л.Д. Коррупция и коррупционные преступления // Законность. – М., 2000. – № 6; Уразалиев М. Предупреждение преступности. – Т., 2008. – С. 68; Максимов С.В. Комментарий об ответственности за коррупционные преступления в сфере негосударственной службы // Россия и мировой опыт противодействия коррупции. – М., 2000. – С. 169–201; и др.

³ См. об этом подробнее: Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш: Илмий-амалий конференция материаллари тўплами / Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлар доктори, профессор М.Х.Рустамбаевнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2018.

⁴ Каримов И.А. Справедливость должна быть основой нашей деятельности // Свое будущее мы строим своими руками. Т.7. – Т., 1999. – С. 336.

Ш. Р. Жалолов,
*Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти
соҳавий ҳуқуқий фанлар кафедраси бошлиғининг ўринбосари*

КОРРУПЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА АДВОКАТНИНГ ИШТИРОКИ

Аннотация. Мақолада коррупция, жумладан пора олиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда адвокатнинг иштироки кўриб чиқилган, адвокатура институтини янада такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган ислохотларга алоҳида эътибор қаратилган.

Таянч сўзлар: коррупция, порахўрлик, пора олиш, пора бериш, пора предмети, ҳақ эвазига оғдириш, инсон ҳуқуқлари, адвокат иштироки.

Участие адвоката в расследовании преступлений, связанных с коррупцией

Аннотация. В статье рассматриваются преступления, связанные с получением взяток, вопросы участия адвоката в расследовании преступлений, связанных с коррупцией. Особое внимание уделено реформам, осуществляемым в целях усовершенствования института адвокатуры.

Ключевые слова: коррупция, взяточничество, брать взятку, давать взятку, предмет взятки, подкуп, права человека, участие адвоката.

Participation of advocate in investigation of crimes connected with corruption

Annotation. The article deals with crimes founded on reception of bribes, participation of advocate in investigation of crimes connected with corruption issues and main attention is paid to the reforms carried out to improvement of advocacy institute.

Keywords: corruption, bribery, to take bribe, to give bribe, subject of the bribe, subornation, human rights, participation of the advocate and characteristics.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк даврдаёқ коррупцияга қарши курашиш масаласига умумдавлат миқёсидаги вазифа сифатида қаралиб, унинг олдини олиш ва давлат аппаратини коррупционерлардан тозалаш бўйича ишлар изчил ва мунтазам олиб борилди. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар таркибида коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашувчи алоҳида тузилмалар шакллантирилди. Шу билан бирга, коррупцияга қарши кураш бўйича қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида 2008 йил 7 июлда БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси ратификация қилиниши ёки 2010 йилнинг мартидан бошлаб Ўзбекистон Коррупцияга қарши кураш бўйича Истамбул ҳаракат дастурига қўшилиши коррупцияга

қарши курашиш борасида қўйилган муҳим қадамлардан бўлди.

Сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

2017 йил 3 январда «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши эса бу йўлда амалга оширилаётган муҳим ислохотлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривож-

лангиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»-да амалга оширишга оид давлат дастурида ҳам коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирлари самарадорлигини ошириш бўйича чоралар белгиланганлиги бунинг яна бир яққол мисолидир.

Амалда коррупция мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар, олдимизга қўйилган мақсадлар йўлидаги жиддий тўсиқ бўлиб қолмоқда. Жумладан, жиноий-ҳуқуқий маънода коррупцияга қарши курашиш, энг аввало, унинг бир кўриниши бўлган порахўрлик жиноятларини очиш, тергов қилиш ва унинг олдини олишдан иборат. Порахўрлик анча кенг ёйилган, лекин очиш ва тергов қилиш қийин бўлган жиноят тури ҳисобланади. Порахўрлик жиноятлари одатда «совға қилиш», «қарз бериш», корхонанинг штатига ишчи, ходим сифатида қабул қилиш ва маош тўлаш ёки моддий рағбатлантириш кўринишларида содир этилади. Шу сабабли, мазкур тоифадаги жиноятлар аксарият ҳолларда гувоҳларсиз ва жиноят изларини яширган ҳолда содир этилади.

Кўпинча пора қонуний ҳаракатларни тезлаштириш учун берилади ёки уларга ташқаридан қараганда қонуний ҳаракат туси берилади. Гувоҳлар йўқлиги ҳам порахўрлик жиноятини очиш жараёнини қийинлаштиради.

Бу тоифадаги ишларда асосан эгри далиллар устунлик қилгани боис ҳақиқатни аниқлаш кўп босқичли исботлаш жараёнини талаб этади.

Мамлакатимизда изчил равишда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида адвокатура доимо марказий ўринлардан бирини эгаллаб келган. Зотан, Ўзбекистон Республикаси собиқ иттифоқ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб адвокатлик фаолиятининг ҳуқуқий асосини Конституцияда акс эттириб, фуқаролар ва юридик шахс-

ларнинг юридик ёрдам олишдек конституциявий ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишининг мустаҳкам пойдеворини яратди.

Истиқлол даврида қабул қилинган қонунлар, жаҳон тажрибаси ва инсон ҳуқуқларининг устуворлиги принципи адвокатуранинг мустақил ҳуқуқий институт сифатидаги аҳамиятини ошириб, ижтимоий муносабатларнинг барча жабҳаларидаги иштирокени таъминлашда муҳим шарт-шароит яратди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йил 19 октябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Либерал-демократик партиясининг VIII съездида ўзининг сайловолди дастурларини баён этиб, шундай деди: «...Одил судловнинг муҳим шарти бўлган томонлар тенглиги принципини тўлиқ ишлатиш учун **адвокатура соҳасини** ҳам ислоҳ қилиш алоҳида ўрин тутди. Халқаро тажрибага назар ташлайдиган бўлсак, адвокат энг нуфузли, обрўли ва ишончли касб эгаси ҳисобланади. Миллий қонунчилигимизда ҳам адвокатларнинг самарали фаолият юритиши учун барча асослар яратилган бўлса-да, амалиётда бу нормалар мутлақо ишламаётганини афсус билан қайд этишимиз лозим. Шу билан бирга, суд-ҳуқуқ соҳасида адвокатуранинг ўрни ва ролини янада ошириш, адвокат ваколатларини кенгайтириш бўйича бир қатор қўшимча ва самарали чора-тадбирларни амалга оширишимиз зарур бўлади»¹.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 11-моддасига мувофиқ, «судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, ҳимоячи, шунингдек жиноят ишини юритишда иштирок этувчи барча шахслар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари шарт. Қонунларни аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра юз берганидан қатъи назар, жиноят процессида

қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади».

«Адвокат» сўзи лотинчадан олинган бўлиб, «ёрдамга чақириш» маъносини ифода-лайди. Қадимги Римда адвокат сифатида судда судланувчининг ҳимоясида турган унинг қариндошлари ва дўстлари тан олинган.

Собиқ иттифоқ даврига келиб адвокатура институтининг ривожланиши давом этди, ammo бу даврда фаолият юритаётган адвокатлар ҳайъатларининг кўп жиҳатдан давлат ҳокимияти идораларига қарам бўлганлиги адвокатуранинг мустақил фаолият юритишига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари тўлиқ ҳимоя қилинишига тўсқинлик қиларди.

1996 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикасида «Адвокатура тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши адвокатура институтининг шаклланишига туртки бўлди.

1998 йил 25 декабрда мазкур қонуннинг мантиқий давоми сифатида қабул қилинган «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонун ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Чунки, унда адвокатнинг шахсий дахлсизлиги ва фаолияти кафолатлари қатъий белгилаб қўйилди.

2008 йил 1 майда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чоратадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони адвокатура институтини янада ривожлантириш ва адвокатлик фаолиятининг кафолатларини таъминлашда муҳим босқич бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасига биноан, «жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади...».

Дарҳақиқат, ким бўлиши ва қандай жиноят содир этганлигидан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг ҳимояланиш ҳуқуқи муқаддасдир.

Айбланувчини ҳимоя қилиш жараёни ҳимоячи томонидан унинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билган ҳолда уларни жиноят иши бўйича моҳирона қўллашдан иборат бўлади, акс ҳолда бу билимларга эга бўлмаган ҳимоячи ЖПКнинг 24-моддасида кўрсатилган мажбуриятларини тўлиқ бажара олмаслиги мумкин².

Ҳимоячи фуқароларнинг Конституциянинг 116-моддасида ҳамда «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг (янги таҳрирда) 10-моддасида кафолатлаб қўйилган ҳимояланиш ҳамда малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини рўёбга чиқаришнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, жиноят суд иш юритувининг судгача босқичларида адвокатнинг иштироки институти Ўзбекистон ўз мустақиллигини кўлга киритганидан сўнг ривожлана бошлади. Унганча на Ўзбекистоннинг биринчи 1926 йил 16 июндаги ЖПКда, на 1929 йил 29 июндаги ЖПКда адвокатнинг дастлабки терговда иштирок этиш ҳуқуқи кўзда тутилган эди. Ушбу даврда адвокатнинг фаолияти ҳимоя функциясини бажариш билан чекланган, зеро қонунда (1960 йилга қадар) адвокатнинг жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар сифатида иштирок этиши кўзда тутилмаган³.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг эса юртимизда адвокатура институтини ислоҳ этишга, шу жумладан, жиноят процессида адвокат иштироки шакллари янада кенгайтириш, жиноят иши юритувида тортишувни ҳамда айблов ва ҳимоя тарафлари процессуал ҳуқуқларининг ўзаро тенглигини таъминлашга қаратилган изчил ислоҳотлар олиб борилди. Бу борада 1994 йил 22 сентябрда ЖПК қабул қилиниши билан адвокатнинг дастлабки терговда ҳимоячи сифатида иштирок этиш ваколати мустаҳкамлаб қўйилди.

Коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг асосини ташкил қилган порахўрлик жиноятларида шахс асосан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тезкор тадбирлари

натижасида, яъни жиноят устида ушланади. Бунда адвокат ҳимоясидаги шахс ушлангунига қадар тузилган ҳужжатларнинг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонун ва Жиноят-процессуал кодекс талабларига мос келиш-келмаслигига эътибор қаратиши керак; шунингдек порахўрлик жиноятини содир этишда гумон қилинаётган мижози мансабдор шахсми ёки йўқми, аризачидан пора талаб қилиш ҳолати ўз тасдиғини топган-топмаганлиги, далилий ашёлар бор-йўқлиги, айнан шу берилган пора эвазига бирон ишни ҳал қилиб бериш унинг мансаб ваколатига кирган-кирмаганлиги, ҳолатнинг жинсий-ҳуқуқий жиҳати, аризачи ва мижозининг ўтмишдаги муносабатлари (низо, хусумат) каби масалаларга ойдинлик киритиш ҳимоянинг сифатли ташкил қилинишида ёрдам беради.

Қуйидаги ҳолатларда мансабдор шахснинг коррупция билан боғлиқ жиноятларни содир этганликда айблаш мумкин:

ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш;

ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш;

мансабга совуққонлик билан қараш;

ҳокимият ҳаракатсизлиги;

мансаб сохтакорлиги;

пора олиш;

пора бериш;

пора олиш-беришда воситачилик қилиш ва ҳ.к.

Шунингдек, ҳимоячи порахўрлик жиноятларида мижозининг қилмиши терговчи томонидан тўғри квалификация қилинганига эътибор қаратиши лозим. Чунончи, баъзи ҳолатларда мансаб ваколати бўлмаган шахс муайян бир ишни бажариш учун пора сифатида пул олиши мумкин. Масалан, аслида институтда ишламайдиган шахс ўзини шу институт ходими сифатида таништириб, аризачининг яқин қариндошини ўқишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, ундан пул олса, бундай ҳолатда унинг ҳаракатлари фирибгарлик жиноятининг таркибини келтириб чиқаради.

Адвокатнинг вазифаси жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган ёхуд судланаётган шахсни ҳар қандай усул ва воситалар билан ҳимоя қилиб, ўз ҳимоясидагига нисбатан оқлов ҳукми чиқарилишига эришиш, жиноятни хаспўшлаш, айбдорни адолатли жазодан қутқариб қолиш эмас, балки одил судловни амалга оширишда ҳақиқатни аниқлашда ёрдам бериш, шахсга нисбатан суд-тергов идоралари томонидан ғайриқонуний усуллар қўлланишига йўл қўймаслик, айбланувчи шахснинг ҳаракатини ҳуқуқий жиҳатдан тўғри малакалашга ва жиноятга яраша адолатли жазо тайинланишига эришиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий онгини оширишда кўмаклашишдир⁴.

Айбланувчини ҳимоя қилиш жиноятни оқлаш дегани эмас. Адвокат ҳеч қачон жиноятни ҳимоя қилмайди, балки жиноят содир қилишда айбланаётган шахснинг асоссиз ёки қилмишига номувофиқ бўлган оғир жазога тортилишдан ҳимоя қилади. Айни вақтнинг ўзида ҳам айбланувчини ҳимоя қилиш, ҳам одил судловга хизмат қилиш бир-бирига қарама-қарши фаолият кўринса-да, аслида ундай эмас. Адвокат иш бўйича айбланувчининг ҳаракатини оқлайдиган ҳеч қандай далил топа олмаган, айбланувчи ўз айбига иқрор бўлган тақдирда ҳам унинг айбини енгиллаштирувчи ҳолатларни аниқлаш учун бор билими ва тажрибасини ишга солиши зарур⁵.

Жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган ҳамма фуқаролар ҳам ўз ҳуқуқларини тўлиқ билмаганлиги учун адвокат ёрдамига муҳтож бўлади. Айрим ҳолатларда гумон қилинувчи билан аризачи ўртасида ўтмишда бўлиб ўтган низолар ёки бирон жиноятни яшириш ёхуд учинчи шахснинг ёки жинсий гуруҳнинг манфаатини кўзлаб шахсга жиноят қилганликда тўхмат қилиниши мумкин. Бундай ҳолатларда тўхмат қилинган шахс ўзини батамом йўқотиб қўйиб қаттиқ ҳис-ҳаяжон ёки тушкунликка тушиб қолиши оқибатида умуман фикрини жамлай олмаслиги ёки гапиролмаслиги ҳолатлари ҳам юз бериши мумкин. Бундай вазиятларда ушбу шахснинг ёнида адвокат-

нинг иштироки унга ҳам далда бўлади, ҳам умид беради. Инсонлар табиатан бир хил эмас. Кимнингдир асаб тизими туҳматни кўтара олади ва у ўзини, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялай олади, кимдир эса бундай вазиятларда бутунлай стресс ҳолатига тушиб қолади.

Яна бир муҳим масала адвокатнинг жиноят процессида тергов ва судга киритган илтимосномаларига жиддий эътибор бериш талаб этилади. Бизнингча, вақтинча ушлаб туриш ҳибсхонаси ёки тергов изоляторида сақланаётган айбланувчини оғир касал бўлиб ўлим тўшагида ётган яқин қариндоши билан видолашиш, унинг жанозасида қатнашиш (оғир ва ўта оғир жиноят содир этганлар бундан мустасно), бошқа бир қариндошининг тўйини онлайн тарзда кўришини таъминлаш учун унинг илтимосномаси қаноатлантирилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 52-моддасига кўра гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи иш юритилаётган даврда исталган вақтда ҳимоячидан воз кечишга ҳақлидир. Бу ҳақда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, шунингдек адвокат, суриштирувчи ёки терговчи имзолайдиган баённома тузилади ёхуд суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилади.

Адвокатура тизимини тубдан такомиллаштириш, профессионал юридик ёрдамнинг сифатини ва адвокат касбининг нуфузини ошириш, шунингдек суд ишини юритишда тенглик ва тортишув принципларини тўлиқ рўёбга чиқариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги «Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5441-сон фармони, адвокатура институтини янада такомиллаштиришга доир 22 та банддан иборат комплекс чора-тадбирлар дастури қабул қилинди.

Энди адвокат томонлардан бирининг вакили ҳисобланмаса, низоларни судгача ҳал қилиш, томонларни яраштириш чораларини

кўришлари ва ҳакамлик судьяси сифатида фаолият юритишлари мумкин.

Адвокат бўлиш учун, аввалгидек, адвокатлик тузилмасида стажировка ўташ лозим. Бироқ унинг муддати 6 ойдан 3 ойга қисқартирилди. Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходимлари ва судья, терговчи ёки прокурор лавозимида камида 3 йил фаолият юритган шахслар эса стажировкадан озод этилди. Бунинг устига, энди лицензия олиш учун имтиҳон топшира олмаган шахслар уни 6 ойдан кейин (*илгари – бир йилдан кейин эди*) такроран топширишлари мумкин.

Энг асосийси – адвокатлар мутахассислиги жорий этилмоқда. Яъни танланган ҳар бир мутахассислик бўйича алоҳида лицензия берилади. Улар атиги иккита бўлиши режалаштирилган. Бунда фаолият юритаётган адвокатларнинг лицензиялари уларни қайта аттестациядан ва йиғимларни тўлашдан озод этган ҳолда қайта расмийлаштирилади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, мустақиллик йилларида адвокатура институтининг фуқаролар ва юридик шахслар учун зарурлиги исботини топди. Адвокатуранинг фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдаги роли кун сайин ошиб бормоқда. Шунинг учун, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида кучли адвокатура мавжудлиги, кенг маънода, нафақат адвокатларга, балки жамият ва давлат учун ҳам ижобий натижалар беради. Ҳимоячи ўз ҳимояси остидаги гумон қилинувчи ёки айбланувчининг ишончини қозониши керак. Бунинг учун адвокат ўз ишининг устаси бўлиши ва қуйидаги хислатларга эга бўлмоғи лозим:

– жиноят ишида иштирок этишга киришиши билан, энг аввало, жиноят иши тафсилотини, ҳимоясидаги шахс қандай жиноятни содир этишда гумон қилинаётгани ёки айбланаётганини яхши тушуниб олиши;

– гумон қилинувчи ёки айбланувчи билан ўзаро ишонч ўрнатиши;

– ҳолатни чуқур юридик таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

– иштирок этаётган ишига сидқидилдан ва масъулият билан ёндашиши;

– ниҳоятда изланувчан бўлиши;

– ҳужжатларни тўғри тузиш ва ёзиш учун саводхонлигини доимий равишда ошириб бориши;

– юксак даражада билимдон ва нотик бўлиши;

– ўз устида тинмай ишлаши ва доимо малакасини ошириб бориши;

– сабрли ва шижоатли бўлиши;

– барча соҳаларда қабул қилинаётган янги қонунлардан хабардор бўлиши;

– тўғрисиўз ва ҳалол бўлиши;

– яхши психолог бўлиши;

– миллий ва чет эл таниқли адвокатларининг илтимосномалари ва судлардаги нутқларининг матни билан доимий равишда танишиб бориши;

– адвокатлик фаолиятига доир семинар-тренинг, конференцияларда мунтазам қатнашиб бориши керак.

Энг яхши адвокатлар учун ечими топилмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Улар ишни олиб бориш жараёнида тўғри қарорлар қабул қилиб, тарафларни яраштириб қўйишлари ҳам мумкин. Табиийки, ҳимоячи жиноятчини жазодан озод қила олмайди, лекин жазони енгилаштиришнинг уддасидан чиқиши мумкин. Адвокат ўз ҳимояси остидаги шахсга, қандай бўлмасин, қонун доирасида ёрдам бериши керак. Ҳимояси остидаги шахс уни қидирганида ва у билан учрашиш истаги бўлганида дарҳол уни топа олиши унинг ҳимояга ҳурмати ва ишончини янада мустаҳкамлайди.

¹ *Мирзиёев Ш.М.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т., 2017. – Б. 51.

² Ички ишлар идоралари тергов аппаратларини бошқариш /Д. М. Миразов ва бошқ. – Т., 2012. – Б. 41.

³ *Базарова Д.Б.* Адвокат как участник в досудебных стадиях уголовного процесса: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 2011. – С. 11–12.

⁴ *Саломов Б.* Ўзбекистонда адвокатлик фаолияти. – Т., 2000. – Б. 8.

⁵ *Тўлаганова Г.* Жиноят процессида ҳимоячининг иштироки. – Т., 2005. – Б. 12–13.

Ш. А. Кулматов,

*ИИВ Академияси жиноят процессуал ҳуқуқ кафедраси
бошлиғининг ўринбосари, юридик фанлар номзоди, доцент*

ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада жиноят-процессуал муносабатларда процессуал мажбуриятларнинг аҳамияти, процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун юридик жавобгарлик турларининг ўзига хослиги таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: процессуал ҳуқуқ, процессуал мажбурият, процесс иштирокчилари, процессуал мажбурлов чоралари, жавобгарлик, юридик жавобгарлик.

Вопросы ответственности за невыполнение уголовно-процессуальных обязанностей

Аннотация. В статье проанализированы значение процессуальных обязанностей в уголовно-процессуальном отношении и особенности юридической ответственности за невыполнение процессуальных обязанностей.

Ключевые слова: процессуальное право, процессуальная обязанность, участники процесса, процессуальное принуждение, ответственность, юридическая ответственность.

Responsibility issues for neglect criminal-procedural duties

Annotation. The article analyses significance of procedural obligations in criminal-procedural relations and peculiarities of legal responsibility for neglect criminal-procedural duties.

Keywords: procedural law, procedural duty, participants of the process, procedural enforcement, responsibility, legal responsibility.

Жамиятда барча фуқаролар ва юридик шахслар бир-бирлари билан маълум бир зарурат туфайли ижтимоий муносабатларга киришади. Ушбу ижтимоий муносабатлар давлат томонидан қабул қилинган қонунлар билан қўриқланади ва тартибга солинади. Фуқаролар ёки юридик шахслар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар бузилганда муносабатга киришган у ёки бу томоннинг, жамият ёки давлатнинг манфаатларига путур етади. Етказилган зарарнинг оқибати тегишли ҳуқуқ нормаларида белгиланган жавобгарликни қўллаш учун сабаб бўлади. Масалан, жиноят содир этилганида — жинойи жавобгарлик; маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганда — маъмурий жавобгарлик; моддий зарар етказилганида — фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик; меҳнат муносабатлари бузилганида — интизомий жавобгарлик келиб чиқади.

Жиноят процесси иштирокчилари томонидан ЖПКда белгиланган мажбурият-

ларининг тўлиқ ва аниқ бажарилмаслиги жиноят-процессуал қонун нормасининг бузилишига, яъни қоидабузарликка олиб келади. Лекин айрим олимлар жиноят-процессуал қонун нормасининг бузилиши фақат процессуал ҳуқуқбузарлик келтириб чиқаришини таъкидлашади¹.

Бизнингча, ушбу фикрга қўшилиб бўлмайди. Чунки, ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик фақат моддий ҳуқуққа тегишли тушунчадир. Жиноят процессида процессуал ҳуқуқбузарлик деб тан олиш учун ҳуқуқбузарликнинг белгилари ва процессуал ҳуқуқнинг мустақил жавобгарлиги бўлиши талаб этилади. Аммо процессуал ҳуқуқда ҳуқуқбузарлик белгилари ва ўзининг мустақил жавобгарлиги мавжуд эмас. Қоидабузарлик эса процессуал тартибга, қоидага, қонунга риоя этмаслик натижасида келиб чиқади, шунинг учун «қоидабузарлик» — процессуал ҳуқуққа нисбатан қўлланиладиган тушунча.

Лекин процессуал қоидабузарлик натижасида моддий ҳуқуқда белгиланган жавобгарлик (масалан, таржимон нотўғри таржима қилганлиги учун жиноий жавобгарлик) келиб чиқиши ҳам мумкин. Шу билан бирга, ЖПКнинг 11, 272, 487-моддаларида «процессуал ҳуқуқбузарлик» эмас, балки «тартиббузарлик», «қоидабузарлик», «қонун бузилиши» атамалари ишлатилганини кўришимиз мумкин.

Бундан ташқари, ҳуқуқбузарлик «мавжуд қонун-қоидаларга амал қилмаслик; уларни бузиш, шу йўлдаги хатти-ҳаракат; шахсга, мулкка, давлатга ва бутун жамиятга зарар келтирувчи ижтимоий хавфли қилмиш»² бўлса, тартиббузарлик ва қоидабузарлик — «қонун-қоида, тартиб-интизом талабларини бузувчи, унга зид иш тутиш»³.

Шуни ёдда тутиш лозимки, жиноят процессининг ҳар қандай босқичида у ёки бу жиноят-процессуал қонун нормаларига риоя қилмаслик, унинг талабларини бажармаслик иш юритишнинг бутун тартибини издан чиқаради, унинг йўналишини ўзгартиради ёки жараённинг кечишини тўхтатиб қўяди, ҳуқуқни қўллашда ижобий натижаларга эришилишига тўсқинлик қилади⁴. Айнан шунинг учун ҳам процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун тегишли таъсир чоралари белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бир гуруҳ процессуалист олимлар жиноят-процессуал қоидабузарлик учун давлат мажбурлов чорасини қўллаш лозимлигини таъкидлашган ва уларга ҳуқуқни ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқни тиклаш, жавобгарлик, олдини олиш чораларини киритишган. Масалан, Г.З.Тўлаганованинг фикрича, жиноят процессида бажарилмаган мажбуриятларни мажбурий бажартириш процессуал мажбурлов чорасидир, чунки ноқонуний ҳужжатларни бекор қилиш орқали ҳуқуқ тикланади, лекин ноқонуний ҳужжатларни қабул қилган мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарлик юзага келади⁵.

Бизнингча, процессуал мажбуриятларни бажармаганлик оқибатида келиб чиққан қоидабузарлик учун процессуал мажбурлов чораси ва моддий ҳуқуқдаги юридик жавобгарлик чоралари қўлланиши мақсадга

мувофиқ. Жумладан, қоидабузарликнинг оқибатига қараб тегишли таъсир чоралари белгиланади, яъни агар қоидабузарлик белгиланган тартибга риоя этмаслик билан боғлиқ бўлса — процессуал мажбурлов чораси, мабодо қоидабузарликнинг оқибати моддий ҳуқуқдаги ҳуқуқбузарликни келтириб чиқарган бўлса — тегишинча, маъмурий, жиноий жавобгарлик чораси қўлланишини тақозо этади.

Юридик жавобгарлик тўғрисида сўз юритадиган бўлсак, аввало «жавобгарлик» сўзига берилган таърифларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбек тилида жавобгарлик деганда «хатти-ҳаракат, қилмиш учун бирон-бир масъулиятга ёки жазога тортишни талаб қиладиган ҳолат, моддий жавобгарлик ёхуд ўз зиммасидаги вазифанинг бажарилиши учун масъулиятли ҳолат, масъулият, маънавий жавобгарлик»⁶ тушунилади. Масъулият эса «бирор иш, хатти-ҳаракат оқибати, натижаси учун бўлган жавобгарликдир»⁷. Ушбу ҳолатда икки атаманинг мазмунида унчалик фарқ йўқлигини кўришимиз мумкин.

Юридик адабиётларда «жавобгарлик» атамаси турлича талқин этилади⁸. Ҳуқуқ назариясига кўра, *жавобгарлик* юридик оқибатларнинг турли кўринишлари бўлиб, у маълум фактлар мавжуд бўлганида келиб чиқади. Ҳуқуқ нормалари ижтимоий муносабатлар субъектларига муайян ҳуқуқлар бериш ва тегишли мажбуриятлар юклаш орқали ижтимоий муносабатларни тартибга солиди⁹.

Н.А.Духно ва В.И.Ивакин «жавобгарлик жавоб бериш, жавоб қайтариш, ахборот бериш каби феъллардан келиб чиққан»лигини таъкидлаган. Г.Тўлаганова «жавобгарлик»ка давлатнинг жамиятга зарар етказган шахс хулқига жавоб чорасидир¹⁰ деб қисқа ва аниқ таъриф беради.

Олимларнинг фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш натижасида жавобгарликни ижобий ва салбий маъноларда тушуниш мумкинлигига амин бўламиз. «Жавобгарлик» ижобий маънода шахснинг ўз хатти-ҳаракатлари учун масъуллиги, мажбуриятини англаши ва сезишини англагач, салбий маънода шахснинг ўзи хатти-ҳаракатлари

учун жавоб бериши, жавобгарликка тортилиши, жазоланишини билдиради.

Олимлар юридик жавобгарликни ҳам ижобий ва салбий турларга бўлишади¹¹. Бизнингча, юридик жавобгарликни ҳуқуқбузар учун салбий маънода тушуниш жоиз. Чунки юридик жавобгарлик фақат ҳуқуқбузарлик оқибатида юзага келади ва ҳуқуқбузарга нисбатан жазо чораси қўлланишида намоён бўлади.

Юридик жавобгарлик давлатнинг мажбурлов кучи билан боғлиқ бўлиб, ҳуқуқ соҳаларида турли шаклларда, масалан, жиноят ҳуқуқида — жазо белгилаш, фуқаролик ҳуқуқида — етказилган зарарни ундириш ва қоплаш, маъмурий ҳуқуқда — жарима тўлаш ёки бошқа маъмурий чораларни қўллашда намоён бўлади. Ҳуқуқнинг умумий назариясида юридик жавобгарлик ҳуқуқ нормасининг бузилишига жавобан давлат томонидан қўлланиладиган жазо чораси ҳисобланади.

Юридик жавобгарликнинг бўлиши ва ҳуқуқбузарликларга жавобан қўлланилиши ижтимоий заруратдир. Юридик жавобгарлик ҳуқуқ назариясидаги ўрнига кўра жиноий-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий, фуқаровий-ҳуқуқий ҳамда меҳнат-интизомий жавобгарлик турларига бўлинади.

А.Х.Рахмонқулов юридик жавобгарлик турларига конституциявий жавобгарликни ҳам киритишни таклиф қилган¹².

З.Ф. Иноғомжонова ва Г.З. Тўлаганова ҳам жиноят процессида жавобгарлик қонуннинг айб билан боғлиқ бузилиши (қасддан ёки эҳтиётсизлик) учунгина юзага келиши, бунинг учун эса моддий ҳуқуқдаги (жиноий, интизомий, маъмурий) жавобгарликлар вужудга келишини таъкидлайдилар¹³.

Бизнинг фикримизча ҳам, жиноят-процессуал ҳуқуқда процессуал жавобгарликнинг мавжуд бўлиши нотўғри, чунки жавобгарлик фақат моддий ҳуқуққа тегишли бўлиши лозим. Чунки процессуал ҳуқуқ турли низо ва келишмовчиликларни ҳал этиш, жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликларни тергов қилиш ва судда кўришнинг ташкилий масалаларини тартибга солади¹⁴, моддий ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш тартибини белгилайди ва улардан келиб чиқади.

Жиноят-процессуал ҳуқуқ ишнинг қайси тартибда ҳал этилишинигина назарда тутади. Масалан, жиноят ҳуқуқи қандай қилмиш жиноят эканлигини ва шу хатти-ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик учун бериладиган жазонинг умумий асосларини белгилаб берса, жиноят-процессуал ҳуқуқда қилмиш юзасидан жиноят ишини қўзғатиш, уни тергов қилиш, судда кўриш каби масалалар ўз ифодасини топади¹⁵. Агар моддий ҳуқуқда ҳуқуққа хилоф қилмиш содир этилмаган бўлса, жиноят-процессуал ҳуқуқ нормалари қўлланилмайди, яъни процессуал ҳуқуқ моддий ҳуқуққа хизмат қилмайди.

Шунингдек, жиноят процессида содир этилган қоидабузарликлар оқибатида келиб чиққан ҳуқуқбузарликлар учун мазмун жиҳатдан моддий-ҳуқуқий жавобгарлик турларидан бирини қўллашга тўғри келади. Масалан, жиноят процессида гувоҳ — ёлгон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарликка, суриштирувчи — мулкий зарар етказганлик учун фуқаровий жавобгарликка, вояга етмаганни кузатув остига олган шахс — эҳтиёт чораси талабларини бажармаганлик учун маъмурий жавобгарликка, терговчи — жиноят ишини ҳар томонлама тўлиқ тергов қилмаганлиги учун интизомий (оғир оқибатга сабаб бўлган бўлса — жиноий) жавобгарликка тортилиши мумкин.

Юқоридаги таҳлиллар асосида хулоса чиқарсак, алоҳида жиноят-процессуал ҳуқуқий жавобгарликни юзага келтиришнинг зарурати йўқ, чунки ундаги процессуал муносабатлар доирасида мажбурлов чораларининг мавжудлиги ва қўлланилиши мумкинлигининг ўзи етарлидир.

Дастлабки терговда процессуал мажбуриятларини бажармаган иштирокчиларга тегишли таъсир чоралари белгиланишидан кўзланадиган мақсад — иш юритув тартибининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кечишини таъминлаш ҳамда жараён иштирокчиларида амалдаги қонун талабларига ҳурмат ҳиссини шакллантириш орқали уларга риоя этилишига эришишдир.

Шундай қилиб, процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик

деганда жиноят процессида процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик — бу жиноий иш юритув жараёнида (судгача ва суд босқичида) процесс иштирокчиларининг зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаслиги оқибатида келиб чиқадиган давлат мажбурлови хусусиятига ва тегишли моддий-ҳуқуқий тавсифга эга жазо чоралари (жиноий, маъмурий, интизомий, фуқаровий) мажмуи тушунилади.

Жиноят процессида процесс иштирокчиларидан зиммасига қонун ҳужжати билан юклатилган процессуал мажбуриятларига масъулият билан муносабатда бўлиш, ЖПК нормаларига қатъий риоя этишлари учун интизомли бўлиш талаб этилади. Интизом бор жойда тартибга сўзсиз амал қилинади.

Интизом — бўйсунуш тартиби, қоидаларга риоя этиш маъносини билдиради. Интизомнинг моҳияти давлат томонидан белгиланган қонун нормаларига аниқ (реал) риоя этишдир¹⁶. Шундай экан, жиноят процессида ҳам «процессуал интизом» тушунчасини таклиф этишга тўғри келади. Чунки жиноят процесси иштирокчилари-

нинг суриштирув ва терговда процессуал интизомга риоя этиши жиноят ишини юритиш жараёни самарали кечиши ва ижобий яқун топишини кафолатлайди. Шунга кўра, процессуал интизом — жиноят процесси иштирокчиларининг ЖПКда белгиланган ҳуқуқларидан фойдаланиши, мажбуриятларни бажариши ва иш юритувга оид тартиб-қоидаларга қатъий риоя этишини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жиноят-процессуал қонунларда процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик масаласи ҳозир ҳам ўз ҳуқуқий ечимини тўлиқ топмаганлигини эътироф этиш мумкин. Бу эса жиноят процесси иштирокчиларининг ўз процессуал мажбуриятларига нисбатан эътиборсизлик билан қараши, масъулиятсизлик билан ёндашиши, айрим ҳолларда уларнинг қонунда белгиланган тегишли жавобгарликдан қутулиб қолишга, энг асосийси, дастлабки терговнинг жиноят иши юзасидан сифатли бўлишига салбий таъсир этиши жиноят иши бўйича ҳақиқат қарор топмаслигига олиб келиши мумкин.

¹ Қаранг: *Липинский Д.А.* О соотношении уголовной и уголовно-процессуальной ответственности // Российский следователь. — М., 2016. — № 18. — С. 14–15.

² Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Шукурона-Ҳ / Таҳрир ҳайъати: Т. Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. — Т., 2006. — Б. 596.

³ Ўша жойда. — Б. 687.

⁴ Қаранг: *Погодина И.В., Попова З.В.* Государственное принуждение в юридическом процессе // Российский следователь. — 2007. — № 10. — С. 31–32.

⁵ Қаранг: *Тўлаганова Г.З.* Жиноят процессида эҳтиёт чораларининг қўлланиши муаммолари. — Т., 2005. — Б. 192.

⁶ Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. II / Таҳрир ҳайъати: Т. Мирзаев (раҳбар) ва бошқалар. — Т., 2006. — Б. 62.

⁷ Қаранг: *Шарофутдинов Ш.* Юридик жавобгарлик // Ҳаёт ва қонун. — 2005. — № 5–6. — Б. 13–14.

⁸ Қаранг: *Рахмонқулов А.Х.* Юридик жавобгарликнинг назарий ва амалий муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. — Т., 2002. — Б. 22.

⁹ Қаранг: *Саидов А., Тожихонов У.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. — Т., 2001. — Б. 305.

¹⁰ Қаранг: *Тўлаганова Г.З.* Жиноят процессида шахс ҳуқуқларини чеклаш мезонлари. — Т., 2007. — 167 б.

¹¹ Қаранг: *Саидов А., Тожихонов У.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. — Т., 2001. — 560 б.; *Алексеев И.А.* Сущность юридической ответственности // Государство и право. — 2009. — № 2. — С. 85.

¹² Қаранг: *Рахмонқулов А.Х.* Юридик жавобгарликнинг назарий ва амалий муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. — Т., 2002. — Б. 23.

¹³ Қаранг: *Иноғомжоновна З.Ф., Тўлаганова Г.З.* Жиноят процесси муаммолари. — Т., 2006. — Б. 151–153.

¹⁴ Қаранг: *Саидов А., Тожихонов У.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. — Т., 2001. — 560 б.

¹⁵ Қаранг: *Тожихонов У., Саидов А.* Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асослари. — Т., 2000. — 568 б.

¹⁶ Қаранг: *Колосков А.М.* К вопросу о служебной подчиненности как признаке дисциплинарной ответственности государственных служащих // Российский следователь. — 2007. — № 17. — С. 34–35.

